

Халқаро Бобур жамоат фонди

ҒОФУРЖОН САТИМОВ

БОБУРИЙЗОДАЛАР

Тарихий- маърифий рисола

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ – 2016

УЎК: 94(575)

КБК: 15.50

С-33

С-33 Сатимов, Гофуржон

Бобурйоздалар. Тарихий-маърифий рисола: – Т.: «Sharq», 2016. – 144 б.

Ушбу рисола Шарқ халқлари, хусусан, Марказий Осиё, Афғонистон, Покистон ва Ҳиндистон каби мамлакатлар тарихи саҳифаларида ҳам муҳрланган буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари ҳақида муфассал маълумот берувчи тарихий-маърифий асар. Унда подшоҳи ғозий Бобурнинг фарзандлари ва улар яратган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

ISBN 978-9943-26-445-8

УЎК: 94(575)

КБК: 15.50

ISBN 978-9943-26-445-8

Муқаддима

Буюк давлат арбоби, мохир саркарда, улкан шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мовароуннаҳр тарихида ўчмас из қолдирган, Афғонистон ва Ҳиндистонда эса бир неча асрга татигулик бурилиш ясаган. Ушбу мамлакатлар халқларининг маданий, ижтимоий ва иқтисодий ҳаётида сезиларли ўзгаришларни амалга оширган. У Ҳиндистонда бобурийлар салтанатига асос солди ва тарқоқ мамлакатнинг сиёсий бирлигини таъминлади, унинг гуллаб-яшнаши учун асрлар оша ижобий таъсир кўрсатди.

Бобуршоҳ ва бобурий шахзодаларнинг ҳаёт йўли, уларнинг бекиёс бунёдкорлик ишлари, давлат бошқарувидаги ислохотлари, қолаверса, тарихий шахс сифатидаги қиёфаси ҳануз барчамизда катта қизиқиш уйғотади.

Ҳиндистондек буюк мамлакат тарихида Бобуршоҳ ва унинг авлодлари фаолияти салмоқли ўрин эгаллайди. Бу мамлакатда бобурийлар салтанати ўрнатилгандан буён салкам беш юз йилга яқин вақт ўтган бўлса ҳам тарихчилар ва маҳаллий халқ уларнинг номларини алоҳида эҳтиром билан тилга олади.

Бобурийлар сулоласи вакиллари ҳақида нафақат шарқ, балки ғарб мамлакатларида,

шу жумладан, Буюк Британияда ўнлаб илмий-тарихий асарлар яратилган. Бу асарларнинг кўплари бобурий шахзодаларнинг замондошлари томонидан яратилган ва асар муаллифларининг аксарияти ўша даврда бўлиб ўтган воқеаларда ўзлари иштирок этган. Бу асарлар Ҳиндистонда уч ярим асрга яқин муддат давомида ҳукмронлик қилган бобурийлар сулоласи ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Ушбу рисолада хорижда яратилган тарихий манбаларга таяниб Ҳиндистонда Бобуршоҳ томонидан асос солинган салтанатни саклаб қолган, унинг пойдеворини мустаҳкамлаш ва кудратини янада оширишга муносиб ҳисса қўшган бобурий шахзодалар ва маликаларнинг фаолияти, шахсияти ҳақида айрим мулоҳазалар эътиборингизга ҳавола қилинаётир.

Бобурийлар давлати ўрнатилган кундан бошлаб катта бир даврни қамраб олган бир юз саксон йиллик тарих салтанатнинг энг гуллаб-яшнаган, таракқиёт чўққисига чиққан фасли ҳисобланади. Аврангзеб ҳукмронлигидан кейинги даврдан бобурийлар салтанати тарихида сўниш палласи бошланган ва бу алоҳида тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади.

Захириддин Муҳаммад Бобур хаётидаги муҳим саналар


- 1483 й. Захириддин Муҳаммад Бобур
14 февраль – таваллуд топди.
- 1494 й. – Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх
Мирзо оламдан ўтди.
Бобур Мирзо ворис сифатида Ан-
дижон тахтини эгаллади.
- 1497 й. – Бобур Мирзо Самарқанд тахтини
қўлга киритди.
- 1498 й. – Бобурнинг укаси Жаҳонгир Мирзо
Андижон тахтини эгаллади.
- 1499 й. – Бобур Мирзо яна Андижон тахти-
ни эгаллади.
- 1500 й. – Бобур яна Самарқанд тахтини қўл-
га киритди.
- 1501 й. – Шайбонийхон Самарқандни Бобур
Мирзодан тортиб олди.
- 1502 й. – Шох Исмоил Сафавий Эрон тахти-
ни эгаллади.
- 1504 й. – Бобур Мирзо Кобул тахтини қўлга
киритди.

- 1505 й. – Бобур Мирзонинг онаси Қутлуғ Нигор Хоним вафот этди. Бобуршоҳнинг Ҳиндистон сари дастлабки юришлари бошланди.
- 1507 й. – Шайбонийхон Хуросонни босиб олди.
- 1508 й. – Муҳаммад Хумоюн таваллуд топди.
Бобур Мирзо ўзини “Шоҳ” деб эълон қилди.
- 1510 й.
декабрь – Хонзода Бегимнинг Шайбонийхондан бўлган ўғли Шахзода Хуррам туғилди. Шайбонийхон кўшинлари Исмоилшоҳ лашкари томонидан тор-мор этилди. Шайбонийхон ўлдирилди.
- 1511 й.
октябрь – Бобуршоҳ Самарқандга ғолибона юриш қилди.
- 1512 й. – Бобуршоҳ Самарқандни тарк этишга мажбур бўлди.
- 1516 й. – Шахзода Аскарӣ Мирзо туғилди.
- 1519 й. – Ҳиндистонга иккинчи ва учинчи бор юриш қилинди. Шахзода Ҳиндол Мирзо туғилди.
- 1520 й. – Ҳиндистонга тўртинчи бор юриш қилинди.
- 1522 й. – Бобуршоҳ Қандахорни қўлга киритди.


- 1524 й. – Шоҳ Исмоил вафот этиб, ўғли Шоҳ Таҳмосп Эрон тахтини эгаллади.
- 1525 й. – Бобуршоҳ Ҳиндистоннинг Панжоб вилоятини эгаллади.
- 1526 й. – Панипат қишлоғи яқинидаги биринчи жангда Бобуршоҳ кўшини Деҳли султони Иброҳим Лўдийнинг кўп сонли кўшини устидан ғалаба қозонди.
- 1527 й. – Қанва яқинидаги жангда ражпутлар сардори Рона Санго кўшини тор-мор этилди.
- 1528 й. – Чандирийдаги жангларда Бобуршоҳ яна ғолиб келди.
- 1528 й. – Ҳумоюн Мирзо Бадахшон ҳокими этиб тайинланди.
- 1529 й. – Гогра ёнидаги жангда Иброҳим Лўдийнинг укаси Маҳмуд Лўдий кўшини устидан Бобуршоҳ аскарлари ғалаба қозониб, Бенгал шоҳи Нусратшоҳ билан дўстона алоқалар ўрнатилди.
- 1530 й. – Бобуршоҳ ёруғ оламдан кўз юмди. Деҳли тахтининг тожи ворис Ҳумоюн Мирзога кийдирилди.

Бобурий шахзодалар шажараси





6



Али Гавхар ёки
Шох Аълам
(1759–1806 йй.)

Акбаршох
(1806–1837 йй.)

Баходиршох II
(1837–1858 йй.)

Шахзода
Муҳаммад
Иброҳим

**Ахмадшоҳ
(1741–1754 йй.)**

**Шаҳзода Бедор-
бахт**

**Рафи-уд-Давла
(1719 й.)**

**Рафи-уд-Даражот
(1719 й.)**

Захириддин Мухаммад Бобур 1483 йилнинг 14 февралда Андижонда, соҳибкирон Амир Темур хазратларининг бешинчи авлоди бўлмиш Фарғона мулкининг ҳукмдори Султон Умаршайх Мирзо оиласида дунёга келди. Бобур Мирзонинг онаси Қутлуғ Нигор Хоним Тошкент хони Юнусхоннинг кизи бўлиб, у Чингизхоннинг 15-авлоди ҳисобланади.

Умаршайх Мирзонинг бешта хотинидан уч ўғил ва беш қиз туғилган. Қутлуғ Нигор Хонимдан Хонзода Бегим (1478 й.) ва Захириддин Мухаммад Бобур Мирзо туғилган. Мўғул хотини Фотима Султон Бегимдан Жаҳонгир Мирзо (1485 й.), андижонлик хотини Умид Оғачадан Меҳрибону Бегим (1478 й), Носир Мирзо (1487 й.) ва Шаҳрибону Бегим (1491 й.) туғилган. Оға Султон Бегим исмли хотинидан Ёдгор Султон Бегим (1494 й.) ва Султон Моҳим исмли канизагидан Руқия Султон Бегим (1494 й.) туғилган эди.

Маълумки, Марказий Осиё ва Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган соҳибкирон Амир Темур ва унинг авлодлари, хусусан, Захириддин Мухаммад Бобур ўзларини Чиғатой турклар авлодидан деб ҳисоблашган. Ўрни келганда, даштий мўғулларга нисбатан беписандлик билан караганлари ҳолда, ушбу ўлкалар тарихида, уларнинг сиёсий ва маданий, маиший ҳамда иқтисодий ҳаётида чуқур из қолдирган буюк аجدодлари ҳақида чуқур ҳурмат ва ғурур билан сўз юритишган.

Ҳиндистон тарихида Бобуршоҳ энг диққатга сазовор бўлган шахслардан бири бўлса, Осиё тарихида ўтган ҳукмдорлар орасида энг юкори мавкеда турадиган ҳукмдорлардандир. Ҳиндистонда узок муддат яшаб, у ерда Англия кироличаси Викториянинг сиёсатини рўёбга чиқаришда катта хизмат кўрсатган полковник Ж. Б. Маллесон ўзининг 1894 йилда Оксфордда нашр этилган “Ҳиндистон ҳукмдорлари. Акбар ва Мўгуллар Империясининг юксалиши” деб номланган асарида Захириддин Муҳаммад Бобур Подшоҳи Ғозий шахсияти ҳақида мулоҳаза юритган. Унинг Ҳиндистон тарихидан ўрин олган хизматларини кадрлаб, юкорида номи зикр этилган асарини ёзиш арафасидаги ўз кечинмаларини шундай изоҳлайди: “Бобур ўз ёшига нисбатан анчагина бой ҳаёт тажрибасига эга, табиатан саховатли, қўл остидагиларга ғамхўр, оила аъзоларига меҳрибон, дунёқараши улуғвор инсон бўлиб, унинг Ҳиндистонга нисбатан олиб борган сиёсатини “фотиҳ саркарда” иборасидан кўра кенгроқ мазмунга эга бўлган ёрлик билан шарҳлаш лозим бўлади”. У фикрида давом этиб шундай дейди: “Мен уни қудратли ҳукмдор, моҳир саркор (иш боши, ташкилотчи – Ғ.С.) сифатида, шунингдек, биз инглизлар кўп жиҳатларини ўзлаштириб олганимиз – мукаммал давлат тизимининг асосчиси сифатида, Ҳиндистонда беш юз йилдан буён давом этиб келаётган парокандалик ва бошбошдокликка барҳам бериб, ўзаро ғанимлиқ муносабатида бўлган қавмлар ва

уларнинг хон ва султонларининг бошини бир жойга қовуштириб мурасага келтирган, уларнинг можароларини ҳал этишда холисона сиёсат юргизган одил ҳакам сифатида тасаввур қиламан. Мен уни ғамхўр оила бошлиғи, меҳрибон ота сифатида, раият орасига кутку соладиган диний эътиқодлар зиддиятига қарамасдан ўз ақл-фаросати билан иш кўрадиган, ўз фикри ва қарашларида муқим турадиган тадбиркор инсон сифатида кўз олдимда гавдалантириш ниятида бўлдим”¹.

Бобуршоҳ ҳақида хорижда яратилган кўп-лаб илмий-тарихий асарлар орасида Ҳиндистонда 20 йил яшаб, у ердаги мавжуд кўхна кўлёмалар асосида Бобуршоҳ ва Ҳумоюншоҳ ҳаёти ва фаолиятини қадам-бақадам ўрганган шотландиялик шарқшунос У. Эрскиннинг “*Темурийлар авлодидан бўлмиш Бобур ва Ҳумоюн ҳукмронлиги давридаги Ҳиндистон тарихи*” асари ўзининг оригиналлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Бу асарда Бобуршоҳнинг Мовароуннаҳрдан Ҳиндистонгача бўлган юришидаги кечинмалари батафсил ҳикоя қилинади. Айниқса, Бобуршоҳнинг оддий инсон ва шоҳ сифатидаги қиёфаси ҳафсала билан ёритиб берилади. Муаллиф Шарқ тарихнавислари йўлидан боришга интиланган, ўтмишда яра-

¹ Қаранг: У. Эрскин. Бобур Ҳиндистонда. Т., 1995, Чўлпон нашриёти. Инглизчадан Ғ. Сатимов таржима-си. Асл нусхаси *William. Erskine. History of India under Baber. Karachy. 1974.* Ушбу китоб 1854 йилда биринчи бор нашр этилган.

тилган 200 дан ортик кўлёмаларни мутолаа килган, улардан кўчирмалар келтирган, тарихий манбаларга ҳалол ва холисона ёндашган, тарихий воқеалар, далиллар, ҳужжатлар ва ривоятларни чуқур таҳлил қилиб умумлаштира олган бегараз тадқиқотчидир.

У Бобуршоҳ табиатидаги жанговарлик, мардлик, мағрурлик, шахсиятидаги буюклик, улуғворлик, саховатпешалик, камтарлик, одамийлик, зукколик, зийраклик, нозик дид, яхшиликни кадрлай билиш, тадбиркорлик, узоқни кўра билиш каби ижобий фазилатларни тўла ва муфассал ёритган. Инсон табиатидаги бу хислатларни муаллиф кўплаб мисоллар асосида мохирлик билан кўрсатиб берган.

Бобур Мирзо ҳали болалигидаёқ отасидан қолган мўъжазгина Фарғона вилоятини бошқаришни ўз зиммасига олган ва бобокалони соҳибқирон Амир Темурдан қолган пойтахт Самарқанд тахтини эгаллашни кўзлаган ғайрат ва шижоатли саркарда эди. У умр бўйи улуғворликка интилиб яшади ва бунга эришди ҳам. У тахтга чикқан пайтда атроф ўлкаларни тажрибали, маккор султон ва беклар бошқарар эди. Уларнинг кўплари ўша даврга хос бўлган сарой фитналарю ғийбат ва иғволар қурбони бўлдилар. Шафқатсиз тақдир шамоллари Бобур Мирзони ҳам узоқ элларга элтиб ташлади. Лекин жисмидаги ғайрат-шижоати ва мустаҳкам иродаси ва Яратганга бўлган садоқати туфайли у ҳаёт бўронларига бардош бериб, улардан устун келди ва ҳаётда ўз мавқеини

сақлаб қолдигина эмас, балки, отасидан мерос қолган мўъжазгина давлатдан бир неча бор қатта ва салобатли улкан салтанат – “Ҳиндистондаги буюқ бобурийлар салтанати”га асос солди.

Ҳали йигирма ёшга етмай туриб тақдирнинг барча иссиғу совуғини бошдан кечирди. У гоҳ унчалик назарга тушмайдиган шаҳзода киёфасида, гоҳ улкан салтанат соҳиби бўлган буюқ ва қудратли шоҳ сифатида, гоҳ мағлуб сарбоз сифатида, гоҳ ғолиб саркарда сифатида кўз олдимизда намоён бўлади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам мустақкам ирода қучи, ҳаётдан умидворлик ва Яратганга шукроналик туйғуси уни тарқ этмади.

Ота юртидан қувилиб, энг яқин ҳамроҳлари билан мусофирликнинг энг оғир кунларини бошдан кечираётганда ҳам унинг обрўси ва шуҳрати сўнмади ва минглаб кишиларни ўз ортидан эргаштира билди, уларни порлоқ келажакка ишонтира олди. Бошга тушган оғир кунларда кишиларни ишонтириш ва ўз ортидан эргаштира олиш учун жасур саркарда бўлиш лозимлигини у яхши англади. Шу боис болалигининг дастлабки онлариданок суворийлик унинг асосий машғулотларидан бўлган эди.

Бирок Бобурнинг жанговарликка бўлган иштиёқи уни тинчликни таъминлаш масъулиятидан узоклаштирмаган эди. Ҳарбий ҳаракатлардан тин олган пайтларни у ҳаётининг энг осуда кунлари деб ҳисоблар ва ором оларди. Бундай пайтларда, одатига кў-

ра давлатни бошқариш ишини такомиллаштириш билан машғул бўлар ва аркони давлатни мустақкамлаш ва раиятнинг турмуш шароитини яхшилаш чораларини изларди. Тарихнависларнинг таърифича, укалари ёхуд ғаразгўй бек ва амалдорлар унга қарши фитна уюштириб исён кўтарганларида ҳам, агар улар айбини тан олиб афв сўрасалар, атрофдаги хукмдорлардан фарқли ўларок, уларни кечирибгина қолмай, ўртада гина ҳам сақламас эди.

Бобуршоҳ ўрта бўйдан юқориок, бақувват жуссали киши бўлиб, жисмоний ҳаракат талаб қиладиган машғулотларни яхши кўрарди. Машқлар натижасида у ўткир мерган ва мохир қиличбоз бўлиб етишган. Ўз ҳарбий ва жисмоний маҳоратини кўпинча яккама-якка жангларда намоёиш қилган ва ҳамиша ғолибликка эришган. Айтишларича, у шу даражада бақувват бўлганки, баъзан иккала қўлтиғига икки сарбозни олиб қалъа деворлари устида юра олган. Эътиқодига кўра эса сунний мазҳабга мансуб тақводор ва художўй мусулмон бўлса-да, табиатида диний фанатизм сезилмас эди. Эришган муваффақиятларини ҳам, омадсизликларини ҳам Яратганнинг марҳаматидан деб билар ва бунга шукр келтирар эди.

Инсон сифатида у итоатгўй ўғил, садоқатли эр, ғамхўр ота ва самимий дўст эди. Атрофдагилар, хоҳ қариндошлари бўлсин, хоҳ ҳамроҳлари бўлсин, унга энг ишончли таянч деб қарашган.

Гўзалликка интилиш ва уни кадрлаш Бобуршоҳнинг табиатига хос хислатлардан саналади. Меъморий обидалар ва боғ-роғлар яратиш унинг сеvimли машғулотларидан бўлган. Дарахтлар ва гулларнинг энг яхши намуналарини бошқа ўлкалардан олиб келиб боғлар яратар ва боғ сайридан ниҳоятда баҳра олар эди. Раҳнамолигида бунёд этилган обидаларнинг айримлари хануз Ҳиндистонда қад кўтариб туради. Шоир яратган ғазаллари ва “Бобурнома” деб аталмиш қомусий асари ўрта асрлар тарихини ўрганишда энг ноёб ва ҳаққоний манба сифатида қатта кизиқиш билан ўқилади.

Бобуршоҳ оиласи

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Бобуршоҳдан тўртта ўғил қолган: Муҳаммад Ҳумоюн Мирзо, Қомрон Мирзо, Ҳиндол Мирзо ва Аскарӣ Мирзо. Кичик ўғиллари Олур (Алвор) Мирзо, Анвар Мирзо, Борбўл Мирзо ва Фаррух Мирзолар болалигидаёқ отасидан аввал вафот этган.

Бобуршоҳнинг бир неча қизлари бўлиб, уларнинг баъзилари сарой амалдорларига турмушга узатилган. Улар қуйидагилар:

1. *Маъсума Султон Бегим*. Онасининг исми ҳам Маъсума Султон Бегим бўлган. Фарзанд туғилгач, кўп ўтмай онаси оламдан ўтган ва чақалоқни унинг исми билан атаганлар. Бу қиз Ҳирот шоҳи Мирзо Ҳусайн Бойқаронинг невараси, Мирзо Бадиуззамон-

нинг ўгли Муҳаммад Замон Мирзога турмушга чиққан.

2. *Гулбадан Бегим*. 1522 йилда Кобул яқинида туғилган. 1539 йилда Гулбадан Бегим Ҳумоюншоҳ саройидаги амалдорлардан бўлган Хўжа Хизирхонга турмушга узатилган ва ундан бир ўғил фарзанд кўриб, Саодатёр деб исм қўйишган.

3. *Гулранг Бегим*. Бобуршоҳнинг Дилдор оғача Бегим билан бўлган никоҳидан 1511–1515 йиллар ўртасида Кобулда дунёга келган биринчи кизи. Ҳумоюншоҳ саройидаги амалдорлардан бўлмиш Нуриддин Муҳаммад Мирзога турмушга чиққан. Уларнинг кизи Салима Султон Бегим бўлиб, дастлаб Ҳумоюншоҳнинг яқин кишиси бўлмиш Байрамхонга, унинг ўлимидан сўнг Ҳумоюннинг ўғли ва тахт вориси Акбаршоҳга турмушга чиққан.

4. *Гулчеҳра Бегим*. Бобуршоҳ ва малика Дилдор оғача Бегимнинг иккинчи фарзанди. 1515–1517 йиллар орасида дунёга келган. Гулранг Бегим, Ҳиндол Мирзо ва Гулбадан Бегим билан бир онадан туғилган. Бобуршоҳнинг тоғаси Аҳмадхоннинг ўғли бўлмиш Султон Тўхта Бўғахонга 1530 йилнинг иккинчи ярмида 14 ёшида отаси томонидан куёвга узатилган. 1533 йилда бева қолгач, Ҳумоюншоҳ Балхга юриши олдидан ўзбеклар султони Аббос Султонга узатилган.

5. *Гулъузор Бегим*. (Баъзи манбаларда Шаҳрибону Бегим) Бобуршоҳнинг малика Дилдор Бегим билан бўлган никоҳидан дунёга келган. Шаҳзодалар Комрон Мирзо

ва Аскарый Мирзолар билан бир онадан туғилган. Бобуршоҳнинг энг кичик укаси Носир Мирзонинг ўғли Ёдгор Мирзога турмушга чиккан.

6. *Фахруннисо*. Бобур Мирзонинг биринчи хотини Ойша Султон Бегимдан туғилган ва бир ой ўтмай вафот этган.

Манбаларда Бобуршоҳнинг хотинлари, харамдаги канизаклари хақида қуйидаги маълумотлар учрайди:

1. *Ойша Султон Бегим*. Бобурнинг тоғаси, Самарканд султони Султон Аҳмадхоннинг кизи беш ёшлигидаёқ Бобур Мирзога унаштириб қўйилган эди. Вақт-соати етиб уйланган. Ундан қиз фарзанд туғилиб (Фахруннисо), бир ойдан сўнг вафот этган. Бобур Мирзо Тошкентдан чиқиб кетиши пайтида опаси Солиҳа Бегимнинг ташвиқоти билан омадсиз эрдан юз ўгирган.

2. *Зайнаб Султон Бегим*. Бобур Мирзонинг иккинчи амакиси, Ҳисор ҳокими Султон Маҳмуд Мирзонинг бешинчи кизи. Унга Бобуршоҳ Кобул тахтини эгаллагандан кейин онаси Қутлуғ Нигор Хонимнинг тавсияси билан уйланган. Бироқ турмуши яхши бўлмади. Икки-уч йилдан кейин у чечак касалидан вафот этган.

3. *Маъсума Султон Бегим*. Бобурнинг биринчи хотини Ойша Султон Бегим вафотидан сўнг, Бобуршоҳ уни Хуросонда учратиб қолиб, ўзига турмушга чиқишини сўраган ва Кобулга олиб келиб уйланган. Ундан бир қиз туғилиб, чакалоклигидаёқ онаси вафот этган ва унга онасининг исмини қўйишган.

4. *Моҳим Бегим*. Ҳирот шоҳи Хусайн Мирзо (Бойқаро)нинг қариндошларидан бўлиб, ўз даврининг етук олималаридан эди. Кенг билими, ақл-заковати ва донолиги туфайли сарой аъёнлари орасида катта обрў ва иззат-икромга сазовор бўлган. Бобур Мирзо унга 1506 йилда Ҳирот зиёрати пайтида уйланган. 1508 йилда Носириддин Муҳаммад Ҳумоюн Мирзо шу маликадан туғилган. Ундан кейин Борбўл Мирзо, Меҳр Жаҳон Бегим, Эсон Давлат Бегим ва Фаррух Мирзо исмли фарзандлар туғилган. Бироқ улар гўдаклигидаёқ дунёдан кўз юмган. Шундан кейин Гулбадан Бегим ва Ҳиндол Мирзоларни шоҳ Бобурнинг фармонига биноан 1525 йилда унинг тарбиясига беришган.

5. *Солиҳа Султон Бегим*. Бу малика Дилдор Оғача номи билан танилган бўлиб, шахзодалар Абу Носир Муҳаммад (Ҳиндол) Мирзо, Олур (Алвор) Мирзо ҳамда маликалар Гулранг Бегим, Гулчеҳра Бегим ва Гулбадан Бегимлар ҳам ана шу маликадан туғилганлар. Атоқли шарқшунос-тарихчи ва таржимон А. Бевериж хонимнинг тахминича Бобуршоҳнинг ушбу маликага уйланиши “Бобурнома”нинг узилиб қолган даври, яъни 1511–1519 йилларга тўғри келади.

6. *Гулрух Бегим*. Комрон Мирзо, Аскаррий Мирзо, Шоҳрух Мирзо, Аҳмад Мирзо ва Гулзор Бегимлар шу маликадан туғилган.

7. *Биби Муборика Бегим*. Бобуршоҳ вафотидан сўнг бева қолган, айрим манбаларда Бека Бегим Афғоний малика номлари билан ҳам юритилади. “Ҳумоюннома”да

Бобуршоҳнинг Ҳиндистонга юриши олди-дан (яъни, 1519 йиллар атрофида) Юсуф-заидеб аталган афғон уруғи сардори Маликшоҳ Мансурнинг кизи бўлган Афғон оғачани ўз никоҳига олгани ҳақида сўз юритилади. Ушбу малика ана шу Бека Бегим, яъни Биби Муборика эди. Тарихнавис Ҳофиз Муҳаммаднинг гувоҳлик беришича, Биби Муборика Бобуршоҳнинг энг кенжа ва энг сеvimли маликаси бўлган. Ҳиндистон сари қилинган юришларида доим ҳамроҳлик ва ҳамдардлик қилган садоқатли малика эди. Ҳиндистонга 1529 йилда малика Моҳим Бегим ва Гулбадан Бегимлар билан бирга кўчиб келган. Бирок тақдир унга фарзанд ато қилмади. Бу хол, муаллифнинг фикрича, ҳасадгўй кундошларнинг турли дорилар билан унинг пуштини пинҳона қуритиш ва подшоҳ эрининг мижозини сусайтиришга уринишлари натижаси эди.

Бирок малика Биби Муборика Бегим Бобуршоҳдан фарзанд кўрмаган бўлса ҳам, эрига ўта садоқатли ва вафодор бўлган. Шершоҳ Сур тазйики остида саройдагилар Агра ва Дехлини ташлаб чикиб кетаётган аянчли бир пайтда марҳум эрининг васиятини амалга ошириш максадида Шершоҳнинг рухсати билан Бобурнинг қабрини Кобулга кўчириб олиб келиб дафн этган. У Акбаршоҳ давригача яшаб иззат-икромда умргузаронлик қилган. Унинг акаси бўлмиш Мир Жалолхон Бобуршоҳнинг Ҳиндистон сари юришларида бирга бўлиб, унга садоқат билан хизмат қилган.

ҲУМОЮНШОҲ

Ҳумоюншоҳ ҳаётидаги муҳим саналар

- 1528 й. – Ҳумоюн Бадахшонга ҳоким килиб юборилди.
- 1530 й. – Бобуршоҳ вафот этди ва Ҳумоюн Мирзо Ҳиндистон тахтини эгаллади.
- 1535 й. – Ҳумоюншоҳ Баҳодиршоҳни енгиб Манду ва Чампанир калъаларини забт этди.
- 1537 й. – Чунор калъасини эгаллади.
- 1538 й. – Ҳумоюн Бенгал вилоятини қўлга киритди.
- 1539 й. – Кауза ёнидаги жангда Шершоҳ Сурнинг қўли баланд келиб, Ҳумоюн устидан ғалаба қозонди ва ўзини шоҳ деб эълон қилди.
- 1540 й. – Қанауж ёнидаги жангда Ҳумоюн ютказди ва Шершоҳ Сур Дехли ва Аграни эгаллади. Ҳумоюн кувгин қилинди.
- 1541 й. – Август ойида Ҳумоюн Ҳамидабону Бегимга уйланди.
- 1542 й. – Октябрь ойида шаҳзода Акбар дунёга келди. Ҳумоюн Эронга жўнаб кетди.

- 1543 й. – Аскарый Мирзо гўдак Акбарни ўзи билан бирга олиб колди.
- 1545 й. – Шершоҳ Сур вафот этди. Ҳумоюн Кобул ва Қандаҳорни забт этди. Ўғли Акбарни ҳам ўз хузурига олди.
- 1546 й. – Комрон Мирзо Кобулни эгаллаб олди. Акбар ҳам унинг ихтиёрида колди.
- 1547 й. – Ҳумоюн яна Кобулни ва Акбарни қайтариб олди.
- 1550 й. – Комрон Мирзо яна Кобулни босиб олди, Ҳумоюн ниҳоят яна қайтадан Кобулни қўлга киритиб, Аскарый Мирзони хибсга олиб сургун килди.
- 1551 й. – Ҳиндол Мирзо вафот этди.
- 1552 й. – Акбар Мирзо ғазнага ҳоким этиб тайинланди.
- 1553 й. – Комрон Мирзо хибсга олиниб кўзига мил тортилди ва ҳаж сафарига жўнаб кетди.
- 1554 й. – Ҳумоюннинг кичик ўғли Ҳаким Мирзо туғилди. Ҳумоюн Ҳиндистон сари юриш бошлади.
- 1555 й. – Ҳиндистонда Бобурийлар ҳокимияти қайта тикланди. Акбар Мирзо Панжоб вилояти ҳокими этиб тайинланди. Унга Байрамхон оталик этиб тайинланди.
- 1556 й. – Ҳумоюншоҳ вафот этди. Акбар Мирзо Қалъаи Навда Бобурийлар салтанати ҳукмдори деб эълон қилди.

Мухаммад Ҳумоюн (бахтли, омадли) Мирзо Бобуршоҳнинг тўнғич ўғли бўлиб, «Акбарнома»да айтилишича, у 1508 йилнинг 5 апрелида Кобулда туғилган. Унинг онаси Моҳим Бегим Ҳирот султони Ҳусайн Мирзо (Бойқаро)нинг қариндошларидан эди.

Ҳумоюн болалигиданоқ туркий, арабий ва форсий тилларни яхши ўрганган ва бу тилларда бемалол ёза олган. География, математика, фалсафа, астрономия ва астрология фанларини мукаммал билар ва ислом назариясига жуда қизиқар эди.

У жуда итоаткор ўғил бўлиб, отасининг ўғит ва насиҳатларига садоқат билан итоат қилар эди. Хотинлари, фарзандлари ва қариндошларига ўта самимий ва юмшоқ кўнгиллилик билан муомалада бўлган.

Ёшлигиданоқ отаси Бобуршоҳ ёнида юриб, унинг давлатни бошқариш услуби ва қўл остидаги амир ва бекларга, олиму уламоларга, оддий фуқарога ва шунингдек, гуноҳкорларга қилган муомаласини яхши ўрганиб олган. Шу боис отаси уни йигирма ёшидаёқ Бадахшон ҳукмдори этиб тайинлади. Шоҳ сифатида ҳам у қўл остидаги амир ва бекларга нисбатан хушмуомалада бўлар, уларнинг барча қувончу ташвишларини биргаликда баҳам кўрар ва ўзига муурожаат қилган кишиларга самимият ҳамда беғаразлик билан муомала қилар эди.

Диний эътиқодига кўра, у жуда такводор мусулмон бўлса ҳам, эътиқодида диний фанатизм сезилмас, отаси сунний, онаси шиа маҳзабига мансуб бўлгани учунми, диний

махзабларга бефарк қарар эди. Унинг хотини Ҳамидабону Бегим ҳам, ўзининг бош вазири Байрамхон ҳам шиа маҳзабидаги кишилар бўлган.

Саройдаги олиму уламоларга диний эътиқоди ва иркидан қатъи назар, қатта ғам-хўрлик билан қарар эди. Шунинг учун ҳам унинг ҳукмдорлиги даврида мамлакатда илм-фан ва маданият сезиларли даражада ривожланди. Пойтахтда «Дин – Паноҳ» деб аталган илм-фан марказининг курдирилиши бунинг ёркин намунаси.

Ҳумоюн жисмонан қадди-қомати келишган, бақувват ва оғир меҳнатга чидамли йигит эди. Жасур ва қобилиятли жангчи бўлганидан жангдаги барча қутилмаган қийинчиликларга мардона бардош берар эди.

Панипат жангидан бир оз аввал отаси уни Ҳисори-Феруза вилояти хони Ҳамидхонни бўйсундириш учун юборган. У бу ишни муваффақият билан уйдалаб қайтди, ўшанда Ҳисори-Феруза вилояти унга отаси Бобуршоҳ томонидан инъом этилган эди.

Панипат ва Қанва ёнидаги жангларда фаол қатнашди ва кейинги жангларда ҳам ҳаётини бир неча бор таҳлика остида қолдириб, ўзининг уйдабурон сарбоз ва моҳир сарқарда эканини намойиш қилди.

Ҳумоюнда яхшиликка миннатдорлик билан жавоб бериш ҳиссиёти юқори даражада эди. Қауза ёнидаги жангдаги муваффақиятсизликдан сўнг Ҳумоюн Ганг дарёсига ўзини отиб жон сақлаб қолганида уни сувга фарк бўлишдан сақлаб қолган мешқобчи (сув ташувчи)га миннатдорлик белгиси сифатида

уни бир кунга Дехли тахтига ўтказиб қўйган экан.

Ҳумоюннинг юмшоқ табиатлигидан фойдаланмоқчи бўлган сарой аъёнларидан бири вазир Мир Али Халифа бошлик фитначилар бетоб ётган Бобуршоҳ ўрнига шоҳнинг куёви Зиёд Маҳди Хўжанни тахтга чиқаришга уриниб қўришди. Бирок фитна фош этилиб тахтни унинг қонуний вориси Ҳумоюн эгаллаган эди. Шундай кезларда ҳам Ҳумоюн ўзига қарши фитна уюштирган амир ва бекларни, кейинроқ эса, ўзига қарши турган укалари Комрон Мирзо ва Ҳиндол Мирзоларни ҳам бир неча бор афв этган.

Ҳумоюн инсон сифатида содиқ дўст, доно раҳбар, мафтункор ҳамсухбат, сахий қалбли ва юқори маданиятли бўлса ҳам, лекин бу фазилатлар шоҳ сифатидаги Ҳумоюннинг фазилатларини қониқарли тарзда тўлдира олмас эди. Унинг ана шу фазилатларидан ғаразли мақсадларда фойдаланган укалари ва уларга ҳамфикр бўлган сарой фитначилари ва қолаверса, Бобуршоҳ саройида хизмат қилиб, унинг ички сир-асрорларидан хабардор бўлиб олган маккор Шершоҳ Сур усталик билан фойдаланиб, 1540 йилда уни Ҳиндистондан қувиб чиқаради.

Бирок Эрон шоҳи Шоҳ Таҳмосп ёрдамида 1555 йилнинг июнь ойида 15 йиллик қувғиндан сўнг Ҳумоюн яна Дехли тахтига юриш қилиб уни рақиблардан тортиб олди. Тожу тахти қайта қўлга киргач, Ҳумоюн ўз фаолиятини салтанат ишларини бутунлай қайта қуришга ва ҳарбий тизимни янада такомиллаштиришга бағишлади. Бирок салта-

нат тахтида узок ўтириш унга насиб этмади. 1556 йилнинг 26 январда у ўзи курдирган «Дин-Паноҳ» касри кутубхонаси зинапоясидан тушиб келаётганда оёғи тойиб йиқилди ва бош суяги ёрилиши натижасида ҳаётдан кўз юмди.

Вафотидан олдин у ўғли Акбарни тахт вориси этиб тайинлади. Ҳумоюннинг феъл-атвори ҳақида инглиз тарихчиси Г. Маллесон шундай ёзади: «Ўзи жасур, сахий қалбли, ўткир зеҳнли, ширинсўзли, чуқур билимли, юқори маданиятли, олийжаноб ва шавкатли бўлса ҳам, давлатнинг мустаҳкам пойдеворини яратишга Ҳумоюннинг қатъияти етишмас эди».

Шунга қарамай Ҳумоюн кучли ирода кишиси эди. Омадсизликлар унинг руҳини чўктира олмас эди. Эрон шоҳининг бир оз ёрдами билан Афғонистонни қўлга киритдию, биринчи бор қулай вазият пайдо бўлиши биланок ўзининг Ҳиндистондаги салтанатини жангари афғонлардан тортиб олди. Ҳинд тарихчиси доктор С. Райнинг ўринли таъкидлашича, «Ўзининг юмшоқ табиатлилиги ва муваффақиятсизликларига қарамай Ҳумоюн Ҳиндистон тарихида жуда муҳим ўрин эгаллайди, бироқ бу ҳолга ҳар доим ҳам тўла баҳо берилавермайди. Бобурийлар салтанатининг ўз вақтида қайта тикланиши Акбаршоҳнинг улкан империяси яратилишига йўл очиб берган бўлса, Ҳинд–Эрон муносабатларининг ривожланиши Ҳиндистон цивилизациясида узокни кўзлаб кўрилган тадбир эди».

АКБАРШОҲ

*Шоирлар даврасида Шекспир қандай
мавқеда турса, дунё шоҳлари ичида мен учун
Акбар ана шундай мавқеда туради.*

(Сэр Уильям Слиман)

Акбаршоҳ ҳаётидаги муҳим саналар

- 1556 й. – Акбар Мирзо тахтга чиқди. Панипат ёнидаги жангда Хему кўшини тормор этилди.
- 1560 й. – Акбаршоҳ давлатни бошқариш тизгинини Байрамхондан тортиб олди.
- 1562 й. – Акбаршоҳ хинд рожаси Бихор Малнинг кизига уйланди.
- 1565 й. – Агра қалъаси пойдеворига тош қўйилди.
- 1569 й. – Шаҳзода Салим дунёга келди. Фотехпур Секри шаҳрини бунёд этишга фармон берилди.
- 1570 й. – Ҳумоюншоҳ мақбараси куриб битказилди. Шаҳзода Мурод дунёга келди.
- 1575 й. – Гулбадан Бегим ҳаж сафарига жўнади.
- 1585 й. – Акбаршоҳнинг укаси Мирзо Муҳаммад Ҳаким вафот этди.

- 1599 й. – Шахзода Мурод оламдан ўтди.
- 1601 й. – Шахзода Дониёл Деккон ўлкаси хокими этиб тайинланди.
- 1602 й. Шахзода Салим исён кўтарди.
- 1603 й. – Шахзода Салимнинг гуноҳлари кечирilib, ота-бола ярашдилар.
- 1604 й. – Акбаршоҳнинг онаси Ҳамидабону Бегим ва Шахзода Дониёл вафот этдилар.
- 1605 й. – Акбаршоҳ бетоб бўлиб 27 октябрда хаёт билан видолашди.

Марихда “Буюк Акбар” номи билан машҳур бўлган Жалолиддин Мухаммад Акбаршоҳ ҳақида сўз юритилганда унинг номи бобурий шахзодалар силсиласида алоҳида эхтиром ила ҳурматланади.

Акбар 1542 йилнинг 15 октябрида отаси Ҳумоюн кувғинда юрган пайтда, Ҳиндистоннинг Амаркот вилояти хокими рожа Вирсалнинг хонадонида дунёга келди. Эронга жўнаб кетиш олдидан Ҳумоюн Акбарни Қандаҳорда колдиришига тўғри келди ва у 3 ёшга тўлгандагина отаси билан учрашиш имкони пайдо бўлди. Бироқ тақдир яна отаболани ажратиб юборди. Акбар 5 ёшга тўлгандан кейингина отаси билан муқим бирга яшай бошлади.

Ҳумоюн ўғлининг яхши маълумот олиши учун шароит яратиб берди-ю, бироқ ёш Акбарни саводхонликдан кўра отда чопиш, ов қилиш ва шунга ўхшаш жисмоний ўйинлар

кўпроқ кизиқтирар эди. Отаси ҳаётлик пайтида Ғазна ва Лохурда ҳукмдорлик қилиб, Ҳиндистон тарихида Сурлар сулоласидан бўлмиш Искандаршоҳдан қолган афғон тўдаларини қувиб юрарди. Отасининг тасодифий вафотидан сўнг унинг шахсий кўрикчиси бўлган Байрамхоннинг қатта ёрдами туфайли 1556 йилнинг 14 феврилида Панжоб яқинидаги Калонавр шаҳрида Ҳиндистондаги бобурийлар салтанатининг шоҳи деб эълон қилинди.

Тахтга чиққандан кейинги дастлабки давр анча қийин кечди. Чунки отасининг Ҳиндистон тахтига қайтиб келганига ҳали кўп вақт бўлмаган ва салтанат ишларини саранжомлаб улгурмай дунёдан кўз юмган эди. Кобул, Қандаҳор ва Бадахшонда бесаранжомлик ҳукм сурарди. Шимолий Ҳиндистоннинг қаттагина қисми ҳали афғон хонлари қўлида эди. Мевор, Амбор, Жайсалмор ва бошқа вилоятларда ражпутлар (махаллий жангари ҳинд ҳарбийлари) бош кўтариб турган эди. Сурлар авлодларидан яна бири бўлмиш Одилшоҳнинг вазирини Хему эса қўшин тўплаб Деҳли ва Агра атрофида тахтни эгаллаш учун изғиб юрарди.

Ана шундай оғир вазиятда 14 ёшли Акбар Байрамхонни ўзига вазир этиб тайинлаб, унга «Хони хонон» унвонини берди. Шундан кейинги 4 йиллик давр асосан давлатни Байрамхон идора қилган давр бўлди. Байрамхон асли эронлик бўлиб, унинг отаси Сайфи Алибек Бобуршоҳ саройида эътиборли лавозимларда хизмат қилган. Унинг ўзи эса 16 ёши-

данок Ҳумоюн хизматида бўлган. Байрам-хон яхши саводли, маданиятли, беғараз ва оқкўнгил киши эди. Шу билан бирга жасур сарбоз ва қобилиятли саркарда бўлиб, Ҳумоюн олиб борган жангларда унга садоқат билан хизмат қилган. Унинг оқилона мас-лаҳатлари ва саъй-ҳаракати билан Акбар ҳали Панжобда эканида Дехлини эгаллаб олган Ҳему қўшини Панипат кишлоғи ёнида тор-мор этилди ва Дехли тахти тортиб олинди. Шу жанг шиддати билан Ажмор, Самбол, Лакнов, Гувалёр ва Жонпур вилоятлари ҳам қўлга киритилди.

Акбар давлат ишларини ўзи мустақил тарзда қўлга олгандан кейинги фаолияти ўз салтанати ҳудудини янада кенгайтириш билан боғлиқ бўлди. «Салтанат соҳиби ўз мавқеини доимо мустаҳкамлаб бормоғи лозим. Акс ҳолда ғанимлари унга қарши қурол кўтарадилар», деб таъкидлар эди у. Акбарнинг асосий мақсади отаси Ҳумоюншоҳ салтанатига қарашли бўлган давлатларни қайтариб ўз салтанатига қўшиш ва унинг ҳудудини янада кенгайтириш эди. Унинг салтанати қиска вақт ичида шиддат билан кенгайиб борди. Бу ҳаракат 1536 йилдаёқ отасининг ҳукумати тасарруфида бўлган Гужарат вилоятини эгаллаш билан бошланди. 1572 йилда Акбаршоҳ Гужаратга юриш қилди, унинг қўшини Аҳмаднагарга етиб келганини эшитибок ҳоким Музаффаршоҳ жангсиз таслим бўлиб қалъани топширади.

Кейинги бир неча йиллар давомида бу вилоятда Акбаршоҳ ҳукуматини тан олишни

истамайдиган исёнчиларнинг кўзғолонлари бўлиб турдию, лекин 1584 йилдан бошлаб бу вилоят тўлалигича Акбаршоҳ ҳукумати ихтиёрига ўтди. Бу вилоятнинг бўйсундирилиши Ҳиндистон жанубида ястаниб ётган бепоян Деккон ўлкасидаги майда хонликларни бўйсундириш учун йўл очиб берди. Шундан сўнг 1576–1580 йиллар давомида бўлиб ўтган ҳарбий юришлар натижасида Бенгал вилояти қўлга киритилди. 1585 йилга келиб Акбаршоҳнинг укаси Ҳаким Мирзо вафотидан кейин Кобул ҳукумати ҳам Акбаршоҳ тасарруфига ўтади. 1586–1587 йиллар мобайнида хинд қудаси, лашкарбоши Бхагван Дас бошчилигидаги 5000 кишилик қўшин Кашмир ўлкасини эгаллаш учун юборилди. Қаттик мурасасиз жангдан сўнг Кашмир хони Юсуфхон таслим бўлди ва Кашмир вилояти Кобул хонлигига қўшиб олинди.

Акбаршоҳнинг бундан кейинги режаларида эронликлардан Қандаҳорни тортиб олиш нияти турарди. Бироқ бу вилоятга ўтиш учун аввал Синд вилояти қўлга киритилиши лозим эди. 1591 йилда ўз ҳукумати қарамоғидаги Мўлтон вилояти ҳокими Абдурахимхон (Байрамхоннинг ўғли)га Синд вилоятини эгаллаш вазифаси топширилди ва шу йилиёқ бу вилоят ҳам Акбаршоҳ ҳукуматини тан олишга мажбур бўлди. Шундан кейин бироз вақт ўтгач, 1595 йилда Қандаҳор эронликлардан тортиб олиниб, Акбаршоҳ салтанатига қўшиб олинди. Шу билан шимолий Ҳиндистон худудидаги барча давлатлар бобурийлар салтанати таркибига кири-

тилди. Эндиги навбат мамлакатнинг жанубидаги улкан ҳудудни эгаллаб ётган Деккон ўлкасидаги майда хонликларни бўйсундиришга келган эди.

1595 йилда лашкарбоши Абдурахим хони хонон ва шахзода Мурод катта қўшин билан Аҳмаднагар вилоятини бўйсундириш учун юборилди. Қаттиқ жангдан сўнг ниҳоят қалъа таслим бўлди ва келишувга биноан бу вилоят Акбаршоҳ ҳукуматини тан олди. Бирок асосий қўшин вилоятдан чиқиб кетгандан кейин бир оз вақт ўтгач, Аҳмаднагар ҳукумати битим шартларига риоя қилишдан бўйин товлай бошлади. Бундан ғазабланган Акбаршоҳ 1600 йилда катта қўшин билан шахсан ўзи йўлга отланди. Йўлда Бурхонпур қалъаси эгаллангач, шахзода Дониёл билан лашкарбоши Абдурахим хони хонон Аҳмаднагарни бостириш учун жўнатилди. Орада бўлиб ўтган беаёв жангда 15000 аскар қиличдан ўтказилди ва қалъа таслим бўлди. Шу йўсинда 1601 йилда Асиргар қалъаси бўйсундирилиб, Хондеш вилояти ҳам Акбаршоҳ салтанатига қўшиб олинди.

Шундай қилиб Акбар ўзининг 50 йиллик (1556–1605) ҳукмдорлик даврида Ҳиндистон шимолида отасидан қолган кичик бир мамлакатни (хорижда “Буюк Мўғуллар Империяси” номи билан танилган) улкан салтанатга айлантирди ва уни моҳирона бошқариш тизimini яратди. Бу салтанат ўша пайтда Эрондан Бирмагача, Ҳимолай ва Ҳиндикуш тизмаларидан Годавари дарёси қирғоқларигача ястаниб ётар эди.

Ана шундай улкан империяни бошқариш тизимини ишлаб чиқиш, унинг амалда татбиқ этилиши, мамлакат узра бир хил маъмурий ва ҳарбий мансаблар ҳамда солиқлар тизимининг яратилиши, шунингдек, бир хил пул бирлигидан фойдаланиш тартибининг ўрнатилиши ва бошқарув идоралари иш фаолиятини ягона талаблар асосида назорат қилинишининг таъминланиши давлат бошлиғининг бекиёс ақл-заковат ва кучли ирода эгаси эканидан далолат бериб турибди. Гап шундаки, бу улкан империя таркибида яшовчи халқларнинг турмуш маданияти, урф-одатлари, дунёқараши ва диний эътиқодлари турлича бўлибгина қолмай, улар ўртасида ҳокимият учун тинимсиз курашлар бўлиб турар эди. Уларнинг барчасининг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва диний эътиқодлари асосида келиб чиқадиган талабларини қондириш ва бир-бирига узок йиллар мобайнида душманлик муносабатларида бўлиб келган этник ва диний гуруҳларни муросага келтириш, уларни тинчлик ва осойишталикда яшашини таъминлаш давлат бошлиғидан жуда катта қобилият талаб қилар эди. Акбаршоҳ эса айнан ана шундай ноёб қобилият эгаси бўлган буюк давлат арбоби ва лашкарбоши эди.

Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида ижтимоий ҳаётда катор ислохотлар ўтказилди. Диний эътиқоди, мазҳаби ёки ирки асосида камситилиб келинган маҳаллий хиндлар ва бошқа этник гуруҳларга ўз урф-одатларига риоя этиш, исталган динга эътиқод

килиш имконияти яратиб берилди. Ғайридин ҳисобланган, яъни мусулмон бўлмаган маҳаллий миллат вакилларидан олинадиган “жузья” солиғи ва мукаддас кадамжойларини зиёрат қилганликлари учун олинадиган солиқлар бекор қилинди. Мансабдорлар томонидан маҳаллий аҳолига ўтказиладиган тазйиқларга ва камситилишларга чек қўйилди, мусулмон ва маҳаллий ҳинд болалари бир хил умумтаълим мактабларида ўқиб, барча фанлардан бир хил дарсликлардан фойдаланиши тартиби жорий қилинди. Маъмурий ва ҳарбий идоралардаги мансабларга мусулмонларгина эмас, балки маҳаллий ҳиндлардан ҳам тайинланадиган ва бир хил унвонларга тавсия этиладиган бўлди.

Ўз даврининг машҳур уламоларидан бўлмиш Абул Фазл Алломийнинг “Ойини Акбарий” асарида кўрсатилишича, ўша пайтдаги 137 та сарой амалдорлари ва ҳарбий мансабдорлардан 14 таси ҳиндлардан эди, мамлакат таркибидаги 12 та вилоятнинг 8 тасида молия ишлари бўйича вазирлар ҳиндлардан тайинланган эди. Шунингдек, ҳиндларнинг фуқаролик ишлари бўйича баҳсли ишларини ҳал қилиш учун маҳаллий ҳиндлардан қозилар тайинланадиган бўлди. Ҳиндларга нисбатан бўлган беғараз муносабат Акбаршоҳ фаолиятининг дастлабки пайтларидаёқ сезилган эди. 1562 йилда у ўзи Жайпур вилояти рожаси ҳинд Бихор Малнинг кизига уйлانган. 1570 йилда ўғли шахзода Салимни ҳам Биконар ва Жайсалмор вилоятларининг ражпутлардан бўлган ҳокимларининг кизларига

уйлантирди. Ўрнатилган кудачилик муносабатлари асосида рожа Бхагван Дас ва Ман Сингхлар масъулиятли маъмурий ва ҳарбий лавозимларга тайинланган.

Ҳарбий лавозимдаги ҳиндлар жанговар юришлар давомида энг масъулиятли жойларга юборилар ва улар подшоҳ салтанати кудратининг мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини кўшаётганидан ғурурланишар эди. Жанг майдонларида ражпутлар жон жаҳди билан жангга киришар, қахрамонлик ва подшоҳга садоқат намуналарини кўрсатардилар.

Маҳаллий ҳиндларнинг турли сабабларга кўра камситилишига чек қўйилиши маҳаллий халқ назарида Акбаршоҳнинг обрўсини ошириб юборди. Унинг буйруғига бинотан пойтахтда махсус таржимонлик муассасаси ташкил қилиниб, унда ҳинд тилидаги диний китобларни форс тилига таржима қилиш ишлари йўлга қўйилди. Христиан динига эътиқод қилувчилар учун ҳам 1603 йилда махсус фармон орқали ўз динига сиғинишларига рухсат этилди. Бундан аввалроқ урушда асир тушганларга мусулмон динини мажбуран қабул қилдириш тартибини бекор қилиш ҳақида фармон чиқарилган эди. Ҳиндларнинг сигирларга нисбатан бўлган диний эътиқодини ҳисобга олган ҳолда мол гўштини истеъмол қилишга йўл қўйилмас эди. 1583 йилдан эътиборан ҳафтанинг маълум кунларида айрим ҳайвонларни сўйиш ва уларнинг гўштини истеъмол қилишни тақиқловчи тартиблар ўрнатилган. Айрим

маълумотларга караганда 1590–91-йилларда хўкиз, кўтос, эчки, қўй, от ва туя гўштини истеъмол қилиш тақиқлаб қўйилган. Маҳаллий ҳиндлар билан мусулмонлар ўртасидаги ғанимлиқ муносабатларини илтиш мақсадида Акбаршоҳ шахсан ўзи ҳиндларнинг *Рахи*, *Денавали*, *Шиваратри* деб аталган байрамларида ҳам иштирок этиб турар эди.

Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида ҳиндлар учун қулай имкониятлар яратилибгина қолмай, уларнинг диний қарашлари ва урф-одатларидаги ғайриинсоний одатларига риоя қилишга ҳам чек қўйилди. Жумладан, вояга етмаган болаларни уйлантириш ва турмушга бериш ман этилди. Эр вафот этса хотинини унинг жасади билан бирга қўшиб оловда қуйдирилишига чек қўйилди, бева аёлларнинг қайта турмуш қуришларига рухсат берилди.

Ҳукмдор мусулмонлар ва маҳаллий раият вакиллари бўлмиш ҳиндлар ўртасида муросасозлик қилиш, ўзаро ҳурмат муносабатларини тиклаш ва тинч-тотув яшашларини таъминлаш мақсадида амалга оширилган бу тадбир-чоралар Акбаршоҳ салтанатининг тобора кенгайиши ва ҳар томонлама мустақамланиши ҳамда узок йиллар гуллаб-яшнашини таъминловчи омиллар бўлди.

Акбаршоҳнинг диний эътиқодига келсак, у сунний маҳзабдаги жуда такводор мусулмон бўлиб, беш маҳал намозни ҳеч қанда қилмас ва намозларнинг қисқартириб ўқилишига ҳам йўл қўймас эди. Шунингдек, бошқа

дин ва мазҳабдаги фуқароларнинг ўз эътиқодига риоя қилишларига монелик қилинишига ёхуд камситилишига ҳам йўл қўймас эди. Ўзининг ҳинд хотинларининг ҳам ўз дини ва маҳзабига сиғинишлари, урф-одатларига риоя қилишларига ёхуд диний маросимларни ўтказишларига қаршилиқ қилмаган.

Акбаршоҳнинг диний қарашлари ҳаёти давомида янада бойиб борди. Унинг диний эътиқодидаги ривожланиш ва ўзгаришларда ўша даврнинг етук уламоларидан бўлмиш Шайх Муборак ва унинг ўғиллари Абул Фазл ҳамда Абул Файзларнинг таъсири катта бўлди. Улар бошқа динларнинг ҳам ижобий томонларини ўрганиш ва ҳисобга олишни тарғиб қилар эдилар. Бу ҳол эса ўта фанатик руҳдаги Шайх Маҳдум-ул-мулк, Шайх Абдунаби каби ашаддий мусулмончилик тарафдорларининг дунёқарашларига мос келмас эди. Акбаршоҳ Шайх Файзий ёрдамида тарих, фалсафа, дин тарихи ва табиий фанларни ўрганди ва шу асосда ўзининг шахсий хулосаларига таяниб, динга нисбатан янгича қарашларини баён қилди. Бошқача айтганда, барча динларнинг ижобий томонларини ўзида мужассамлаштирган янгича руҳдаги “Дини Илоҳий” деб аталган таълимот яратди. Кейинроқ ўзининг ана шу қарашлари асосида Фотехпур Секри (Ғолиблар шаҳри) шаҳрида бунёд этилган ибодатхонада турли дин ва мазҳабларнинг етук билимдонларини тўплаб, улар билан турли мавзуларда тенг ҳуқуқли баҳс ва мунозаралар ўтказиб турар

эди. Бу мунозараларда мусулмон динининг турли маҳзаблари вакиллари, насроний (христиан)лар, брахманизм, жайнизм ва зардуштийлик каби диний оқимлар вакиллари бемалол иштирок этишлари ва баҳс юритилаётган мавзуда ўз фикр-мулохазаларини баён этишлари мумкин эди.

Акбаршоҳ бу ерда тингланган маърузаларнинг мағзини чақиб, уларнинг ижобий томонларини умумлаштирар ва ўзининг сиёсий ва маънавий билимларига таянган ҳолда ўз хулосаларини янги таълимотида баён қилар эди. Унинг бу назарияси дин уламолари ўртасида шунчалик катта обрў қозондики, 1579 йилда Шайх Муборакнинг ташаббуси билан Акбаршоҳ диний уламолар томонидан “мухтаҳид”, яъни *ислом масалалари бўйича олий ҳакам* деб эътироф этилди ва унга “*Имоми одил*” унвони берилди. Унга берилган ёрликка ўша даврнинг энг етук дин пешволаридан бўлмиш Махдум-ул-мулк, Шайх Абдунаби, Шайх Муборак ва бошқа таникли уламолар имзо чекиб тасдиқлаган.

Бу хужжатда Акбаршоҳ “*Ислом дунёсининг подшоҳи, мусулмонларнинг Амири, Аллоҳнинг ердаги сояси Абул Фотиҳ Жалолиддин Муҳаммад Акбар Подшоҳи Ғозий Аллоҳнинг энг содиқ қули, энг одил ва энг доно подшоҳдир*”, деб тан олинган эди. Ана шундай улуғ мартаба эгаси бўлишига қарамай Акбаршоҳни камтарлик туйғуси тарк этмаган эди. Кўпинча атрофидаги такводорлар унга эргашиб, ўзларига пир бўлишини илтимос қилишганда, у камтарлик билан “*Мен*

Ўзим пирга муҳтож бўлиб турганим ҳолда қандай қилиб сизларга пир бўла оламан”, дея жавоб берар эди. Отаси умрининг охиригача уламо, камтарин, художўй инсон ва содик мусулмонлигича қолгани ҳақида унинг фарзанди Жаҳонгир ҳам ўз хотираномасида алоҳида таъкидлаб ёзган. Унинг айтишича, Акбаршоҳ кўпинча: *”Табиатда бўшлиқ жойнинг бўлиши ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас, Аллоҳ ҳар жойда ҳозир у нозирдир. Яратувчи Аллоҳ билан яралмиш банда ўртасида тил билан изоҳлаб бўлмайдиган боғлиқлик бор”*, деб таъкидлар экан.

Акбаршоҳнинг ҳукмдорлик фаолияти ва шахсий феъл-атвори ҳақида ўзининг замондошлари ҳам, кейинги давр тарихчилари ҳам ноёб фикрларни билдирганлар. Унинг саройидаги етук уламолардан бири бўлмиш Абул Фазлнинг «Ойини Акбарий» ва «Акбарнома» асарларида ҳамда тахт вориси Жаҳонгирнинг «Тузуки Жаҳонгири» асари ҳамда қатор хорижий сайёҳларнинг битикларида Акбаршоҳ ҳақида қимматли фикрларни учратиш мумкин.

Жаҳонгирнинг таърифлашича, Акбаршоҳнинг қадди-қомати улуғвор кўринишга эга бўлиб, бўйи ўрта бўйдан сал юқорироқ, юзи буғдойранг, қош-кўзлари қора, танаси тўқроқ рангда, кўкраклари кенг, кўл ва билаклари узун, арслон келбатли киши эди. Бурнининг чап ёнида нўхатнинг ярмича келадиган, ўзига жуда ярашиб турадиган холи бўлган. Ўша давр башоратчиларининг талқинига кўра, бу

хол ўз эгасига улкан омад ва юқори мартаба келтирар эмиш.

У гапираётганда салобатли овози янада улуғвор ва таъсирчан тус оларди. Хатти-ҳаракати ва юриш-туришини кузатган киши ҳақиқатан ҳам у Аллоҳнинг суюкли бандаси эканига шубҳа қилмас эди. «*Муҳтарам падари бузрукворимизнинг олийжаноб хислатлари, мақтов доирасидан ҳам тошиб чиқар эди. Агар у ҳақда ёзилган асарларда унинг мақтовини ўринлатиб таърифлаган бўлсалар, отага фарзанд назари билан эмас, балки холисона назар билан қаралганда ҳам унинг мақтовлари рисоладаги меъёрдан ортиб тушган бўлар эди*», деб ёзган эди Жаҳонгиршоҳ.

Ўша пайтда миссионер (дин тарғиботчиси) сифатида шоҳ саройига таклиф этилган христиан роҳибларидан бири шундай ёзган: «*У ҳақиқатан ҳам буюк шоҳдир: у ҳамма учун севимли шоҳ бўлиб, ҳар бир фуқаро унинг ғамхўрлигини сезиб турарди; у сарой аъёнларига самимий, қуйи табақадагиларга шафқатли назар билан қарар, кўпинча эса, табақаси ва диний эътиқодидан қатъи назар ҳаммага бир хил назар билан қарар эди. У ҳудодан қўрқиб яшар, беш маҳал намозни канда қилмас, ўзининг қанчалик банд бўлишига қарамай намозларнинг ҳеч қисқартирилмай тўла ўқилишига риоя қиларди... Адлия ишлари борасида эса жуда адолатли ҳукмдор эди. Бирор жиноятчи адлия идоралари томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинган бўлса, ушбу ҳукм учинчи бор қайта чиқарилмагунча*

уни ижро этмаслик тартибини жорий этган эди. Маҳкумни оқловчи омиллар исботланган ҳолларда уни афв этар ва бу ҳолдан жуда-жуда қувониб кетар эди».

Дехлида яшаган христиан миссионерларидан яна бири роҳиб Монсератнинг ёзишича... «унинг юзидан нур ёгилиб турганидан биринчи қарашдаёқ шоҳ эканини шоҳлик либосларисиз ҳам сезиб олиш мумкин эди. Елкалари кенг, болдирлари бир оз эгилганлигидан унинг чавандозлик машқларида кўп чиниққанини билиш мумкин. Бадани тўқроқ бугдой рангда бўлиб, бошини ўнг елкаси томон бир оз ташлаб юради, қошлари қалин, кўзлари худди қуёшда ярқираётган денгиз сувидек ялтираб чақнаб туради. Шимолий осийликлар ёхуд хитойликлар сингари қовоқлари ингичкароқ, киприклари қалин, бурни ўртача ҳажмда бўлиб, ўртаси дўнгроқ, учи бир оз пастга эгилган. Бурун катаклари кенг, чап катаги ёнида юқори лаби билан туташиб кетган холи бор. Балогат ёшидаги туркий йигитлар сингари мўйлов қўйиб, соқолини доим қирдириб юрар эди. Ота-боболаридан фарқли ўлароқ сочини устарада қирдирмас, қалпоқ ҳам киймас эди. Айтишларича ҳинд одатига тақлид қилган ҳолда салла ўраб юрган. Оёғи жароҳатланмаган бўлса ҳам худди оқсоқ кишидек чап оёғини бир оз силтаб босарди. Кулганда юз тузилиши ўзгариб кетар, хотиржам бўлган ҳолатда эса юзидан аслзодаларга хос донолик нури ёгилиб турар эди. Ғазабланганда эса яна ҳам улуғвор бир қиёфага кирарди».

Тарихнавис Ду Жаррикнинг ёзишича, арздорларнинг шикоятларини ҳафсала билан тинглар, имкон борича уларнинг илтимосини кондириш пайида бўлар эди. Оддий фукаронинг арзимас совғаларини ҳам катта хурсандлик туйғуси билан қабул қилар, баъзан эса бағрига босиб ҳам кўяр эди. Ваҳоланки, айрим амалдорларнинг қимматбаҳо совғаларини ҳам бунчалик миннатдорлик билан қабул этмас, айрим ҳолларда эса уларга эътибор ҳам бермаган.

У жуда саховатли ва бағрикенг инсон эди. Ота-онаси ва қариндошлари олдидаги бурчларига масъулият ҳисси билан қарар эди. Ақаси Ҳаким Мирзо унга жуда кўп ташвишлар орттириб берган бўлса ҳам, унга ҳам саховат назари билан қарарди. Тилаб олган ўғли Салимни жуда севар эди, бир неча бор исёнкорлигига қарамай унинг гуноҳларини афв этган. Ҳиндистон тарихида чуқур из қолдирган бу улуғвор шахс табиатидаги бундай ноёб хислатлар ҳар биримиз учун ўрнак бўлғусидир.

ЖАҲОНГИРШОҲ

Жаҳонгиршоҳ ҳаёти давомидаги муҳим саналар

- 1605 й.
3 ноябрда – Отаси тахтини эгаллади.
- 1606 й. – Шаҳзода Хусрав исён кўтарди. Аликулибек “Шер Афғон” қатл қилинди.
- 1607 й. – Аликулибекнинг беваси Меҳринисо ва қизи Лудила шоҳ хузурига келтирилди.
- 1611 й.
май ойида – Жаҳонгиршоҳ Меҳринисога уйланди.
- 1618 й. – Доҳад шаҳрида шаҳзода Аврангзеб дунёга келди.
- 1622 й. – Шаҳзода Хуррам исён кўтарди.
- 1626 й. – Шоҳ ва Малика Нур Жаҳонни лашкарбоши Маҳобатхон ҳибсга олди.
- 1627 й.
28 октябрда – Жаҳонгиршоҳ ёруғ дунёдан кўз юмди.

Ҳиндистон халқларининг маданий ҳаётида бўлиб ўтган ижобий ўзгаришларга улкан ҳисса қўшган бобурий шаҳзодалар силсиласида Бобуршоҳнинг чевараси, Ҳумоюн-

шоҳнинг невараси, Акбаршоҳнинг ўғли бўлмиш Жаҳонгиршоҳ алоҳида мавқеда туради. У давлатни идора қилиш, халқнинг турмуш шароитини яхшилаш, меъморий обидалар бунёд этиш, боғ ва гулзорлар барпо этиш ҳамда тасвирий санъатга, умуман, гўзалликка бўлган иштиёқи билан ўзидан аввал ўтган бобурий шаҳзодалар даврасида алоҳида виқор билан кўзга ташланиб туради.

Жаҳонгирнинг асли исми Муҳаммад Салим бўлиб, у Акбарнинг Аллоҳдан тилаб олган ўғли эди. Бобоси Бобуршоҳ сингари шаҳзода Акбар ҳам отасининг тасодифий ўлимидан сўнг 14 ёшидаёқ (1556 й.) тож кийиб тахтга чиққан. Эрта уйланган бўлишига карамай, у анчагача ўз тахтига ворис бўлиши мумкин бўлган ўғил фарзанд кўрмади. Ёши йигирма еттига тўлганда ўша даврнинг машҳур авлиё ва шайхларининг Аллоҳга қилган илтижо ва дуоларидан сўнггина 1569 йилда Акбаршоҳ ўғил фарзанд кўрди. Унга Аллоҳдан ўғил фарзанд тилаб берган ажмерлик шайх Салим Чештийдан миннатдорлик белгиси сифатида тилаб олинган шаҳзодага Муҳаммад Салим деб исм кўйдилар. Подшоҳ отаси уни баъзан эркалатиб “Шайх Бобо” деб ҳам атар эди.

Тилаб олинган фарзанднинг рисоладаги йигит бўлиб улғайиши учун зарур бўлган барча шароит мухайё қилинди: шазҳода 4 ёшга тўлиши биланок ўша даврнинг кўзга кўринган фозилу фузалолари унга форс, араб, туркий ва ҳинд тилларидан, шунингдек, арифметика, жўғрофия, тарих ва бошқа фан-

лардан сабоқ бера бошладилар. Муаллимларнинг етакчи устози “Тузуки Бобурий”нинг биринчи таржимони, ўз даврининг етук уламоларидан бўлган Абдурахим “Хони хонон” эди.

Отасининг куйиб-пишиши, тинмай ғам-хўрлик қилишларига қарамай, тилаб олинган шахзода анча эркатой йигит бўлиб ўсди ва ўз ёшига хос бўлган барча номаъқулчиликлардан тотиб кўрди. Бу ҳолдан чўчиган Акбаршоҳ шахзодани 15 ёшга киргандаёқ Амбор вилояти ҳокими Бхагван Даснинг гўзал кизига унаштириб қўйди ва 1586 йилнинг февраль ойида катта тантана билан шахзода Салим уйлантирилди. Ана шу биринчи никоҳдан шахзода Хусрав дунёга келди.

Ахлоқан анча енгилтак ва маишатга анча ружу қўйган шахзода Салимни бу номаъқул йўлдан қайтариш учун отаси кўп уринди-ю, бироқ кўзлаган мақсади ҳосил бўлавермади. 1602 йилда отаси Акбаршоҳ Деккон ўлкасидаги Асиргар қалъасини қамал қилиш учун ҳарбий юришга кетганида “подшоҳликни кутавериб тоқати тоқ бўлган” шахзода Салим пойтахтда исён кўтариб ўзини “шоҳ” деб эълон қилди. Бундан хабар топган Акбаршоҳ бебош ўғлига дўқ-пўписалар қилиб, бундай бемаъни ишни бас қилишини талаб этди. Бироқ бу чора қутилган натижани беравермагач, Аграга қайтиб келишга мажбур бўлди. 1602 йилда шахзода Салим ўзининг навбатдаги исёнини бостириш учун подшоҳ Акбарнинг буйруғига биноан Деккондан келаётган лашкарбоши Абул

Фазлни ўлдиртириш билан яна бир бор отасига каттик рухий азоб берди. Чунки Абул Фазл Алломий мохир саркардагина бўлиб қолмай, ўз даврининг машҳур олими ҳамда Акбаршоҳнинг яқин дўсти ва маслаҳатгўйи эди. Бобурий шахзодалар тарихини ёритишга бағишланган “Акбарнома”, “Ойини Акбарий”, “Иншои Абул Фазл”, “Руқаоти Абул Фазл” каби нодир асарлар унинг қаламига мансуб эди.

Ўғлининг мана шундай хурмача қилиқларидан дили оғриган Акбаршоҳ ўғли Салим ўрнига невараси шахзода Хусравни тахт вориси этиб тайинлаш фикрига ҳам келган эди. Чунки шахзода Хусрав феъл-атвори ва яхши хулқи, покиза турмуш тарзи билан саройдагиларнинг хурматини қозонган эди. Отасининг бу фикридан хабар топган Салим пойтахтга келиб отасининг оёғига йикилиб, ўз қилмишлари учун ундан узр сўради. Узок давом этган музокаралардан сўнг Акбаршоҳ бебош ўғлининг гуноҳларини афв этди, чунки 1604 йилда Акбарнинг иккинчи ўғли шахзода Дониёл вафот этган бўлиб, тахт ворислигига фақатгина Салим номзод бўлиб турган. 1605 йилнинг октябрь ойига келиб Акбаршоҳнинг соғлиги ёмонлаша бошлади ва анча тортишувлардан кейин, у подшоҳлик тожини ўғли Салимга қийдириб, уни тахт вориси деб эълон қилди. Бу воқеа 1605 йилнинг ноябрь ойида бўлиб ўтган эди.

Тахтни эгаллагач шахзода Салим ўзини “Жахонгир” деб эълон қилди-да, давлатни идора қилишда қатор ислохотлар қилишга киришди. Жумладан, ўз номи ўйиб ёзилган

танга пул зарб қилдирди, зиндонбанд ётган жуда кўп маҳбуслар озод қилинди, шунингдек "тамға", "мир баҳри" деб аталган солиқ турлари бекор қилинди. Мамлакат ҳудудида маъмурият рухсатисиз дўкон очиш ва савдо қилиш ман қилинди, мусаллас ва гиёҳвандлик моддалари тайёрлаш ва улар билан савдо қилиш қатъиян тақиқланди. Маъмурий мансабдор шахсларнинг ўзбошимчалик билан уй-жой ва экин экиладиган майдонларни эгаллаб олишлари ва ўз қўл остидаги фуқаронинг қизларини хотинликка олишларига чек қўйилди. Жиноий жавобгарликда айбланганларнинг кулоқ ва бурунларини кесиб жазолаш чораси ҳам бекор қилинди. Карвон йўллари бўйига қудуқлар қазилди, масжид ва карвонсаройлар қуриш ҳамда беморларни даволаш учун ҳукумат қарамоғида турадиган шифохоналар ташкил этишга фармон чиқарилди. Шунингдек, йилнинг маълум кунларида ҳайвонларни сўйиш ва улар гўштини истеъмол қилишни ман этувчи тадбирлар белгиланди. Мансабдор марҳумларнинг мол-мулкани унинг меросхўрига бериш¹, меросхўри бўлмаган ҳолларда эса, унинг мулкани халқ оммаси учун хизмат қиладиган иншоотлар (масжид, мадраса, ҳаммом, кўприклар қуриш, ариқлар қазилди) ишларига сарфлаш тартиби ўрнатилди, шунингдек амалдорлар ва мулкдорлар ҳам бир катор кўрикдан ўтказилди.

¹ Бунга қадар мавжуд тартибга кўра мансабдорларнинг мол-мулки унинг вафотидан кейин давлат ихтиёрига олинар эди.

Жаҳонгиршоҳнинг буйруғига биноан Агра қалъасининг Шоҳ Буржидан Жамна дарёси қирғоғигача етадиган қилиб соф тилладан қуйилган “Адолат занжири” тортилиб, дарё бўйига қурилган шоҳсупага бу занжирнинг бир учи боғлаб қўйилди. Мансабдорлар ёки оддий фуқаро томонидан таҳқирланган ёки озор етказилган шахслар ана шу занжир қўнғироқларини чалиш билан подшоҳдан адолат талаб қилишлари мумкин эди. Бу занжир ҳақида Жаҳонгир ўзининг “Тузуки Жаҳонгирий” деб аталган хотираномасида шундай деб ёзади: *“Занжир соф олтиндан қўйилиши, унинг узунлиги 30 газ бўлиши ва унга 60 та қўнғироқ осиб қўйилиши ҳақида фармон чиқардим. Занжирнинг оғирлиги Ҳиндистон ўлчови билан 4 ман, Ироқ ўлчови билан эса 32 манга тенг бўлди”*. Бу занжирни қуйиш учун шоҳ хазинасидан 300.000 рупий маблағ сарфланган эди.

Жаҳонгир тахтга чиққандан кейин кўп вақт ўтмаёқ (1606 йилда) бобоси Акбаршоҳнинг меҳрини қозонган ва унинг муруввати билан тахтга умидвор бўлиб қолган ёш шахзода Хусрав подшоҳ отаси Жаҳонгирга қарши исён кўтарди. Бобоси Акбаршоҳ қабрини зиёрат қилиб келиш баҳонасида у 350 навақари билан Аградан чиқиб кетди. Улар Мадуро қалъасига етиб келганларида 3000 суворийси билан Ҳусайнбек, Лоҳур қалъаси девонбеги Абдурахим ҳамда таронлик йирик дин пешволаридан бўлмиш Гуру Аржун ҳам уларга қўшилди ва улар биргалликда Лоҳур қалъасини қамал қилдилар. Бу воқеадан хабар топган Жаҳонгир қатта

кўшин билан бу ерга етиб келди ва Байровал калъаси ёнидаги қаттиқ жангда исёнчилар кўшини тор-мор қилинди.

Ҳафсаласи пир бўлган мағлуб шахзода ўз тарафқашлари билан Кобулга қараб йўл олди, бироқ Ченоб дарёсини кечиб ўтишаётганда улар қўлга олиниб, шоҳ Жаҳонгир ҳузурига келтирилдилар. Аянчли ҳолати ва кўз ёшларига қарамай ўз отаси тахтига кўз олайтирган шахзода Хусрав кишанланиб, зиндонбанд қилинди. Унинг шерикларига ва ҳомийларига ҳам жазо чоралари белгиланди. Бу ҳақда Жаҳонгир ўзи шундай деб ёзади: *“Мен Хусравни зиндонга ташладим, ёнидаги иккала ярамас шерикларининг бирини сизга терисига, иккинчисини эса эшак терисига ўраб эшакка тесқари миндириб шаҳар кўчалари бўйлаб сазойи қилдирдим”*. Шахзодага ҳомийлик қилиб унинг кўшинини маблағ билан таъминлаган авлиё Гуру Аржун ҳам жазосиз қолмади: у ўлимга маҳкум этилиб, молу мулки мусодара қилинди.

1607 йилда Жаҳонгир ўз жонига суиқасд уюштирилаётгани ва зиндонбанд шахзода Хусравни тахтга чиқариш режаси тузилаётганидан хабар топиб қолди. Фитна ташкилотчилари дарҳол қатл этилиб, шахзода Хусравнинг кўзига мил тортиш ҳақида буйруқ берилди¹. Шунга қарамай шахзо-

¹ Сарой қондасига кўра кўзи ожиз шахслар тахтга даъвогар бўлиш ҳуқуқидан маҳрум эдилар. Шу боис бўлса керак, акаси Ҳумоюн билан тахт талашган шахзода Комрон Мирзонинг ҳам кўзига мил тортилган эди.

данинг бир кўзи кўриш қобилиятини қисман сақлаб қолган эди. 1616 йилгача Хусрав пойтахтда ҳибсда сақланди, 1620 йилга келиб уни унчалик хуш кўрмайдиган укаси кичик шахзода Хуррам ихтиёрига берилди, 1622 йилнинг март ойида шахзода Хусрав қатл қилинди.

Хусравнинг қатл этилиши ҳақида сарой тарихчиларидан бири шундай ёзади: *”Ҳукмдорлар учун уларнинг мавқеига раҳна солиши мумкин бўлган оға-иниларнинг бу ёруғ дунёда бўлмаслиги зарур бир ҳолдир. Тахтга даъвогар бўлиши мумкин бўлган шахсларнинг тағ-томири билан тугатилиши зарурлиги ҳақидаги маслаҳат подшоҳга етказилгач, Хусрав зиндон азобларидан қутулиб боқий дунёга равона қилинди”¹.*

Шахзода Хусрав оддий фуқаро ва сарой аъёнлари орасида катта обрў қозонган эди. Акбаршоҳнинг бадхулқ ўғли Салимнинг ўрнига унинг ўғли (шахзода Хусрав)ни тахт вориси қилиб тайинлаш ҳақидаги фикрга келганлиги ҳам бежиз эмас эди. Ҳинд тарихчиси доктор Трипатининг фикрича, Хусрав *“...Жаҳонгир (шахзода Салим)нинг ўғли бўлишига қарамай кўп жиҳатлари билан отасидан устун турар эди. Ўта мулоҳазали, одобли ва фикрлари тиниқ бўлганидан бу йигит отасининг обрўсига нутур етказадиган,*

¹ Бу воқеалардан кейин анча вақт ўтгач, ўз даврига келиб тахтга даъвогар бўлган Аврангзеб отаси Шох Жаҳон (шахзода Хуррам)ни ўз акаси шахзода Хусрав ва укаси шахзода Парвезларнинг қотили сифатида айблаган эди.

ёхуд ичкилик ва гиёҳвандликка ёки аёллар билан бўладиган маишатга ружу қўйганлардан эмас эди. У ўзи ёқимли феъл-атвори, меҳр-шафқатлилиги, юмшоқ кўнгли ва соддадиллиги, холисона фикрлари ва бегараз қалби туфайли бобоси Акбаршоҳнинг ҳурмат-эътиборини қозона олган эди. У бобосининг кўпгина улугвор фазилатларини ўзида мужассамлаштира олганлиги саройда очиқ тан олинар ва мабодо тахтга чиқиб қолгудай бўлса, бобосининг давлатни бошқариш сиёсатини бошқа ворислардан кўра анча муваффақият ва садоқат билан амалга оширади, деб умид қилинар эди”. Айтишларича, Хусравнинг вафотидан анча вақтлар ўтгандан кейин ҳам уни яқиндан билган кишилар Аллоҳободга келиб, у умрининг охириги кунларини ўтказган жойни зиёрат қилишар, “азоб ва қийноқларда шаҳид бўлган авлиё” сифатида унинг номини ҳурмат билан эслашар экан.

Жаҳонгиршоҳ ҳаётида Нур Жаҳон алоҳида ўрин эгаллайди¹. Унинг асли исми Меҳринисо бўлиб, ўзининг ноёб гўзаллиги билан ёшлигиданок шоҳ назарига тушган бу аёл 1611 йилга келиб катта тантана билан Жаҳонгирга турмушга чиқди ва сарой маликалари қаторидаги анча юкори тўрдан жой эгаллади.

Нур Жаҳоннинг шахси ўқувчининг диккатини ўзига ром этмай қолмайди. У ўткир зеҳнли, ақл-заковатли, яхши савод эгаси,

¹ Бу ҳақда Нур Жаҳон Бегимга ажратилган саҳифада батафсил маълумот берилади.

вокеаларни олдиндан кўра оладиган аёл эди. Унинг ноёб қобилиятига тан берган Жаҳонгиршоҳ кўпинча салтанат ишларини ҳал қилишни ҳам унга топшириб кўяр эди. Чунки Нур Жаҳон салтанат ишларини ҳал этишда энг мураккаб ҳолатларда ҳам тўғри ечим топа олар ва унинг нозик дипломатия билан қабул қилган қарорларига олий мақомдаги вазирлар ҳам лол қолишар эди.

Нур Жаҳоннинг подшоҳга бўлган садоқатининг чеки йўқ эди; у эрига шу қадар меҳр билан муомала қилар эдики, Жаҳонгир уни кўрганда ўзини йўқотиб кўяр, шунинг учун бўлса керак, кейинги пайтларда давлат ишларини бутунлай маликага ишониб топшириб қўйган эди.

Бу ҳақда Жаҳонгирнинг ўзи: *“Мен салтанатимни севимли маликамга бир пиёла май ва бир коса таомга сотиб юборганман”*, дер эди. Ёшлигида жуда эрка ўсган шахзода Жаҳонгирнинг шохлик давридаги феъл-атворида пайдо бўлган жуда кўп ижобий хислатларнинг ҳосил бўлишида севимли маликаси Нур Жаҳоннинг ҳам сезиларли хиссаси бўлган бўлса ажаб эмас.

Инглиз тарихчиси доктор В. А. Смитнинг ёзишича, Жаҳонгир *“...хушфеъллик ва бадфеъллик, меҳрибонлик ва шафқатсизлик, одиллик ва адолатсизлик, нозиктаъблик ва дағаллик, фаросатлилиқ ва болалиқ”* кайфиятларининг мажмуасидан иборат бўлган мураккаб шахс эди. У ўткир ақл ва ноёб қобилият эгаси бўлса ҳам сурункали ичкилик ичиш уни адои тамом қилган эди. У табиа-

тан адолатпарвар ҳукмдор бўлса ҳам, баъзан кўпинча жаҳлига эрк берар эди. Унинг бу хислатларини ўғли шахзода Хусравга нисбатан қилган муносабатидан ҳам кўриш мумкин.

Жаҳонгиршоҳ динга нисбатан холисона сиёсат олиб борар, ҳеч кимнинг диний эътиқодининг камситилишига йўл қўймас эди. Кийиниш ва дастурхон атрофида ўтириш одобига кўпроқ эътибор берар, намунали хулқ ва кийиниш маданиятини тарғиб қилар эди. У турли хил либослар ва маълум маросимларда кийиладиган сарполар турини кашф этган эди. Бундан ташқари боғ ва гулзорлар бунёд қилишга, дарахт ва гулларни пайванд этиш ва янги навларини яратишга жуда ишқибоз эди.

Тарихнавис Жаъфарнинг таъкидлашича, Жаҳонгир ғайрат-шижоатли улуғ ҳукмдор эди. Агар у суюкли маликаси Нур Жаҳон таъсирга тушмаганда эди, улуғворликда отаси Акбаршоҳ билан бир сафда туриши мумкин эди. Бу ўринда у отаси Акбаршоҳ билан ўғли Шоҳ Жаҳон ўртасидаги оралик жойни эгаллаши мумкин.

Инглиз тадқиқотчиси Сэр Ричард Бернинг назарида эса Жаҳонгир Ҳиндистонда ҳукм сурган шоҳлар силсиласида сервикор феъл-атворли, жисмонан серғайрат, санъат ва турмуш лаззатларини яхши кўрадиган, бошқаларга ҳам шуни раво кўрадиган, бироқ иродаси сустлиги туфайли буюк ҳукмдор мақвеига кўтарила олмаган подшоҳ сифатида гавдаланади.

“Бобурнома”нинг туркий нусхасидан инглиз тилига ўгирган инглиз таржимони ва бобурийлар тарихи тадқиқотчиси А.С. Бевеиж хонимнинг фикрига караганда, Жаҳонгирнинг яхши фазилатларидан бири унинг табиат гўзаллигидан лаззатлана олиши ва гулларга ошиқлигидир.

Меъморилик соҳасида Жаҳонгир отаси каби катта ва кўзга кўринарли ишлар қилишга улгурмаган бўлса ҳам, мамлакатда тасвирий санъатнинг ривожланиши ва кенг миқёсда ёйилишига катта ҳисса қўшган. Қайнотаси (Нур Жаҳоннинг отаси) Мирзо Ғиёсбек – “Эътиمود-уд-давла”нинг маҳобатли ва сержило макбарасининг қурилишига шохнинг ўзи бош-қош бўлган. Бу макбара соф мрамрдан бино этилган бўлиб, ўша пайтгача мамлакатда ҳали бунчалик мухташам ёдгорлик қурилмаган эди. Турли қимматбаҳо тошлардан ишланган безакларга ва унинг меъморий услубига караганда бу макбара бобурийлар ҳукмронлиги даврида яратилган меъморий обидалар ичида энг ҳашаматлиси ҳисобланади.

Жаҳонгир рассомчилик санъатига жуда ихлосманд бўлганлигидан ўз даврида ва ўзидан аввал яратилган санъат асарларини тўплар ва уларни авайлаб саклар эди. У бундай асарларнинг яхши билимдони ва ҳаками ҳам эди. Ўзининг ёзишича, унга муаллифи номаълум санъат асарлари кўрсатилганда, у бу асар кимнинг мўйқаламига мансуб эканини беҳато айтиб берар эди. Бордию асар бир неча муаллифнинг ҳамкорлигида яра-

тилган бўлса, бу унинг қайси қисми қайси рассомнинг иши эканини, яъни портретнинг юз қиёфасини ким чизган-у, қош-кўзини ким беаганини ҳам аниқ айтиб бера эди.

Фаррухбек, Муҳаммад Нодир, Оға Ризо, Устод Мансур, Муҳаммад Мурод исмли санъаткорлар ўша даврнинг машҳур рассом ва ҳайкалтарошларидан бўлиб, Жаҳонгир уларни ўз ҳомийлигига олган. Уларнинг кўпларига санъат соҳасида эришган муваффақиятлари ва маҳорати учун юқори мансаб ва унвонлар ҳам берилган. Жумладан, Оға Ризо “Нодир-уз-замон”, Устод Мансур эса “Нодир-ул-аср” унвонлари билан тақдирланган. Гўзаллик ва санъат кишига эътиқоди юқори бўлган Жаҳонгир маҳаллий ҳиндлар орасидан чиққан рассом ва ҳайкалтарошларга ҳам ҳомийлик қилар эди. Вижон Дас, ака-ука Кешвалар, Манохар, Мадхав ва Тулси исмли рассомлари ҳам ўша даврнинг машҳур санъаткорлари қаторидан жой олган.

Жаҳонгир табиат гўзаллигига ошуфта бўлганидан бўлса керак, ўша пайтда яратилган тасвирий санъат асарларида асосан кушлар ва гуллар табиат манзаралари, ҳайвонлар ва мухташам биноларнинг расмини чизишга кўпроқ эътибор берилган. Шариат талаблари анча қаттиқ бўлишига карамай баъзан инсон қиёфаси ҳам портретларда акс эттирилар эди. Бунда рассомлар тасвирланаётган кишининг қадди-қоматинигина акс эттириб қолмай, унинг руҳий ҳолати ва ички кечинмаларини ҳам тўла тасвирлашга интилан.

Айрим ҳолатларда сарой маликаларининг сурати ҳам ишланган, бироқ бундай пайтларда уларнинг юзидаги ҳарир парда муслмончилик қоидаларига кўра олинмас, бу ҳол эса уларнинг юз ифодасини ва рухий кечинмаларини тўла акс эттириш имкони бербас эди. Ишланаётган расмларда турфа рангли бўёқлар қўлланилган, уларни дид билан танлаш ва ўз ўрнида қўллаш имкони мавжуд эди. Ўша даврда ишланган расмларга қарасангиз уларда тилла ранг, ҳаво ранг, зангори, кизил, кумуш ранг ва оқиш рангдаги бўёқлар кўпроқ қўлланилганини кўриш мумкин. Тайёр бўлган суратлар ромга тортилиб атрофига сержило нақшлар ишланар ва намоиш этишга чиқарилар эди. Жаҳонгирнинг топшириғига асосан гўзал кушлар ва турфа ранг гуллар тасвири туширилган махсус тўплам (альбом) тайёрланиб унга ҳада этилган.

Умрининг охириги йилларида у ўзининг хасталигини даъволаш мақсадида тез-тез Кашмир водийсига сафар қилиб турган. Бу водийнинг ноёб гўзаллигини у шундай тасвирлаган эди: *"Кашмир абадий ям-яшил қиёфага бурканган улкан бир боғдир. Бу воҳанинг нигоҳингиз етган жойигача тикилиб қарасангиз кўм-кўк майсазорлар, жимирлаб оқаятган жилгалар, турфа ранг атиргуллар, бинафша ва нарғиз гуллари кўзингизни қамаштиради. Баҳорда эса ўтлоқлар ва боғларгина эмас, ҳатто уйларнинг деворлари ва дарвозаларигача турфа ранг гулларга бурканиб олади, уларга қараб кўзинг қамашади,*

гуллар рангининг саноғига етолмайсан, киши. Менинг буйругимга биноан Устод Мансур юздан ортиқ рангдаги гулларнинг расмини рисоладагидек қилиб чизди. Отам даврида Кашмирда олчалар ўсмас эди. Богбон Муҳаммадқули Афшар олчаларни Кобулдан келтириб ўтқазди ва маҳаллий кўчатларга пайванд қилиб ўстиришига муваффақ бўлди. Ўн-ўн беш хил мевали ва манзарали дарахтларнинг янги навлари шу тарзда етиштирилди”.

Инглиз тарихчиси П. Брауннинг фикрича: “Жаҳонгирнинг вафоти бобурийлар салтанати тасвирий санъати учун улкан ҳомийни йўқотиш бўлди. Ундан кейинги шоҳлар даврида ҳам санъатнинг бу тури сақланиб қолди-ю, бироқ бу унинг олий руҳи Жаҳонгир билан кетган эди”.

Жаҳонгир 1627 йилнинг октябрь ойида Кобулдан Кашмирга дам олиш учун кетаётганда вафот этди. Унинг жасади Лоҳур яқинидаги Шоҳдара деган жойга дафн этилиб, қабри устига муҳташам мақбара бунёд этилди.

ШОҲ ЖАҲОН

Шоҳ Жаҳон ҳаётидаги муҳим саналар

- 1628 й. – Шоҳ Жаҳон (Шахзода Хуррам) тож кифе­раль – йиб тахтни эгаллади.
- 1631 й.
17 июнь – Малика Мумтоз Маҳал вафот этди.
- 1634 й. – Товус тахт куриб битказилди.
- 1636 й. – Шахзода Аврангзеб Деккон ўлкасига хо­ким этиб тайинланди.
- 1645 й. – Тож Маҳал макбараси куриб битка­зилди.
- 1656 й. – Мир Жумла машхур Кўхи Нур олмо­сини шохга инъом этди.
- 1657 й. – Аврангзебнинг тахт учун кураши бош­ланди ва ғалаба билан якунланди.
- 1658 й. – Шоҳ Жаҳон Агра калъасида хибсга олинди ва Аврангзеб тахтни эгаллади.
- 1666 й. – Шоҳ Жаҳон вафот этди.

Жаҳонгиршоҳнинг Хусрав, Парвез, Хуррам ва Шаҳриёр исмли тўрт ўғ­ли бўлиб, уларнинг учинчиси, яъни шахзода Хуррам отасидан сўнг тахтни эгаллагач, ўзини Шоҳ Жаҳон деб эълон қилган эди. Шахзода Хуррам 1592 йилда Лоҳурда Жа-

ҳонгиршоҳнинг хинд хотинидан туғилган фарзанди. У ёшлигида қадди-қоммати жуда келишган, ақлу одобда бошқаларга намуна бўладиган, шу билан бирга шон-шухратга интилувчан серғайрат йигит бўлган ва бобоси Акбаршоҳнинг суюкли набира-си ҳисобланарди. Унинг шижоати, ақл-заковатини кўрган-билганлар ўша пайтдаёқ унинг тахт вориси бўлишига комил ишонч билан қарар эдилар. Укаси шахзода Шаҳриёр ҳали кўзга ташланиб улгурмасидан аввал шахзода Хуррам подшоҳ отасининг ҳам эътиборини қозониб улгурган. Унинг жасурлиги ва масъулиятни ҳис эта билиш туйғусини яхши қадрлаган Жаҳонгиршоҳ Хуррамни ўспиринлигидаёқ кўпгина жиддий ҳарбий юришларга сардор этиб тайинлаган. У 15 ёшга тўлганида 8 минг пиёда аскар ва 5 минг суворийга қўмондонлик қилиш ҳуқуқини берувчи ҳарбий мансабга тайинланган. 1611 йилда 19 ёшида, у 10 минг пиёда аскар ва 5 минг отлик навқарга қўмондонлик қила бошлади. 1612 йилда шахзода Хуррам лашқарбоши Асафхоннинг қизи гўзал Мумтоз Маҳал (Аржуманд Бону Бегим)га уйланди. Шундан сўнг 30 минг пиёда ва 20 минг отлик аскардан тузилган кўшинга лашқарбоши этиб тайинланди.

Шахзода Шаҳриёр Жаҳонгиршоҳнинг суюкли маликаси бўлмиш Нур Жаҳоннинг аввалги эри Аликулибекдан бўлган эркактой қизи Лодли Бегимга уйлангандан сўнг, шахзода Хуррамнинг атрофида турли фитналар уюштирилиб, унинг тахтга интилиш

йўлида ҳар хил ғовлар пайдо бўла бошлади. Чунки салтанатда подшоҳдан ҳам устун келишга интиладиган малика Нур Жаҳон ўз акаси, бош лашкарбоши Асафхон билан ҳам ҳисоблашмас, фақат ўзининг куёви бўлмиш Шаҳриёрни тахтга чиқариш режаларини тузар эди. Бундай ҳаракатларга норозилик белгиси сифатида шахзода Хуррам 1622 йилда исён кўтарди ва бу ҳол ота-бола ўртасида кескин тўқнашувларга сабаб бўлди. Асафхоннинг саъй-ҳаракати билан ота-бола ўртасида муроса битимига келишилди-ю, бироқ Нур Жаҳонни ўз фикридан қайтаришнинг иложи бўлмади.

1627 йилнинг октябрига келиб, Жаҳонгиршоҳ Лоҳурда бу фоний дунёдан кўз юмганда Нур Жаҳон унинг ёнида эди. Нозик вазиятдан усталик билан фойдаланиб, тахтни эгаллаб олиш учун у зудлик билан шахзода Шаҳриёрни пойтахтдан Лоҳурга чакирттирди. Чунки бу пайтда тахтнинг асосий даъвогарни бўлмиш шахзода Хуррам Ҳиндистоннинг жанубидаги узок ўлкалардан бўлган Деккон вилоятида бўлган. Унинг бу ерга етиб келиши учун бир неча ой муддат керак эди. Вазиятнинг қалтислигини яхши англаган лашкарбоши Асафхон ҳам бу ҳолга лоқайд қараб турмади. Куёви шахзода Хуррамнинг яқин орада пойтахтга етиб кела олмаслигига ва тахтни эгаллашдек нозик имконият кўлдан бой берилишига ақли етган Асафхон ўз тажрибаси ва ҳарбий қудратини ишга солиб, кескин ҳаракатлар билан марҳум шахзода Хусравнинг ўғли Доварбахшни вак-

тинча тахтга чиқариб қўйди. Чунки сарой қоидаларига биноан подшоҳдан кейин тахтга энг катта ўғил, яъни шаҳзода Хусрав даъвогар бўлиши, у ҳаётдан кўз юмган бўлса, унинг ўғли даъвогар бўлиши мумкин эди. Бу ҳолдан усталик билан фойдаланган Асафхон шаҳзода Шаҳриёрнинг тахт сари интилиш йўлини тўсган эди. Малика Нур Жаҳон билан шаҳзода Шаҳриёр Асафхоннинг шиддатига дош бера олмади.

1628 йилнинг февраль ойида шаҳзода Хуррам Деккондан пойтахтга етиб келди ва кескин ҳаракатлар билан тахтни эгаллагач, ўзини Ҳиндистондаги бобурийлар салтанатининг подшоҳи Шох Жаҳон деб эълон қилди. Шундан сўнг шаҳзода Шаҳриёр ҳибсга олинди, Нур Жаҳон эса салтанат ишларидан умуман четлатилди ва умрининг қолган қисмини тоат-ибодат билан ўтказиб, 1645 йилда ўз ажали билан оламдан ўтди. Тахтдан туширилган Доварбахш боши омон қолганидан мамнун ҳолда Эронга қараб йўл олди, чунки тахтга даъвогар бўлиши мумкин бўлган барча шаҳзодалар бирма-бир ҳибсга олиниб, қатл этилаётган эди.

Шох Жаҳоннинг ўттиз йил (1628–1658) давом этган ҳукмронлик даври Ҳиндистон тарихида ёрқин из қолдирди. Бу давр ичида бобурийлар империяси ҳудудан унчалик катта ҳажмда кенгаймаган бўлса ҳам, ўша давр меъёри билан ўлчанадиган бўлса, мамлакат тараққиётнинг энг юқори чўққисига чиққан эди. Бу давр фуқаро учун тинч, осуда ҳаёт ва тўқин-сочинлик, мўл-кўлчилик

йиллари бўлди. Албатта, бу давр ҳам мамлакат ичкарасида айрим исёнлар ва Шох Жаҳоннинг соғлиги ёмонлашгандан кейин шахзодаларнинг тахт учун ўзаро курашлари, ҳамда салтанат худудини кенгайтириш учун айрим ҳарбий юришлар бўлиб турди. Лекин бу юришлар фуқаро гарданига унчалик оғир юк бўлиб тушмади. Савдо-сотик ва маҳсулот ишлаб чиқариш анча юқори босқичга кўтарилди, аҳолидан олинадиган солиқлар камайтирилди, маънавий ҳаёт соҳасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди.

Тарихнависларнинг таъкидлашларича, Шох Жаҳондан аввалги хукмдорлар даврида мамлакат хазинасидан сарфланган харажат Шох Жаҳон даврида сарфланган харажатнинг тўртдан бирига ҳам тенг эмас, лекин бошқа подшоҳлар йиллаб тўплаши мумкин бўлган бойликни Шох Жаҳон жуда қисқа муддат ичидаёқ тўплаб қўйган эди.

Бойликни тўплаш ва уни ўз ўрнида сарфлай билиш учун ҳам алоҳида қобилият ва укув бўлиши лозимлигини, давлат маъмуриятини ва унинг қўшинини бошқариш тизимини қай йўсинда ташкил этиш, солиқлар тизимини такомиллаштириш, қўшни мамлакатлар билан қай тарзда иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатиш ва бу ишлардан ўз мамлакатини манфаати йўлида қандай фойдаланиш лозимлигини Шох Жаҳон яхши англади ва шу нуқтаи назарларни эътиборда тутган ҳолда чора-тадбирлар белгилар ва уларнинг изчил амалга оширилиши устидан қатъий назорат ўрнатган эди.

Бу тадбирларнинг натижаси ўлароқ у ҳукмронлик қилган даврда мамлакат ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ва айниқса, маданий жиҳатдан тараққиётнинг энг юқори чўққисига чиқди. Шунинг учун бўлса керак, тарихчилар унинг ҳукмронлик даври Ҳиндистондаги “*бобурий подшоҳлар ҳукмронлигининг олтин даври*” деб, Шоҳ Жаҳоннинг ўзини эса “*бунёдкор подшоҳ*” деб аташади. Чунки унинг ҳукмронлиги даврида бунёд этилган иншоотлар ундан аввалги аждодлари даврида қурилган бинолардан меъморий услуби жиҳатидан фарқ қилади. Мамлакат ҳудудида барпо этилган биноларнинг кўпчилиги, шу жумладан, Ҳумоюншоҳ мақбараси, Фотехпур Секри шаҳрида қад кўтариб турган бинолар, Искандариядаги Акбаршоҳ мақбараси, Аградаги Ётимод-уд-давла Мирзо Ғиёсбек мақбараси каби иншоотлар ўз меъморий услубига кўра ҳинд-форсча услубда қурилган. Бу бинолар ўзининг улкан ҳажми ва баҳайбатлиги билан ажралиб турса, Шоҳ Жаҳон даврида бунёд этилган меъморий обидалар ўзининг сержилолиги ва пурвиқорлиги билан кишини мафтун этади. Улар ортиқча маҳобати ва сербезаклиги билан эмас, аввало нозик дид билан жило берилиши киши диққатини ўзига тортади.

Акбаршоҳ ва Жаҳонгиршоҳ даврида қурилган иншоотлар ҳинд-мусулмон услубида асосан қизил ғиштдан қурилган бўлса, Шоҳ Жаҳон даврида барпо этилган бинолар мусулмон меъморлари лойихаси асосида қурилган бўлиб, уларнинг беағи учун асосан

мармар ишлатилар эди. Шоҳнинг мусулмончиликка эътиқоди кучли бўлганидан бўлса керак, 1632 йилдан эътиборан хиндларнинг бутхоналарини куриш ман этиб қўйилган эди.

Шоҳ Жаҳон ҳукмронлиги даврида бунёд этилган меъморий обидаларнинг энг ноёб намунаси, дунёнинг етти мўъжизасидан бири ҳисобланган Тож Маҳал макбарасидир. Бу бино шоҳнинг севимли маликаси ва вафодор хотини Мумтоз Маҳал Бегим вафотидан сўнг унинг хотирасига бағишлаб Жамна дарёси бўйига қурилган ёдгорлик бўлиб, бу обида соф муҳаббат ва садоқат рамзи сифатида бутун жаҳон аҳлини ҳозиргача ҳайратга солиб келади. Муаррих Ҳамид Лоҳурийнинг гувоҳлик беришича, бу бино 12 йил давомида қурилган бўлиб, унинг қурилишига 50 лак¹ рупий маблағ сарфланган.

Шоҳ Жаҳон Агра қалъасида ҳам бир неча тарихий иншоотлар қурдирган. Улар орасида Моти Масжиди ва Музаммон Бурж деб аталган қаср ўзининг бетакрор гўзаллиги билан кишини лол қолдиради. Масжид Девони Омнинг шимолий қисмида жойлашган бўлиб, у 4 йил (1648–1652) давомида қуриб битказилган. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, бу бинонинг қурилишига давлат ҳазинасидан 30 лак рупий сарфланган. Музаммон Бурж қасри соф мрамрдан ишланган мухташам сарой бўлиб, Шоҳ Жаҳон умрининг ҳибсда ўтган охириги йилларида шу қасрда яшаган ва шу ерда вафот этган эди.

¹ 1 лак 100 мингга тенг.

1639 йилнинг май ойида Шох Жаҳон пойтахт яқинидаги кейинчалик Шохжаҳонобод деб аталган меъморий мажмуадан ташкил топган улкан қальанинг пойдевориغا тош қўйиб берган. У ерда қад кўтарган Али масжиди ва қальанинг ўзи ҳозиргача ўз чиройини бутун дунёга кўз-кўз қилиб туради. Бу меъморий мажмуанинг очилиш маросими жуда катта тантана ва тўю томошага айлантирилган. Ўша пайтда бунёд этилган Жомеъ масжиди Ҳиндистондаги масжидлар ичида энг каттаси ва ҳашаматлиси ҳисобланади ва унда бир вақтнинг ўзида 5000 киши намоз ўқиши мумкин. Бу бино олти йилда қуриб битказилган бўлиб, унинг қурилишига хазинадан 10 лак рупий маблағ сарфланган. Ўша пайтда бунёд этилган меъморий обидалар орасида Низомиддин Авлиёнинг оқ мрамрдан ишланган улкан мақбараси ҳамда Ажмор шаҳрида қад кўтариб турган мухташам бинолар кишининг диққатини ўзига тортмай иложи йўқ.

АВРАНГЗЕБ ОЛАМГИР

Аврангзеб ҳаётидаги муҳим саналар

- 1618 й. – Аврангзеб таваллуд топди.
24 октябрь –
- 1658 й. – Аврангзеб тахтни эгаллади.
- 1659 й. – Шахзода шоҳ Шужо кўшини тормор этилиб, Шоҳ Жаҳон ва шахзода Мурод хибсга олинди. Аврангзебнинг тож кийиш маросими бўлиб ўтди.
- 1661 й. – Шахзода Муродни катл этиш ҳақида ҳукм чиқарилди.
- 1662 й. – Аврангзеб каттик бетоб бўлиб колди.
- 1666 й. – Шоҳ Жаҳон 75 ёшида Аграда вафот этди.
- 1681 й. – Аврангзеб Деккон ўлкасига жўнаб кетди.
- 1707 й. – Аврангзеб оламдан ўтди. Шахзода Муаззам ёхуд Баҳодиршоҳ I тахтга чиқди.

Ҳиндистонда салкам уч ярим аср ҳукм сурган бобурийлар салтанати тарихининг ярим асрлик даври бобурий шахзода

Аврангзеб Оламгир ҳукмдорлик қилган йилларга тўғри келади. Бобурийлар сулоласида Аврангзеб бешинчи авлодга мансуб бўлиб, улар орасида бобокалони Акбаршоҳ сингари Ҳиндистон қитъасидаги бу улкан империяни ягона марказдан бошқариладиган яхлит бир давлат сифатида 50 йил (1658–1707 йй.) мобайнида бошқариб келган тарихий шахсдир.

Шаҳзода Аврангзеб («Тахт беазаги») подшоҳ Шох Жаҳоннинг битта онадан туғилган тўрт ўғлининг учинчиси бўлиб, у 1618 йилнинг 24 октябрда Ҳиндистоннинг Ужжайн вилоятидаги Доҳад шаҳрида дунёга келди. Болалигиданок у араб, форс, туркий ва ҳинд тилларини яхши ўрганган, араб алифбосининг «шикаста» ва «настаълик» усулларида моҳир хаттотлар каби ёза олар эди. Эътиқодига кўра, у ўзини сунний мазҳабига мансуб мусулмон деб ҳисоблаган. Ёшлигиданок муқаддас Қуръони карим оятларини мукамал билар ва уларни таҳлил қила олар эди. 1625 йилда шаҳзода Хуррам (Шох Жаҳон) ўз отаси Жаҳонгиршоҳга қарши исён кўтариб мағлубиятга учраганда унинг ўғилларидан Доро Шукуҳ ва Аврангзеблар малика Нур Жаҳон ҳузурида гаровга ушлаб турилган ва Жаҳонгир вафотидан кейингина озод қилинган. Аврангзеб ўз олдига аниқ мақсад қўйиб, унга эришиш йўлида тинимсиз меҳнат қиладиган қатъий иродали йигит бўлганидан ҳаётнинг оғир дамларида ҳам ўзини йўқотмас ва мураккаб вазиятдан чиқиш йўлларини совуққонлик билан топа оладиган жасур ва ғайратли инсон эди. Бо-

лалик пайтида кунлардан бир кун у филлар жангини томоша қилаётган пайтда бир фил шиддат билан унга қараб юриб қолганда ёш Аврангзеб филдан нари қочиш ўрнига, филга қарши ҳужум қилиб, уни орқага қайтишга мажбур қилган. У қурол ишлатиш ва жанг олиб бориш санъатини маҳорат билан эгаллади ва биринчи ҳарбий юришдаёқ рақибини мағлуб этиб муваффақият билан қайтди. Марказий Осиё ва Қандаҳорга қилинган ҳарбий юришларда лашкарбошилиқ қилди, тахтни эгаллагунга қадар Гужарат вилоятида ва Деккон ўлкасининг тўртта вилоятида ҳокимлик вазифасида туриб, ҳарбий саркарда ва моҳир маъмур сифатида яхшигина тажриба орттирди. Бу борада тўплаган тажрибалари ва қобилияти ака-укаларига қарши тахт учун олиб борилган шиддатли жангларда қўл келиб, улардан ҳар томонлама устун эканини намоён этди ва 1658 йилнинг июль ойида салтанат тахтини қўлга киритди. 1659 йилнинг июнь ойида тож кийиб ўзини расман Ҳиндистондаги бобурийлар салтанатининг подшоҳи Абдул Музаффар Муҳиддин Муҳаммад Аврангзеб Баҳодир Оламгир Подшоҳи Ғозий деб эълон қилди.

Ўшанда Эрон шоҳи ва Бухоро хонларидан махсус элчилар келиб, совға-саломлар билан подшоҳни қутлаб муборакбод этган эдилар. Подшоҳ сифатида Аврангзеб ўз вазифасига жуда юқори масъулият билан қарар, халқ манфаатини ўз манфаатидан юқори қўяр, оддий фуқарони ўз ҳимоясига олишни ўзининг асосий бурчи деб билар ва қўл ости-

даги мансабдорлардан ҳам шу тамойилларга риоя қилишларини қатъий талаб қилар эди. Отасига ёзган хатларининг бирида у шундай таъкидлаган эди: *«Сиз мўътабар зоти олийларига яхши маълумки, қудрати улуг Парвардигор ўзининг ишончини мамлакатни асраб-авайлай оладиган ва халқини ҳимоя қила оладиган бандасигагина раво кўради. Ҳукмдорлик дегани эса ўз манфаати ва ҳузур-ҳаловатини кўзлаш эмас, балки оддий фуқарони ўз ҳимоясига олиш демакдир».*

Аврангзеб табиатан жуда ҳафсалали киши бўлиб, бирон-бир маъмурий иш ёхуд ҳарбий тадбир унинг назаридан четда қолмаган. Одати бўйича у бир кеча-кундузда уч-тўрт соатгина ухлар, қолган вақтини эса турли микёсдаги маъмурий, ҳарбий ва маиший масалалар билан машғул бўлиш билан ўтказар эди. Сарой амалдорларидан бири унга соғлигини авайлаш мақсадида бир оз дам олишни маслаҳат берганида у шундай жавоб берган экан: *«Ҳақ Таоло мени бу дунёга шаҳзода ва подшоҳ қилиб ўзим учун эмас, балки бошқа бандалар учун яшаш ва уларга хизмат қилиш учун яратган. Ўзимнинг ҳаловатимни эмас, балки бошқаларнинг ҳузурини кўзлаб иш тутмоқлик менинг бурчимдир. Менинг бахтим халқимнинг бахтидан ажралмасдир».*

Аврангзеб ўз ҳаётининг асосий мазмунини ўз халқи устидан беғараз, холисона ва адолатли ҳукм юргизиш деб билар эди. У салтанат тахтини эгаллаган пайтда мамлакатдаги иктисодий, ижтимоий ва сиёсий вазият жуда аянчли аҳволда бўлган. Отаси Шоҳ

Жаҳон бетоб бўлиб ётиб қолгандан кейин унинг ёнида турган шаҳзода Доро Шукух ўзининг ношудлиги ва лаёқатсизлиги туфайли унга ишониб топширилган салтанат ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйган ва мамлакатни рисоладагидек қилиб бошқаришга қурби етмаган. Чунки ака-ука шаҳзодаларнинг тахт учун олиб борган шиддатли жанглари ҳам мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволини жуда танг қилиб қўйган. Мавжуд вазиятни Аврангзеб каби серғайрат ва ақл-фаросатли, уддабурон раҳбаргина одилона ҳал этиши мумкин эди.

Шунинг учун Аврангзеб тож кийиб тахтга чиқиши биланок мамлакатнинг маъмурий идораларида, унинг молиявий тизимида кескин ислоҳий тадбирлар ўтказиш ҳақида қатор фармонлар чиқарди. Бу фармонлар асосида деҳқонлар, хунармандлар ва савдогарларнинг турмушини яхшилашга қаратилган тадбирлар белгиланди.

Бу пайтга келиб савдогарлардан олинадиган солиқлар ва бож тўловлари жуда юқори бўлганидан мамлакат ичкарасида бўладиган савдо ва ташқаридан келадиган моллар миқдори кескин камайган, бу ҳол эса мамлакат ичкарасида нарх-навонинг кўтарилиб кетишига сабаб бўлаётган эди. Шу сабабли ҳам карвон йўлларида ва кечувлардан ўтишда, давлат чегагараларини кесиб ўтишда олинадиган «роҳдори» деб аталадиган солиқ тури бекор қилинди, шунингдек, ерли фуқародан уй (ер) солиғи сифатида олинадиган «пан-дори» солиғи ҳам бекор қилинди. Умуман

аҳолидан турли баҳоналар билан олинадиган «аҳбоби» деб аталадиган турли йиғим ва тўловларнинг 80 га яқин тури бекор қилинди. Бу солиқларнинг асосий қисми оддий меҳнаткаш халқ зиммасига тушар эди. Бу билан давлат хазинаси бир неча юз минг рупий маблағдан маҳрум бўлаётган бўлса ҳам, оддий фуқаро гарданидаги бу оғир юк олиб ташланди. Бу тадбир-чоралар мамлакат подшосининг ўз халқининг моддий аҳволини яхшилаш ниятида бўлганидан далолат беради.

Аврангзеб ёшлигиданок ўта художўй ва такводор инсон бўлгани учун тахтни эгаллагач, ўз фуқаросининг ижтимоий аҳволини ҳам яхшилаш, яъни уларнинг маънавий поклиги учун ҳам қаттиқ кураш олиб борди. Унинг шариат талабларига итоаткорлиги шу қадар юқори даражада эдики, ҳинд тарихчиси Л.П. Шарманинг таъкидлаб айтишича, Марказий Осиё ўлкаларига қилинган ҳарбий юришларнинг бирида жанг кескин давом этаётган бир пайтда отдан тушиб, пешин намозини ўқиб бўлгач, яна жангга кириб кетган экан. Шахсий ҳаётда ҳам Аврангзеб жуда камтар ва рисоладаги мусулмон бўлган. Истеъмол қиладиган таомлари ҳам, киядиган либослари ҳам жуда содда бўлиб, ортиқча ҳашам ва зебу зийнатларни ёқтирмас эди. У умрида бирон марта ҳам маст қиладиган ичимлик ёхуд гиёҳларни тотиб кўрмаган такводор инсон эди. Шунинг учун бўлса керак, унинг хотинлари бир вақтнинг ўзида тўрттадан ортмаган.

Аврангзеб ўзини мамлакатни одилона идора қилиш учунгина эмас, балки ислом динини, ва айникса, унинг суннийлик мазаҳаби ақидаларини ҳимоя қилиш ва таъсир доирасини янада кенгайтириш учун ҳам тахтга чиққан, деб ҳисоблар эди. Унинг ҳукмдорлиги исломий назарияга асосланган бўлиб, асосий шиори «Дорул ҳарб» (*кофирлар мамлақати*) бўлмиш Ҳиндистонни «Дорул ислом» (*мусулмонлар мамлақати*)га айлантириш эди.

Ўзининг 50 йиллик ҳукмдорлик фаолиятида Аврангзеб ҳамиша ана шу ақидага содик қолди ва бу эътиқодидан бир дақиқа ҳам воз кечмади. Ана шу ақидага содик бўлиш мақсадида у ўз отасини ҳибсда сақлашдан ҳам, ўз манфаатини кўзлаб тахтга даъвогарлик қилган ака-укаларини қатл қилишдан ҳам, ўз ўғилларини зиндонбанд ва дарбадар қилишдан ҳам қайтмади. Чунки у мусулмон подшоҳнинг асосий вазифаси мана шулардан иборат деб билар ва ўзидан олдин ўтган подшоҳ аждодлари фаолиятидаги асосий камчиликлари ҳам ана шундай ишларни қилмаганликларида, бинобарин, Ҳиндистонда ислом динини юқори мавқега кўтара олмаганликларида, деб билар эди. Шу мақсадда мамлакатда зарб қилинадиган танга пулларга Қуръони каримдан олинган калималарни ўйиб ёзиш қатъиян ман этилди, раққосалар ва созандалар саройдан қувиб чиқарилди, мамлакат ҳудудида майпарастлик ва гиёҳвандлик қилиш ҳамда қимор ўйнаш қатъиян тақиқланди, бузуқ аёллар эрга те-

гиши, ёхуд мамлакат ҳудудидан чикиб кетиши талаб қилинди, ғайридинларнинг диний байрамларини саройда нишонлашга чек қўйилди. Шунингдек, аҳолининг шариат тақиқлаган ишлар билан шуғулланишини назорат қиладиган махсус лавозим — «муҳтасиб» таъсис этилиб, уларга катта ҳуқуқлар берилди. Масжид, мадрасалар ва хонақоларни қайта таъмирлаш ва янгиларини қуриш, масжидларнинг имом ҳамда муаззинларига мунтазам равишда маош тўлаш тартиби ўрнатилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Аврангзеб ғайридинларга нисбатан муросасиз ва бетоқат эди. Уларнинг бутхоналарини ва мактабларини таъмирлаш ва янгисини қуриш ман этилди, кўпгина бутхоналар ўрнига масжидлар қурилди. 1679 йилнинг апрель ойидан эътиборан мусулмон бўлмаган ҳиндлардан «жузъя» солиғини ундириш ва уларнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилганликлари учун ҳам қўшимча солиқ тўлашлари тартиби қайта тикланди. Мусулмон савдогарлари мол учун тўланадиган солиқдан озод қилиниб, ғайридин савдогарлардан молининг 5 фоизи миқдорида солиқ олиш тартиби жорий қилинди. Солиқ йиғадиган идораларда номусулмонларнинг ишлаши ман этилди. 1688 йилдан эътиборан юқори лавозимдаги ғайридинларнинг тахтиравон(маҳоба)да юришлари ва чиройли отларни миниб юришлари ҳам чеклаб қўйилди. Бундай тадбирлардан кутилган асосий мақсад мамлакат миқёсида кўпчиликни ташкил қилувчи

маҳаллий хиндларни мусулмон динини қабул қилишга ундаш эди. Ислом динига жалб этиш учун уларга турли лавозим, пул, ер ва бошқа имтиёзлар берилар эди.

Инглиз тарихчиси С. Лейн-Поулнинг фикрича, Аврангзеб ўз тахтини факат дин учунгина ушлаб турган эди. Бироқ бошқа динларга нисбатан олиб борилган бундай тажовузкорона сиёсат натижасида, табиийки, кўпчиликни ташкил қилувчи мусулмон бўлмаган аҳолиси подшоҳнинг итоаткор фукаросига эмас, балки ғазабнок рақибига айланиб қолган.

Диний жаҳолатпарастлик деган тушунчага жуда яқин келиб қолган бу дунёқараш улкан мамлакатни бошқаришда муваффақиятга олиб келавермаслиги шубҳасиз. Аврангзеб ҳукмронлигининг охириги йилларида мамлакатда рўй берган сиёсий инқироз, ундаги бошбошдоклик, жипсликнинг сусайиши ва ҳатто подшоҳга қарши кўтарилган исёнлар, қолаверса, фарзандларнинг ўз оталари сиёсатидан, унинг каттикқўллигидан, ўз ўғилларига нисбатан ишончсизлигидан норозиликлари, эҳтимол, ана шундай жаҳолатпарастлик билан олиб борилган сиёсат натижаси бўлгандир. Аврангзеб тарихини яхши ўрганган тарихнавислардан бири Сэр Жоду Нат Саркорнинг фикрича, унинг ҳукмдорлиги ҳар бири 25 йилга тенг бўлган икки даврга бўлинади. Шимолий Ҳиндистонда ўтган биринчи қисми мамлакат ҳудудини кенгайтириш, салтанат кудратини иктисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашга бағиш-

ланган бўлса, иккинчи ярми мамлакат жанубидаги Деккон ўлкаси вилоятларида ва айникса, Бижопур, Аҳмаднагар, Карнат, Махораштра, Голконда каби вилоятларда ражпутлар, маратхалар ва сикхларни бўйсундириш учун олиб борилган шафқатсиз жанглар мамлакатни ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жихатдан инкирозга олиб келган давр бўлган эди.

Бу ҳарбий ҳаракатлар мамлакат ҳудудини анча кенгайтириш имконини берган бўлса ҳам, бўйсундирилган бу ўлкаларни узок вақт кўлда саклаб туриш имкони бўлмади. Бунинг сабаби улкан мамлакатни ягона марказдан туриб бошқариш имконияти бўлмай қолгани, подшоҳнинг кексалиги билан боғлиқ эди. Ўтказилган қаттиқ диний тазйиқлар натижаси ўлароқ кўплаб жанубий вилоятларнинг аҳолиси подшоҳдан юз ўгира бошлаган. Бу пайтда Аврангзеб жуда кексайиб қолган (90 ёшда)лиги учун ҳам мамлакатни бошқариш тизгинини ўз қўлида маҳкам тутиб тура олмас эди. Мамлакатнинг номусулмон аҳолисигина эмас, балки мусулмон аҳолининг шиа мазҳабига мансуб қисми ҳам қаттиқ тазйиқ остига олиниши, салтанат яхлитлигига ва диний мазҳаблари ўртасига рахна солинишига сабаб бўлди.

Бу ҳол эса турли исёнлар кўтарилишига олиб келди, пировардида мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий қудратига путур етказди, давлатни идора қилиш ишлари издан чиқди, фукаронинг мол-мулки, унинг хавф-

сизлиги ва тинч, осуда ҳаёти таҳлика остида қолди.

Бунинг устига, Аврангзеб ҳаётининг охириги йилларида унинг оиласи ҳам инқирозга юз тута бошлади: 1702 йилда қизи Зебунисо Бегим вафот этди, 1704 йилда исёнкор ўғли Муҳаммад Акбар Эронда қувғинда, дарбадарликда ҳаётдан кўз юмди. 1705 йилда суюкли келини Жаҳонзеб оламдан ўтди, 1706 йилда кичик синглиси Гавҳараро Бегим бандалиқни бажо келтирди. Худди шу йили иккинчи қизи Меҳринисо Бегим ва унинг эри Иззатбахш (Аврангзебнинг укаси шахзода Муродбахшнинг ўғли) дорул фанодан дорул бакога рихлат қилдилар. Бир ой ўтмай невараси (исёнкор шахзода Муҳаммад Акбарнинг ўғли) Баланд Акбар вафот этди. Ана шундай мусибатли кунларда 1707 йилнинг 3 март куни 90 ёшида Аврангзеб Оламгир бу ёруғ дунё билан видолашди. Унинг жасади Давлатобод шаҳридан 6–7 километрлик масофадаги авлиё Шайх Зайн-ул-Ҳак қабри ёнига дафн этилди. Ҳинд тарихчиси Жодунат Саркорнинг таъбири билан айтганда «Буюк бобурийлардан яна бир буюги»нинг ҳаёти ана шундай хотима топди.

БОБУРИЙЛАР САРОЙИДАГИ МАЛИКАЛАР

Маълумки, шарқ мамлакатлари тарихида, шу жумладан, соҳибқирон Амир Темур ва темурий шахзодалар ҳукмронлик қилган даврларда сарой аёллари анчагина салмоқли мавқени эгаллаб турганлар ва давлатни бошқаришда маликаларнинг фикр-мулоҳазалари ҳамда эътиқодлари албатта ҳисобга олинган. Бунга буюк Соҳибқироннинг сеvimли маликаси, ўз даврининг юксак идрокли, фаҳм-фаросат ва гўзалликда тенги йўқ, ноёб ақл-заковат эгаси бўлмиш Сарой Мулк Хонимга бўлган муносабатини, Шоҳрух Мирзонинг суюкли хотини нозик дидли, оқила, тадбиркор ва сухандон малика Гавҳаршод Бегимга бўлган муносабатини ёхуд Халил Султон Мирзонинг саройида унинг суюкли маликаси Шодимулк Бегим тутган мавқени мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Темурийлар салтанатининг Ҳиндистондаги давомчилари бўлмиш бобурий подшоҳлар салтанатида ҳам маликалар давлатни одилона идора қилишда, мамлакатни ободонлаштириш ишларида, жумладан, меъморчилик, санъат ва адабиётни ривожлантиришда муҳим мавқени эгаллаганлар ва тарихда сезиларли из қолдирган.

Ҳиндистон тарихидан хабар берувчи тарихий, илмий ва адабий манбалар саҳифаларини варақлар эканмиз, уларнинг зарваракларида бобурий шоҳлар ва шаҳзодалар каторида ўзига хос нурли ёғду таратиб турган сарой маликалари сиймоси алоҳида ўрин эгаллаганига гувоҳ бўламиз. Улар кўз олдимизда шоҳ ва шаҳзодаларга давлатни идора қилишда оқила маслаҳатгўй, тадбиркор сиёсатдон, истеъдодли олималар, хассос шоиралар, садокатли ва вафодор ёр ҳамда меҳрибон оналар сифатида гавдаланадилар. Уларнинг ҳаёт йўли ва фаолияти адиблар ва тарихнавислар диққатини ҳамиша ўзига жалб қилиб келмоқда.

Маълумки, шарқ мамлакатлари тарихида, жумладан, Гулбадан Бегимнинг «Ҳумоюннома» асарида ёзишича, Ҳумоюншоҳ саройида шодлик кунларида аёллар мардонавор кийимлар кийиб, чавандозлик ва тирандозлик каби ўйинларда иштирок этишган, камонбозлик машқларида қатнашганлар. Тўй маросимларида эса Бегимлар подшоҳнинг ўнг томонида зардўзи кўрпачаларда ўтиришган.

Гулбадан Бегим уларнинг ҳаммаларини (жами 96 киши) санаб «...булар мардона кийимларни киярдилар ва зеҳгиртарошлик, чавандозлик, тирандозлик каби ҳунарларга уста эдилар ва созлардан кўпчилигини чалар эдилар», деб ёзади. Аёлларнинг тақдирини ҳал этишда, уларнинг эрки ва фикри албатта ҳисобга олинар эди. Уларнинг ўз эркига эга бўлганликларига Ҳумоюншоҳнинг

Ҳамидабонуга уйланиши воқеаси яхши мисол бўлиши мумкин.

Гулбадан Бегимнинг гувоҳлик беришича, Ҳамидабону Бегим Ҳиндол Мирзонинг пири бўлмиш Мирбобо Дўстнинг кизи бўлиб, Ҳиндол Мирзо уни ўз синглиси ва фарзанди каторида кўрар эди. Шунинг учун ҳам подшоҳ акасининг бу кизга харидор бўлганидан хабар топгач, мабодо турмуши яхши бўлмаса, кулфатга сабаб бўлади, деган андишага бориб, бу никоҳга унчалик рўйхушлик бермаган. Ҳумоюн Ҳамидабонуни бир кўргандан кейинок унга уйланишга қарор қилган. Уни иккинчи бор ҳузурига чорлаганда: *«Подшоҳларни фақат бир марта кўриш мумкин, иккинчи маротаба кўриш номаҳрамлик бўлади, мен бормаيمان»*, – дея рад жавобини беради бўлажак малика. Унинг бу сўзларини совчи бўлиб борган Субхонқули Ҳазрат Ҳумоюнга етказганда, у: *«Агар номаҳрам бўлсалар, маҳрам қилиб оламиз»*, – дея яна ҳузурига чақиртиради. Бирок қирк кунгача бўлажак малика подшоҳ ҳузурига боришга розилик бермайди. Шундан сўнг Гулбадан Бегим билан Ҳиндол Мирзонинг тукқан онаси бўлмиш Дилдор Оғача Бегим Ҳамидабонуга насиҳат қилиб: *«Ахир, бир кишига тегасан-ку, подшоҳдан ҳам яхши киши бўладими?»* – дедилар. Бунга жавобан Ҳамидабону: *«Тўғри, лекин мен қўлимни узатсам бўйнига этадиган кишига тегаман, қўлимни узатсам этагига ҳам етмайдиган кишига эмас»*, – деб жавоб берган эди. Дил-

дор Оғача Бегимнинг узоқ насихатлари ва панд-ўғитларидан кейингина Ҳамидабону подшоҳ Ҳумоюнга тегишга розилик берган. Ўшанда эндигина 14 ёшга кирган қизнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш борасидага мулоҳазалари, унинг ўз эрки ўз қўлида эканлигини фаҳмлай олиши ўша даврда риоя қилинадиган ахлоқ нормалари, бу жамиятдаги аёлларнинг мавқеи ва уларга бўлган муносабат ҳақида бизга аниқ тушунча бериши мумкин. Ахир, жамиятнинг тараққиёт даражаси аёлларга бўлган муносабат билан ўлчанади, деган ақидалар бежиз эмас.

ХОНЗОДА БЕГИМ

Хонзода Бегим – Бобуршоҳнинг бир онадан туғишган опаси, у Умаршайх Мирзонинг Қутлуғ Нигор Хоним билан бўлган никоҳидан 1478 йилда дунёга келган эди. Умаршайх Мирзонинг энг катта қизи бўлиб, укаси Бобур Мирзодан 5 ёш катта бўлган. Тарихдан маълумки, тақдир тақозоси билан 1501 йилда Бобуршоҳ Самарқандни Шайбонийхонга ташлаб чиқиб кетаётганда эгачиси Хонзода Бегим “Шайбонийхон ил-кига тушган” эди ва таомилга кўра, теурий аслзодаларга кўрсатиладиган иззат-икром билан Шайбонийхон уни ўзига никоҳлаб олган эди. Бирок тарихчи Ҳайдар Мирзо Дўғлатнинг гувоҳлик беришича, бу никоҳ Бобур Мирзонинг шаҳардан оила аъзолари билан эсон-омон бош олиб чиқиб кетиши учун Шайбонийхон томонидан қўйилган

шартлардан бири бўлган. Унинг ёзишича, Бобур Мирзонинг қаршилик кўрсатишга ҳеч чораси қолмай, Шоҳибек билан сулҳ тузиб, опаси Хонзода Бегимни унга берган эди.

Бу ҳолни ўз хотираномасида Гулбадан Бегим ҳам тасдиқлаб, “Охир Хонзода Бегимни ўша хонга бериб, ўзлари қайтишлари зарур бўлди”,¹ – деб ёзади. Бу никоҳдан бир ўғил дунёга келди ва унга Хуррамшоҳ деб исм қўйдилар. Бирок бу никоҳ узок давом этмади. Эри билан бўладиган зиддиятли мунозараларда Хонзода Бегим кўпинча укаси Бобур Мирзо шаънини ҳимоя қилиш пайида бўларди. Бу ҳол эса Шайбонийхоннинг шубҳасига сабаб бўлар ва: “бир кун келиб укаси билан тил бириктириб менга панд бермасин”, деган шубҳа билан Хонзода Бегимни талок қилади ва кўп ўтмай ўз қўшинида куйроқ мансабдаги Сайид Хўжа исмли суворийга никоҳлаб беради. Бирок Марв ёнидаги Шоҳ Исмоил билан бўлган даҳшатли жангда Сайид Хўжа ва Шайбонийхон бирга ҳалок бўлади.

1511 йилда Хонзода Бегим Шоҳ Исмоилнинг ёрдами билан укаси Бобуршоҳ хузурига қайтгач, кўп ўтмай ўғли Хуррамшоҳ 10 ёшида хасталик туфайли вафот этади ва уни Бобуршоҳ саройидаги амалдор беклардан Зиёд Маҳди Хўжага турмушга берадилар. Бу воқеа тарихчи олима А. Бевериж хонимнинг тахминича, “Бобурнома”нинг узилиб қолган йиллари – 1509–1519 йиллар

¹ Қаранг: «Хумоюннома», Тошкент, 1959, 25-бет. Форсча нусхасидан С. Азимжонова таржимаси.

оралиғида бўлиб ўтган бўлиши керак. Гулбадан Бегим ўзининг хотираномасида аммаси Хонзода Бегимни эъзозлаб, энг азиз кишиси сифатида “око жоним”, дея тилга олади.

Хонзода Бегим ҳаётнинг барча иссиқ-совуғини бошдан кечирган аслзода темурий маликалардандир. У 1545 йилда Кобул яқинидаги Кобулхак деган жойда фоний дунё билан видолашди.

ГУЛБАДАН БЕГИМ

Тулбадан Бегим Бобуршоҳнинг қизи бўлиб, у 1522 йилда Кобул яқинидаги Кобулхак деган жойда туғилган. Онаси Дилдор Оғача Бегим номи билан танилган бўлиб, у маликанинг асли исми Солиҳа Султон Бегим эди. Шахзодалар Ҳиндол Мирзо, Олур Мирзо ҳамда маликалар Гулранг Бегим, Гулчеҳра Бегимлар ҳам ана шу маликадан туғилган.

Бобуршоҳнинг хотинлари орасида Ҳумоюн Мирзонинг онаси Моҳим Бегим билимли, ақл-заковатли ва доно аёл бўлиб, сарой аъёнлари орасида катта обрў ва иззат-икромга сазовор бўлган малика эди. Шунинг учун бўлса керак, Бобуршоҳнинг фармони-га биноан 1525 йилда Гулбадан Бегим билан Ҳиндол Мирзо Моҳим Бегим тарбиясига берилган эди. Бу ҳақда «Бобурнома»да ҳам маълумотлар бор.

Гулбадан Бегим ҳар иккала онасини ҳам баравар ҳурмат-эҳтиром билан эъзозлайди. «Ҳумоюннома» асарида тукқан онаси-

ни кўпинча «Дилдор Бегим» деб тилга олса. Мохим Бегимни «Онам хазратлари» деб хурматлайди. Отаси Бобуршоҳни эса «Фирдавс макон ва жаннат ошиён» деб таърифлайди.

Гулбадан етти ёшга киргунча Кобулда Мохим Бегим хузурида яшади ва 1529 йилда подшоҳ отасининг таклифига биноан Мохим Бегим билан Ҳиндистонга (Аграга) отаси хузурига кўчиб келди ва умрининг қолган қисми Ҳиндистон билан боғлиқ ҳолда кечди. Кейинги воқеалар тафсилотлари «Хумоюннома» да муфассал ёритиб берилган. 1539 йилда Гулбадан Бегимни Хумоюншоҳ саройидаги амалдорлардан бўлган Хўжа Хизирхонга турмушга узатдилар ва бу никоҳдан бир ўғил фарзанд туғилиб, унга Саодатёр деб исм қўядилар.

Гулбадан Бегим юксак идрокли, ўткир фаросатли, тадбиркор ва ноёб ақл-заковат соҳибаси бўлганидан ўз даврининг етук билимдони ва олимаси бўлиб етишди. Турмушга чиққандан кейин ҳам акаси Хумоюншоҳ саройида унинг энг яқин маслаҳатгўйи ва давлат ишларини юритишда кўмакчиси бўлиб, давлат микёсидаги дипломатик ишларда иштирок этар, мунозарали масалаларни ҳал этишда доно маслаҳатлари билан ёрдамлашар эди. Хумоюншоҳ ҳаётининг қувғинда, кийинчиликда кечган кезларида ҳам унинг содиқ ҳамроҳи, ҳамдарди ва маслакдоши бўлиб қолаверди. 1556 йилда Хумоюншоҳнинг тасодифий ўлимидан кейин ёш шаҳзода Акбар Мирзо тахтга чиқади. Шун-

дан сўнг ҳам подшоҳнинг онаси Ҳамидабону Бегим билан бир каторда ёш подшоҳнинг маслаҳатгўйи ва маслакдоши мавкеида бўлиб, сарой аъёнлари орасида катта ҳурмат ва эҳтиромга сазовор бўлди. Акбаршоҳ томонидан «Фирдавс макон ва жаннат ошиён хазрат (Бобуршоҳ – Ғ.С.) ҳақидаги воқеалардан нимаики билсангиз ёзингиз», деган топширғидан кейин «Ҳумоюннома»ни ёзишга киришган эди.

Бу асарда баён этилган воқеалар муаллифнинг шахсий ҳаёти билан бевосита боғлиқ ҳолда кечган бўлса ҳам, у ўзи ҳақида кам гапириб, асосан, отаси Бобуршоҳ ва акаси Ҳумоюншоҳ ҳаётидан лавҳалар, саройдаги аркони давлат турмуш тарзидан намуналар, подшоҳ оиласидаги удумлар, подшоҳнинг оила аъзолари ва қариндошларига, сарой аъёнларига, амиру бекларга муносабатлари ҳамда уларнинг шахсий феъл-атворини акс эттирувчи мисоллар келтиради. Бўлиб ўтган воқеалар асарда тўғри баҳоланган ва уларнинг иштирокчиларига ҳаққоний тавсиф берилган. Муаллиф ўз даврининг етук суҳандонларидан бўлгани учун асар тушунарли ва равон тилда ёзилган. Ундан Ҳумоюншоҳ хукмронлиги давридаги воқеалар ҳақида қимматли маълумот олиш мумкин. Машҳур бобуршунос олима Сабоҳат Азимжонова таъкидлаганларидек¹, Бобуршоҳ вафотидан кейин ҳам давлат тили форс тили бўлиб

¹ Қаранг: (С. Азимжонова. Гулбадан Бегим. «Ҳумоюннома», Т., 1959, 23-бет).

колган бўлса-да, саройда тарихда «чиғатой тили» деб ном олган эски ўзбек адабий тилида гаплашилиб, Бобур қайд қилган Андижон диалектида шеър ёзувчи шоирлар тўпланган.

Улуғ Лутфий, буюк Алишер Навоий, машҳур Заҳириддин Муҳаммад Бобур асос солган маданий муҳитдан нафас олиб вояга етган Гулбадан Бегим ўз асарида ўзбек тилига хос кўплаб ибораларни ва айрим ҳолларда эса, мукаммал жумлаларни келтиради. Шу билан бир қаторда асарда хинд ва урду тилларидан кирган иборалар ҳам учрайди. Бу ҳол «Хумоюннома»нинг тарих, адабиёт, тил тарихи, этнографияни ўрганувчилар учун муҳим манба эканидан далолат беради. Асар мароқ билан ўқилади. Айрим манбаларда Гулбадан Бегимнинг ғазаллар битгани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Акбаршоҳ саройининг тарихчиси, ўз даврининг етук уламоларидан бўлмиш Абул Фазлнинг «Акбарнома» асарида ёзишича, Гулбадан Бегим 1575 йилда Маккаи муқаррамага ҳаж сафарига борган ва 1582 йилда қайтиб келган. Акбаршоҳ саройида унга катта нафақа тайинланиб, махсус хизматкорлар берилган, 1603 йилда 80 ёшида вафот этган. Уни дафн этиш маросимида Акбаршоҳ аммасига бўлган фарзандлик бурчини адо этиб, марҳуманинг тобутини қабристонгача кўтариб борган.

НУР ЖАҲОН БЕГИМ

Жур Жаҳон Бегим наслий жиҳатдан бобурий маликалар тоифасидан бўлмасам, Ҳиндистонда ҳукм сурган бобурий подшоҳларнинг учинчи авлоди бўлмиш Жаҳонгиршоҳнинг иккинчи хотини бўлган эди. Унинг асл исми Меҳринисо бўлиб, отаси Мирзо Ғиёсбекнинг келиб чиқиши эронлик эди. Мирзо Ғиёсбекнинг отаси Хўжа Муҳаммад Шариф исмли киши бўлиб, Эрон шоҳи Шоҳ Таҳмосп ҳукмронлиги даврида Язд калъасида доруғалик қилар эди. Унинг вафотидан сўнг, ўғли Мирзо Ғиёсбекка мусибатли кунларни бошидан кечиришга тўғри келди ва отасининг дўстларидан бўлган карвонбоши Малик Масъуднинг ёрдами билан 1577 йилда оиласини кўчириб, Ҳиндистонга йўл олди. Карвон Қандаҳорга келиб тин олиш учун тўхтаганда Мирзо Ғиёсбекнинг хомиладор хотини кўз ёриб бир киз дунёга келди. Унга Меҳринисо деб исм қўйдилар. Шундан сўнг карвонбоши Малик Маъсуд Мирзо Ғиёсбекни Ҳиндистонга олиб келиб танишлари орқали Акбаршоҳ саройига хизматга жойлаштириб қўйди.

Табиатан анча қобилиятли ва шоиртабиат киши бўлганлиги туфайли Мирзо Ғиёсбек тез орада арқони давлат назарига тушиб Қобул саройида девонбеги лавозимига тайинланди ва кейинчалик садоқатли хизматлари туфайли Жаҳонгиршоҳ саройида «Эътимод-уд-давла» (Давлат таянчи) унвонига сазовор бўлиб, бош вазир даражасигача кўтарилди.

1594 йилда 17 ёшга тўлган Меҳринисони шаҳзода Салимнинг хизматида бўлган Аликулибек Истижлу исмли эронлик бир саргузашталаб йигитга турмушга бердилар. Табиатан жасур ва довюрак бўлган бу йигит шаҳзода Салимнинг ҳаётига чанг солаётган даҳшатли йўлбарсни ўлдиргани учун 1599 йилда шаҳзода Салим унга «Шерафган» деган лақаб берган. 1602 йилда шаҳзода Салим отасига қарши исён кўтарганда Аликулибек Шаҳзода Салим хизматидан қочиб, Акбаршоҳ ҳузурига борган эди. Акбаршоҳ вафотидан сўнг Салим Жаҳонгир номи билан тахт вориси сифатида салтанат тахтини эгаллагач, Аликулибекнинг гуноҳидан кечди ва уни узок Бенгалиянинг Бурдван вилоятига маҳаллий афғонларнинг исёнини бостириш учун юборди. Бу ишни муваффақият билан уддалагани учун унга ўша ердан катта жогир (*ер-мулк*) ажратиб берилди ва шу жойда яшашига тўғри келди.

Бундай муносабат, яъни марказдан четлаштирилгани учун ранжиган Аликулибек ўзига юклатилган вазифага совуққонлик билан қарай бошлади. Подшоҳнинг фармонига кўра 1507 йилда Бенгалияга янги ҳоким этиб тайинланган Қутбиддин Аликулибекни ўз ҳузурига чақиртириб, бу борада унга танбеҳ бермокчи бўлган. Бундан ғазабланган Аликулибек қиличи билан уни чопиб ташламокчи бўлади. Бу машъум ниятни пайқаб қолган Қутбиддиннинг соқчилари ташланиб, бир ҳамла билан Аликулибекни чопиб ташлайди.

Аликулибекнинг бева қолган хотини Меҳринисо ва қизи Лодила эса маҳбус сифатида Аграга жўнатилади. Бу ерда Меҳринисо Акбаршоҳнинг беваси Салима Бегим хизматида берилади. 1611 йилнинг наврўз байрами нишонланаётган кунларнинг бирида ҳарам аҳли учун ташкил қилинган савдо расталаридан бирида Жаҳонгиршоҳ Меҳринисони кўриб, унга ошику бекарор бўлиб қолади ва ўша заҳотиёқ унга уйланишга қарор қилади. Март ойининг охирида тўй тантаналари бўлиб ўтади. Янги маликага эътиқоди юксак бўлган Жаҳонгиршоҳ кўп ўтмай уни дастлаб «Нур маҳал», кейинроқ эса «Нур Жаҳон» деган ном билан атай бошлайди.

Тарихий манбаларда Жаҳонгирнинг Меҳринисога уйланиши ва унинг аввалги эри бўлмиш Аликулибекнинг сирли тарзда ўлдирилиши ҳақида бир-бирига зид бўлган турлича фикрлар билдирилади. Бир гуруҳ тарихнавислар (Р.Трипати, С. Р. Шарма, Бени Прасад ва бошқалар) Жаҳонгиршоҳ Меҳринисони 1611 йилги наврўз тантаналарида кўриб қолиб ўша ондаёқ унга уйланишга қарор қилгани ва унинг собиқ эри Аликулибекнинг ўлимига алоқаси йўқлигини таъкидлайди. Яна бошқа бир гуруҳ тарихчилар (Ишвари Прасад, Нина Эптон, голландиялик сайёҳ Де Лаэт) эса Жаҳонгир шахзодалик пайтидаёқ ҳарам хизматида бўлган Меҳринисони бозорда кўриб қолиб, шу ондаёқ севиб қолгани ва унга уйланишни ният қилгани, бироқ отаси Акбаршоҳ бу тенгсиз никоҳга розилик бермагани учун ўз

ниятини унинг вафотидан сўнгина рўёбга чиқариш имконига эга бўлганини, ана шу ниятини амалга ошириш мақсадида махсус топшириқ билан Алиқулибекни хуфиёна ўлдиртириб, Меҳринисони қўлга киритганини тахмин қилишади. Ҳар хил гап-сўзларнинг олдини олиш учун Алиқулибекнинг ўлиmidан кейин тўрт йил вақт ўтгачгина тўй қилингани алоҳида таъкидланади.

Биринчи фикр тарафдорларининг тахминига кўра, Жаҳонгир шаҳзодалик пайтида Меҳринисони билмаган, чунки улар ўртасидаги ишқий можаро ҳақида ўша даврда яратилган ёзма манбаларда бу ҳақда фикр билдирилмаган. Бунинг устига, агар Акбаршоҳ шаҳзода Салимнинг Меҳринисога ошиқ эканидан хабардор бўлганда, Алиқулибекни шаҳзода хизматига қўймаган бўлар эди ва кейинчалик шаҳзода Салим тахтни эгаллагач, Алиқулибекни мансабга тайинламаган бўлар эди.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, Алиқулибекнинг ўлдирилишида Жаҳонгирнинг кўли бўлганда, қатъий ирода эгаси Меҳринисо Жаҳонгирга турмушга чиқмаган ва унга садоқатли хотин бўлмаган бўларди. Эрининг ўлиmidан кейин Меҳринисонинг ҳарамга келтирилишига сабаб шуки, унинг отаси Мирзо Ғиёсбек ва акаси Асафхонлар ўша пайтда саройда масъул лавозимларда хизмат қилар эди.

Иккинчи фикр тарафдорларига келсак, улар шаҳзода Салим билан Меҳринисо ўрта-

сида ёшлигиданок ишкий можаролар бўлиб ўтгани, бироқ Меҳринисо Аликулибекка унаштириб қўйилгани учун Акбаршоҳ бу тенгсиз никоҳга рози бўлмагани, шунинг учун ҳам тахтни эгаллагандан сўнг, Жаҳонгир Аликулибекдан кутулиш мақсадида уни узок Бенгалияга сургун қилиб, у ерда бошқаларнинг қўли билан уни ўлдиртиргани таъкидланади.

Уларнинг фикрича, ота-онаси ва акаси тирик туриб Меҳринисонинг Акбаршоҳнинг беваси бўлмиш Салима Бегим хизматига берилиши, албатта, кишида шубҳа уйғотади. Меҳринисо саройга келтирилгандан кейин орадан тўрт йил ўтгач қилинган тўй эса, атрофдагиларнинг Аликулибекнинг ўлими тафсилотлари ҳақидаги шубҳаларини сўндириш учун зарур бўлиб, тўй маросими атайин кечиктирилган эди.

Бу воқеалар тафсилотлари ҳеч қайси бир ёзма манбаларда зикр этилмаган. Кундалик ҳаётининг ҳар бир дақиқасини баён қилиб ёзиб қолдирган Жаҳонгиршоҳ ўзининг машҳур «Тузуки Жаҳонгири» деб аталган хотираномасида ҳам Аликулибекнинг ўлими ва ўзининг Меҳринисога уйланиши тафсилотлари ҳақида лом-мим демайди. Ўша даврнинг бошқа тарихчилари (асосан сарой тарихчилари бўлгани учунми) эса подшоҳнинг оилавий ҳаёти ҳақида холис фикр билдиришга, табиийки, журъат эта олмаган бўлишлари мумкин.

Меҳринисо Жаҳонгиршоҳга турмушга чиққанда ўттиз тўрт ёшда бўлишига қарамай,

Ўзининг ноёб гўзаллигини саклаб қолган эди. Сарой ҳарамда Мумтоз Маҳалнинг шахсий хизматида бўлган Саттинисо исмли оқсоч аёлнинг таърифлашига қараганда¹, унинг юзи оппоқ ва бироз чўзинчокроқ бўлиб, бодом ковоқлари қалин ва қоп-қора қошларига жуда ярашиб турар, хушбичим лаблари эса бир оз юпқароқ, нозик ияги остидан бақбақаси билинар-билинемас сезилиб турар, йўғон килиб ўрилган тим қора сочлари тақимиға тушиб турган. Унинг ўткир ақл, кучли ирода ва чексиз ғайрат-шижоат эгаси экани тийрак кўзларидан, юриш-туришларидан, атрофдагиларға қилган муомаласидан аниқ кўриниб турар эди. У ўқимишли ва ўта маданиятли аёл бўлиб, шеърият, мусиқа ҳамда тасвирий санъатни жуда яхши кўрар, гўзаллик ва нафосатни жуда кадрлар, форсийда «Махфий» таҳаллуси билан ғазаллар ҳам битиб турар эди. Унинг ғазаллари исломий ғазаллар мажмуасига ҳам киритилган. Рассомлик санъатига ихлоси баландлигидан акаси Асафхоннинг қизи Аржумандбонуни шахзода Хуррамға узатишдан олдин бўлажак келиннинг суратини ўз қўли билан чизиб шахзодаға кўрсатган. У гуллардан гулчамбарлар ва хушбўй атирлар тайёрлаш ишини ҳам яхши ўзлаштирган бўлиб, манбаларнинг гувоҳлик беришича, «Атри Жаҳонгирий» атири ҳамда гулобнинг ихтирочиси ҳам Нур Жаҳоннинг ўзи бўлган экан.

¹ Қаранг: Нина Эптон. «Менинг севимли маликам Мумтоз Маҳал». Инглиз тилида. Nina Epton «My beloved Empress Mumtoz Mahal», Delhi, 1994.

Табиатан ғайратли аёл бўлганидан ёшлигиданок чавандозлик ва камонбозлик машқларида фаол катнашар, атрофидаги ёш маликаларни ҳам шунга чорлар эди. Фикр доираси кенг ва тасаввури бекиёс бўлганидан янги бичимдаги либослар, янги нусхадаги тақинчок ва безаклар лойиҳасини кашф этар ҳамда тикиладиган сарполар учун дид билан мато танлар эди.

Жаҳонгиршоҳга турмушга чиқкандан кейин икки йил ўтмаёк Мехринисо Подшоҳ Бегим макомига эга бўлди. Дастлаб «Нури Маҳал» (Сарой чироғи) ва кейинрок «Нури Жаҳон» (Жаҳон чироғи) унвони берилди. Маъмурий ишларни ҳал этишда ҳам анча лаёкатли бўлиб, ҳал қилиниши лозим бўлган сиёсий ва дипломатик муаммоларнинг ечим нуктасини зукколик билан топар ва баҳслашувчи томонларга холисона муносабатда бўларди. Давлат аҳамиятига молик ишларни ҳам адолат билан ҳал этишга интилан. Подшоҳнинг қабул маросимларида номаҳрамлар назаридан парда билан тўсиб кўйилган махсус жойда ўтириб иштирок этар эди. Подшоҳ номидан чиқариладиган фармони олийга унинг билан ёнма-ён имзо кўйган. Ўша даврда зарб қилинган пулларга унинг ҳам акси туширилган. Чунки Жаҳонгиршоҳ маишатга берилиб кетган ёки бетоб бўлган пайтларда фармонларга ўзи имзо кўяр ва бу ҳужжат салтанат худудидида конун кучига эга, деб тан олинар эди. Давлат аҳамиятига молик бўлган биронта ҳужжат Нур Жаҳон-

нинг розилигисиз қабул қилинмас, ёши ўтиб, соғлиги ёмонлашиб бораётган Жаҳонгиршоҳ эса бунга монелик қилмас, аксинча, бутун салтанат ишларини суюкли маликасига ишониб топшириб қўйган эди.

Нур Жаҳоннинг подшоҳ эрига бўлган садоқатининг чеки йўқ эди. Ўғли шаҳзода Хуррам, унинг рафиқаси Аржумандбону, Нур Жаҳон ва оқсоч аёл Саттинисо иштирок этган ҳарамдаги суҳбатларнинг бирида мусулмончиликдаги кўп хотинлилик ҳақида гап кетганда, шаҳзода Хуррам, эркак кишининг нечта хотини бўлишидан қатъи назар, улардан биттаси энг суюклиси бўлишини алоҳида таъкидлаб айтган. Унинг бу фикрига қўшилиб, Жаҳонгир Меҳринисога уйлангандан кейингина ҳақиқий лаззатли оила қандай бўлишини тушунганини айтган. Ўшанда уялганидан қизариб кетган Нур Жаҳон ҳақида гапириб оқсоч Саттинисо: *«Шундай кучли ирода эгаси бўлган бу аёлнинг гандан қизариб кетганини ўшанда биринчи бор кўришим эди»*, деб ҳикоя қилади.

Нур Жаҳон жисмонан бақувват ва шижоатли аёл бўлганидан эри билан тез-тез шикорга чиқиб турар, мўлжалга олган ҳайвон ёки паррандани беҳато урар эди. Ов пайтида бир неча бор йўлбарсларни ҳам аниқ мўлжалга олиб, отиб ўлдирган экан. Ҳарбий саркардалардан бўлмиш лашкарбоши Маҳобатхон исён кўтариб Жаҳонгир кетаётган карвонни ҳибсга олганда Нур Жаҳон шижоат билан жангчи филга минганича, ўз ҳаётини

тахлика остида колдириб, эрини хибсдан кутқарган. Ўшанда ўз акаси бўлмиш бош вазир Асафхонга ношудлиги учун каттик танбех бериб, сарбозларнинг кўзи олдида жеркиб ташлаган. Зарур ҳолатларда унинг уддабуронлик билан ноқулай вазиятдан усталик билан чикиб кетиш қобилиятига амиру беклар ҳам лол қолишар эди.

Шу билан бир каторда Нур Жаҳон етим-есирлар ва ғарибу ғураболарга доим ғамхўрлик қилиб турар эди. Айниқса, мусулмон етим қизларни куёвга чиқаришда уларнинг сепларини ўз ҳисобидан қилиб берган. Жаҳонгир ўзининг хотираномасида ёзишича, 500 дан ортиқ етим қизлар Нур Жаҳон паноҳида бўлган ва турмушга узатилган.

Нур Жаҳон ўз қариндошларини ҳам салтанатдаги юкори лавозимлар билан сийлаб, отаси Мирзо Ғиёсбек малика кизининг ғамхўрлиги туфайли «Эътимод-уд-давлат» (Давлат таянчи) унвонига эришди ва саройда давлат маслаҳатчиси мақомидаги лавозимда, акаси Асафхон эса дастлаб сарой доруғаси, кейинроқ эса бош вазир мансабини эгаллаган. Аввалги эри Алиқулибекдан бўлган қизи Лодила Бегимни шахзода Шаҳриёрга никохлаб бергач, уни ҳам совға-саломлару, мансабу унвонларга кўмиб ташлаган эди.

Жаҳонгир ҳаётининг охиригидан даврига келиб, Нур Жаҳон салтанатнинг ҳақиқий ҳукмдорига айланиб қолган эди. У жуда пухта иш қилар ва ҳар бир ишни белгиланган вақтда бажарар эди. Унинг шахсий савдо дўконлари

ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда шахсий кemasи бўлиб, бу кема ҳаж сафарига борувчиларни ташиш билан шуғулланган.

Нур Жаҳон саройга келгач, сарой дабдабаларига сарфланадиган сарф-харажатлар кескин ортиб кетди. Шундан кейин у сарой аъёнларининг маълум муддатда ва маросимларда подшоҳга қимматбаҳо совға ва ҳадялар инъом этиш тартибини йўлга қўйди. Аркони давлатнинг энг ўзига ишонган амиру беклари ҳам унга илтижо кўзи билан қарар, унинг ғазабига дучор бўлишдан чўчиб турар эди. Подшоҳдан норози бўлиб исён кўтаргани учун ўлимга маҳкум этилганларнинг кўплари Нур Жаҳонга қилган илтижолари туфайли боши омон қолган эди. Панжоб ҳокими Жагат Сингх ҳам ана шундайлардан бири бўлган.

Беайб Парвардигор деганларидек, Нур Жаҳон ҳам инсонга хос камчиликлардан холи эмас эди. У ўта рашкчи ва қизғанчиқ бўлиб, мансаб доирасида бошқаларнинг ўзига яқин мавқеда туришини, бировнинг ундаги ҳокимиятга шерик бўлишини сира-сира истамас, чунки бу ҳол ўзининг мавқеига путур етказиб қўйишидан хавфсирар эди.

Нур Жаҳон дастлаб ҳокимият эгаси мақомига кўтарилган пайтда ота-онаси ҳали ҳаёт бўлиб, улар унинг ҳаддан ошиб кетишдан тийиб турар эди. Бу пайтда у шахзода Хуррам (Шоҳ Жаҳон) билан анча иноқ бўлган. Шунинг учун ҳам акаси Асафхоннинг қизи бўлмиш Аржумандбонуни ўзи бош-қош

бўлиб шаҳзодага иккинчи хотин сифатида тўй-тантаналар билан олиб берган.

1621 йилда онаси, 1622 йилда отаси оламдан ўтгач, Нур Жаҳоннинг ҳокимиятга бўлган иштаҳасини ҳеч ким жиловлашга журъат эта олмай қолди. У мавжуд қонун ва тартибларга бўйсунганини, атрофдагиларнинг фикри билан ҳисоблашишни истамас эди. Девондаги қабул маросимларида ёки муҳим масалалар муҳокама қилинаётган пайтда номаҳрамлар назаридан парда билан тўсиб қўйилган холи жойдан туриб бемалол ўз норозилигини билдираверар эди.

Алиқулибекдан бўлган кизини кичик шаҳзода Шаҳриёрга турмушга бергач, Нур Жаҳон, Жаҳонгир вафотидан кейин ҳам ҳокимиятни ўз ихтиёрида сақлаб қолиш иштиёқида ёна бошлаган эди. Бунинг учун эса тахтга қуёви Шаҳриёрни чиқариш керак эди. Шунинг учун ҳам асосий тахт даъвогарини Шох Жаҳоннинг тахт сари интилишларида унинг йўлига турли ғовлар солар, арқони давлат назарида уни обрўсизлантириш учун ҳар хил миш-мишлар ва найранглар тўкиб чиқара бошлаган. Ўз ниятига етиш йўлида Шох Жаҳоннинг гўдак ўғиллари Доро Шуқух, Шох Шужо ва Аврангзебларни гаров сифатида саройда тутиб туришдан ҳам тоймади. Чунки тахт Шох Жаҳон қўлига ўтгач, ўзининг ҳокимиятдан четлатилишига ишончи қомил эди. Шундай бўлди ҳам. Шох Жаҳон тахтни эгаллагач, қайнатаси Асафхон билан маслаҳатлашиб, Нур Жаҳонни давлат

ишларидан умуман четлатди. Унга нафақа тайинланди ва қолган умрини эрининг мақбарасини қуриш ишлари билан овора бўлиб, Лоҳурда, ўзига ёққан хизматкорлари қуршовида ўтказди ва 1645 йилда оламдан ўтди.

МУМТОЗ МАҲАЛ БЕГИМ

Мумтоз Маҳал Бегим юқорида айтганимиздек, Шоҳ Жаҳоннинг энг севимли маликаси бўлиб, асл исми Аржумандбону эди. Унинг отаси Асафхон эронлик Мирзо Гиёсбекнинг ўғли бўлиб, Жаҳонгиршоҳ ва Шоҳ Жаҳон саройида отаси билан бир қаторда обрўли лавозимларда хизмат қилган, умрининг охирига келиб бош вазир даражасига кўтарилган.

Аржумандбону 1594 йилда туғилган. Отаси унинг мукаммал билим олиши учун барча шароитни яратиб берган. У араб, форс ва ҳинд тилларини мукаммал билар, ўткир заковати туфайли Қуръони каримни ёд олган эди. У маданиятли ва ўта одобли қиз бўлиш билан бир қаторда, жуда гўзал ва ифбатли эди.

Ҳинд адибаси Нина Эптоннинг юқорида номи зикр этилган асарида айтилишича, балоғат ёшига етгач, турмушга узатилиш арафасида унга Саттинисо исмли мусулмон қиз шахсий хизматкор (оқсоч) қилиб тайинлаб берилган. Ушбу асарнинг асосий қаҳрамони ўша Саттинисо бўлиб, воқеалар унинг тилидан Аржумандбонунинг энг ки-

чик кизи (ўн тўртинчи фарзанди) Гавҳараро Бегимга хикоя қилиб берилган.

Саттинисо Аржумандбонуни биринчи кўришдаги таассуротини шундай таърифлайди: «Менинг диққатимни тортган биринчи нарса унинг Жамна дарёси устида эрта тонгда пайдо бўладиган туманни аста тарқатиб юқори кўтарилаётган қуёш нурларидек илқ ва майин жилмайиши бўлди. Унга табиат кишида ҳайратомуз ҳавас уйғотадиган камтарона гўзаллик ҳадя этган эди. Ҳар қандай одамни мафтун эта оладиган жозибаси борлигидан унинг ўзи ҳам хабардор эмасга ўхшарди, назаримда. Унга гўзаллик бахш этадиган нарсаларнинг энг муҳими – ёниб турган катта-катта кўзлари-ю юзининг майин ифодаси, белигача тушиб турган қопқора ялтироқ сочлари, қалин, қип-қизил лаблари эди. Унинг бадани майин, етилиб пишган ўрик рангида бўлиб, ияги бир оз чўзиқроқ, унинг остидан сезилар-сезилмас бақбақаси кўзга ташиланиб турарди. Ўнг ёноғида чиройли кулдиргич чуқурчаси бўлиб, бу унинг икки хислатидан: биринчиси, нозик қалбида яшириниб ётган кучли иродасидан, иккинчи томондан, табассумга мойиллиги ва ҳаёт неъматларидан лаззатлана олиш кайфиятидан гувоҳлик бериб турарди. Қўллари кичикроқ, бармоқлари калта ва бақувват бўлиб, бу ҳол эгасининг саховатли ва маҳоратли эканидан далолат бериб турар эди. Ҳаракатлари оҳуникидек нозик ва ёқимли, овози эса майин ва сероҳанг эди».

1611 йилнинг 26 июнида Аржумандбонуни Жаҳонгиршоҳнинг иккинчи ўғли шахзода Хуррамга катта тантаналар билан куёвга узатдилар.

Ҳиндистонда кенг тарқалган одатга кўра, Фотехпур Секри (Ғолиблар шаҳри)да истиқомат қилувчи машҳур мунажжим мўйсафид чолга Аржумандбонунинг келажагини башорат қилиб беришларини сўраб мурожаат этишганда, бу авлиё чол: *«Сен жуда машҳур бўласан, бироқ бошқа ном билан таниласан»*, – деган экан. Саттинисонинг фикрича, ўшанда бу авлиё яна нималардир демокчи бўлган-у, аммо қандайдир андишаларга бориб фикрини очик айтмаган.

Ҳақиқатан ҳам Аржумандбону турмушга чиққандан кейин кўп ўтмай ўзининг бетакрор гўзаллиги, ахлоқу одоби, аёллик иффати, ҳаёси ва назокати билан, шунингдек, эрига бўлган соф севгиси ва садоқати, фарзандларига меҳру муҳаббати, атрофдагиларга самимий муносабати ва меҳр-шафқати туйғайли сарой аёнлари, ҳарам аҳли ва айниқса, қайнатаси Жаҳонгиршоҳ назарида катта обрў қозонган.

Аржумандбону табиатан жуда камтар ва художўй аёл бўлиб, мусулмончиликнинг барча удум ва эътиқодларини садоқат ва ихлос билан адо этар, бу борада эрига ҳам катта таъсир кўрсатар эди. (Чунки шахзода Хуррамнинг онаси маҳаллий ҳинд рожасининг кизи бўлиб, Будда динига сиғинган.)

Саройдаги ҳаётининг дастлабки даврида махсус ажратилган тарбиячилар ва хизмат-

корлари бўлишига қарамай, фарзандлари тарбияси билан шахсан ўзи шуғулланар, тўнғич чакалок кизи Чаманийни ўзи чўмилтирар, иккинчи кизи Жаҳоноро иккаласига кечалари эринмай эртақлар ва топишмоқлар айтиб беришга жуда моҳир эди.

Шоҳ Жаҳоннинг бизга маълум бўлган барча фарзандлари Аржумандбонудан туғилган. У унча узоқ бўлмаган умрининг охиригача жами ўн тўртта фарзанд кўрган, бироқ уларнинг еттитаси гўдаклигидаёқ турли касалликларга чалиниб оламдан ўтган. Энг катта кизи Чаманий вафот этганда у жуда қаттиқ изтироб чеккан ва бир неча кунгача туз тотмай аза тутган. Бўш пайтларида жажжи набирасини суюб эркалатиш подшоҳ бобоси Жаҳонгирнинг ҳам севимли машғулотларидан бўлиб колган эди. Набираси Чаманийнинг вафоти ҳақида у ўз хотираномасида: *«Унинг жон қуши нозик қафасдан учиб чиқиб жаннат боғларига бориб қўнди»*, деб ёзган эди. Келини Аржумандбонуни ҳар кўрганда унинг қайғусидан юраги эзилиб, кўнгли бузилавергач, ховли ўртасидан девор олдириб қўйган.

Аржумандбону шахзода Хуррамнинг барча ҳарбий юришларида унга ҳамроҳлик қилар, унинг қувончли ва ташвишли кунларида шерик бўлар, зарур ўринларда оқилона маслаҳатлари билан эрининг муваффақиятларига сабабчи бўлар эди.

Эри жангга отланган кезларда унинг соvuти ичидан кийиладиган кийимларига Қуръони каримдан олинган оятларни ёзиб

тумор килиб берар, эри кайтгунча кечалари мижжа кокмай унга Оллохдан паноҳ тилаб тиловат килиб чикарди.

Ана шундай кутишлардан токати ток бўлиб ўтирган кунлардан бирида Аржумандбонунинг бир оз кўнглини ёзиш ниятида қайнатаси Жаҳонгиршоҳ ўлимга маҳкум этилган бир маҳбус билан фил ўртасида бўладиган жангни томоша қилишга таклиф қилиб қолади. Аржумандбону ўша кезларда ҳомиладор бўлиб, яқинда кўз ёриши кутилаётганди. Ўшанда табиатан ўта иримчи бўлган малика бундай ҳолатда филдек бадбашара маҳлукқа узоқ тикилиб туриш унга мумкин эмаслигини, акс ҳолда туғилажак чақалоғи ҳиндлар худоси Ганешга ўхшаб филбашара бўлиб туғилишидан чўчишини айтиб, бу мудҳиш томошага бора олмаслигини билдирган ва қайнотасидан узр сўраган. Айтишларича, ўша даҳшатли жанг шартларига биноан, фил билан бўлган жангда ўлимга маҳкум этилган маҳбус филдан ғолиб чикиб, ўз жонини асраб қолган экан.

Табиатан жасур ва ғайрат-шижоатли аёл бўлишига карамай, Аржумандбону ҳайвонот оламига нисбатан жуда меҳр-шафқатли ва раҳмдил аёл бўлган. Хизматкори Сатгинисо билан бўлган суҳбатларнинг бирида у шундай деган эди: *«Мен бир пайтлар шикорда она кийикни мўлжалга олиб, отиб йиқитган эдим. Унинг олдига етиб боргач, жон талвасасида ётган юзига тикилиб туриб ички кечинмаларини уққандай бўлдим: у уясида қолдириб келган ёш болаларининг*

ташвишида кўз ёш тўкаётган эди. Шу-шу бўлди-ю, ўзимни йиртқич ҳайвондан ҳимоя қилиш зарурати бўлмаса, тирик махлуқотни ўлдиргим келмайди».

Унга отаси бир турк савдогаридан сотиб олиб совга қилган Ванна исмли мушуги ва Бахти исмли фили бор эди. Малика барча юриш ва сафарларида уларни ҳам ўзи билан бирга олиб юрарди.

Унинг эрига бўлган садоқати чексиз бўлган. Ҳарбий юришлардан бирига жўнашдан олдин шахзода Хуррам Аржумандбонудан бу сафарги жанг хавfli эканини айтиб, унинг хавфсизроқ қасрлардан бирида қолишини сўраганда: «Мен сизнинг қаерда ва қай аҳволда эканингизни билолмасам, менга шоҳона ҳаётнинг нима кераги бор? Бундан менинг ҳаловат топишимга ишонасизми? Танграм асрасину, бордию зиндонга тушсангиз, мен ҳам сиз билан бирга бўламан. Менинг тақдирим – яхшими, ёмонми – фақат сиз билан. Сиздан ажралмайман», – деб жавоб берган. У канизаги Саттинисога ҳам кўпинча «Хуррамсиз ҳаёт мен учун ҳаёт эмас», деб такрорлар эди.

1614 йилда Ажмор ва Ражастонга, 1617–1618 йилларда Деккон ўлкасига, 1620 йилда Кашмир воҳасига қилинган сафарда у эрига ҳамроҳлик ва ҳамдардлик қилган. Қувғинликнинг оғир кунларида чангалзор ўрмонларда ва ғорларда кўпол этик кийиб юришга рози бўлган, дарёлардан кечиб ўтишда ҳаётини кўп марта таҳлика остида

колдирган ва ўзининг иродали аёл эканини намоёниш қилган.

Ана шундай оғир кунларнинг бирида Орисса вилоятидаги дарёни кечиб ўтишда кучли тўфон кўтарилиб, солдан ўтаётган филнинг оёғи тойилиб кетиши натижасида унинг устидан учиб, шиддат билан оқаётган дарёга кулаб сувга ғарқ бўлишига бир бахя қолган эди. Саттинисонинг абжирлик билан қилган ҳаракати туфайлигина зўрға омон қолган эди. Ўшанда бир оёғининг сон суяги қаттиқ лат еб, анчагача ўзига келолмай юрган.

1623–1627 йилларда Жаҳонгир ва Шох жаҳон ўртасига Нур Жаҳоннинг найранглари туфайли совукчилик тушиб қолганда Аржумандбонунинг оқилона маслаҳатлари билан ота-бола ўртасидаги муносабат юмшаган, исёнкор ўғилнинг отасидан узр сўрашига эришилган эди. 1628 йилда Шох Жаҳон тахтни эгаллагач, бир неча йиллаб ўзининг саргардонлик йилларида эрининг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиб, унга ҳамдардлик қилгани ва садоқати учун миннатдорчилик белгиси сифатида Шох Жаҳон Аржумандбонуга «Мумтоз Маҳал» (Саройда тенги йўк) деган унвон берди ва кейинги ҳаётида у ана шу ном билан атала бошлади. Ўшанда Саттинисо Фотехпур Секридаги башоратчи авлиё чолнинг: «Сен бошқа ном билан машҳур бўласан», – деган сўзини эслатганда Аржумандбону кулиб – «*Хўп, ўша авлиё башоратининг бир қисми рўёбга чиқди,*

энди машҳур бўлишим учун нима қилишим керак? — деган эди...

Шоҳ фармониға биноан унга йилиға бир миллион рупий маош тайинланган. Бу маблағни у асосан канизағи Саттинисо топиб келган етим-есир ва бева-бечораларға ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам бериш учун сарфлар эди. У жуда раҳмдил аёл бўлганидан саройға подшоҳ ҳузурига келганларни жазирама иссиқдан ва кучли ёғаётган ёмғирдан ҳимоялаш учун Девони ом олдидағи майдон усти том билан ёпилиб, пана жой қилинди. Унинг таклифига биноан мамлакат ҳаётида сезиларли ислоҳотлар ўтказилди: Махсус «мухтасиб»лар назорати орқали мамлакатда гиёҳванд моддалар ва май тайёрлаш, уларни истеъмол қилиш ва сотиш тақиқланди, ҳиндлардағи «сатии» одати ёш болали аёллар учун бекор қилинди. Бу удумға кўра эри вафот этган аёллар эрининг жасади ёқиладиган оловға сакраб ўзларини ўтда ёқишлари лозим эди. Камбағал ва бева-бечораларға кўплаб моддий ёрдам уюштирилди.

У ўта художўй мусулмон бўлганидан бошка динларға нисбатан совуқроқ муомалада бўлар, ҳиндларнинг мусулмончилиқни қабул қилишларини олқишлар, иезуитлар бутхоналарининг таъмирланиши ва янгитдан қурилишиға унчалик раъй бермас, бу динларнинг якка тартибда уйларда эътиқод қилинишини талаб қиларди. Унинг саъй-ҳаракати билан Маккаи Мукаррамадағи азиз-авлиёларға ҳам кўплаб хайр-эхсон юбориб турилган. Саройдағи шоирлар, санъат-

корлар ва таржимонлар ҳам унинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлар эди. Подшоҳ давлат аҳамиятига молик ишларни фақат унга ишонар ва ҳарбий юришларга кетганда давлат ишларининг боришини Мумтоз Маҳал ўзи назорат қилар эди. Маликанинг саъй-ҳаракатлари билан саройда ғийбат ва ифвогарликларга чек қўйилган. Ҳар бир ходимнинг аниқ вазифаси бўлиб, уларнинг ижроси Мумтоз Маҳал назоратида бўлган.

Шоҳ Жаҳон ҳукмронлигининг учинчи йили – 1631 йилда оғир мусибат рўй берди. Деккон ўлкасидаги маратхалар яна бош кўтариб подшоҳ салтанатига бўйсунисдан бўйин товлаётгани ҳақида хабар келди. Бу исённи бостириш учун Шоҳ Жаҳон бошлик кўшин Бурхонпурга келди. Ўшанда ёши қиркка яқинлашиб қолган Мумтоз Маҳал ўн тўртинчи фарзандига ҳомиладор эди. Орисадаги дарёдан ўтишдаги ҳалокатдан кейин малика ҳали тўлалигича соғайиб ўзига келиб улгурмаганига қарамай, бу ерга келган экан. Маликанинг ой-куни етиб доя аёллардан бири унинг қиз туққанидан хабар берди. Бироқ у, маликанинг жуда кўп қон йўқотганидан хавотирга тушиб, Шоҳ Жаҳонни чақиртириш зарурлигини тайинлайди. Малика: *«Хуррамни чақиртир, мен ўлаяпман, ўлимим олдидан уни кўрмоқчиман»*, – деган экан. Шундан сўнг *«Мумтоз қиз тугди, бироқ у ҳаёт билан видолашяпти, тезда етиб келинг»*, деган мазмундаги хат билан подшоҳга чопар жўнатилди.

Шоҳ Жаҳон етиб келгач, улар анчагача хонада ёлғиз қолдилар. Ниҳоят Саттини-со хона эшигини аста очиб ичкарига мўра-лаганда Мумтознинг оппоқ жонсиз қўллари-ни тутганча Шоҳ Жаҳон ерда беҳуш ётар-ди. Мутоз Маҳал бу ёруғ оламдан кўз юмган эди.

«Эй Парвардигор, инсон чидаб бўлмай-диган бу мусибатга бардош бериш учун менга ўзинг мадад бергин». Анча вақт ўтгач ўзига келган подшоҳнинг биринчи бор айтган сўзлари ана шу бўлди. Кейинчалик айнан ана шу сўзлар маликанинг қабр тошига ҳам ўйиб ёздирилди.

Мумтоз Маҳалнинг жасади Аграга келтирилиб сўлим бир боғ ичига дафн этилди. Суюкли маликасининг вафотидан изтиробга тушган Шоҳ Жаҳон саккиз кунгача бир хужрага қамалиб олиб туз тотмади. Унинг бу аҳволини кўриб барча изтиробга тушар, лекин унинг олдига киришга ҳеч ким ботина олмади. Унинг соч-соқоли ғамдан оппоқ оқариб кетганди. Шундан сўнг кизи Жаҳоноро хузурига кириб, уни овқат ейишга, сув ичишга кўндирди.

Окила киз отасини бу аҳволдан қутқариш ва кўнглини кўтариш учун унинг бошқа хотинлари ва канизакларини подшоҳнинг атрофида парвона бўлиб, кўнглини олишга, шу йўл билан уни яна аввалги ҳаёт тарзига қайтаришга ундар эди. Бирок ўша давр тарихчиларининг гувоҳлик беришича, Шоҳ Жаҳоннинг бошқа хотинларига бўлган му-

носабати унинг Мумтоз Маҳалга бўлган муҳаббатининг мингдан бир қисмича ҳам эмас эди. Бир неча кунлик саъй-ҳаракатлардан кейингина подшоҳ бир оз ўзига келиб вазирларни ва сарой аъёнларини қабул қила бошлади.

Махсус фармон чиқарилиб, саройда икки йилгача мотам эълон қилинди. Кўнгил очар маросимлар, мусиқа ва ашула айтиш, мушканбарлар сепиш, серҳашам либослар кийиш, кимматбаҳо тақинчоқлар тақиб ясаниш тақикланди.

Шоҳ Жаҳоннинг кейинги йигирма йиллик умри севимли маликаси Мумтоз Маҳалнинг соф муҳаббати ва садоқати рамзи сифатида унинг хотирасига бағишлаб қурилажак ноёб мўъжиза – Тож Маҳал макбарасини бунёд этишга бахш этилди. Дунёнинг барча бурчакларидан машҳур усталар, хунармандлар ва меъморлар келтирилди. Ушбу буюк обидани барпо этишда йигирма мингдан ортиқ одам меҳнат қилди ва энг ноёб қурилиш моллардан фойдаланилган.

Макбаранинг атрофи ям-яшил боғ билан ўралган бўлиб, унинг асосий биноси боғ сатҳидан 6,7 метр баландликка кўтарилган, бино саҳни кенг майдонни эгаллайди. Гумбазининг ер сатҳидан баландлиги эса 60 метрга етади. Макбаранинг тўрт бурчагидан қад кўтарган миноралар баландлиги 50 метрдан ортиқроқ. Бинонинг олд томонидаги оқ мрамар деворга қора мрамардан тайёрланган тахтачага Қуръони карим оятларидан кали-

малар жимжимадор килиб ўйиб ёзилган. Бинонинг ички қисми ҳам ўта маҳорат ва нозик дид билан сержило килиб ишланганлиги билан кишини лол колдиради. Ҳинд тарихчиси Л. П. Шарманинг таъбири билан айтганда, *«Тоғ Маҳал ўзининг улугворлиги ва жилоси билан, нафақат бобурийлар меъморчилигининг, балки бутун жаҳон меъморчилигининг бетакрор намунасидир»*. Бу улкан обидани бунёд этишда бош меъмор Устод Исо бошқош бўлган, атроф боғни эса Ранмал исмли ҳинд боғбони режалаштирган.

Бу обида гўзалгина эмас, балки муқаддас ҳамдир. Унда вафодор ёрнинг соф севгиси ва садокати куйланади. Саттинисонинг таъбири билан айтганда, бу мухташам ёдгорликка тикилиб туриб Аржумандбонунинг куёвга чиқиш олдидан келажак тақдирини башорат килиб берган Фотехпур Секридаги авлиё чолнинг: *«Сен бошқа исм билан машҳур бўласан»*, – деган сўзлари ижобат бўлгандай туюлади кишига. Ўшанда, эҳтимол, авлиё чол қандайдир андиша билан: *«Бироқ сен машҳур бўлиш учун бу дунё билан видолашувинг керак. Сенинг шон-шуҳратингга эринг ҳам шерик бўлади. Сизларнинг севгингиз ва ўлимингиз дунёга буюк бир ёдгорлик обидаси ҳада этади. Шунга тайёрмисан?»* – демокчи бўлгандир.

Агар ўшанда авлиё Аржуманддан бу саволни сўраганда, у ҳеч иккиланмай: *«Мен бу шартни қабул қилишга тайёрман»*, – деб жавоб берган бўлар эди.

ЖАҲОНОРО БЕГИМ

Жаҳоноро Бегим Шоҳ Жаҳоннинг Мумтоз Маҳалдан туғилган фарзандларининг иккинчиси бўлиб, унинг биринчи тўнғич фарзанди Чаманий исмли кизи бўлган. Жаҳоноро Бегим 1614 йилда Ажмор вилоятига қилинган навбатдаги сафарлардан бирида тугилган. Чакалоқлигиданок унинг тарбияси билан онаси Аржумандбонунинг ўзи шуғулланган ва кизининг ҳар томонлама чуқур билим олиши учун барча шароит яратиб берилган. У тўққиз ёшга тўлгандаёқ атрофида бўлаётган воқеа-ҳодисаларни мустақил таҳлил қилиб, улардан мантикий хулосалар чиқара олар эди. Шунинг учун бўлса керак, отаси шахзода Хуррам ва бобоси Жаҳонгиршоҳ ўртасида бўлиб ўтган можаро ва низоларга етук инсон назари билан қарар ва бу ишларда кимнинг қўли борлигини, ким ҳақу, ким ноҳақ эканини фаҳмлашга уринган.

Отасига чексиз эътикод назари билан қарар, унинг барча муваффақиятларидан қувонар, омадсизликларидан эса изтироб чекар эди. Балоғат ёшига етгунча отаси унга ўғиллари қаторида муомала қилар эди. Уларга ов саргузаштларидан, ёввойи ҳайвонларнинг феъл-атворидан, ҳарбий юришларда рўй берган қизиқ воқеалардан ҳикоялар сўйлаб берар эди.

Онаси Аржумандбону унга илоҳиёт илмидан, энагаси Саттинисо эса мусиқа илмидан сабоқ берган. Шунингдек, Жаҳоноро

камонбозлик ва чавандозликни яхши ўзлаштиришга ҳаракат қиларди. У табиатан сергайрат ва жасур қиз бўлиб, бўшанг йигитларни ёқтирмас эди. Юмшоқ табиат кичик амакиси шаҳзода Парвез ҳақида сўз кетгудай бўлса, «Анави бўш-баёв амаки», деб сўзлаган экан. Шижоатли ва шаддодлигига караганда, катта аммаси Нур Жаҳонга хос фармонбардорлик хислатлари кўзга ташланиб турарди. У ўн икки ёшга етганда саройда бўлаётган воқеаларни, аркони давлат ва шаҳзодалар ўртасидаги кўзга кўринмас низолар ва рақобатни фахмлаб олиш қобилиятига эга бўлиб қолган. Бу можароларда отасининг тўғри йўл тутаётганига ва албатта ҳақ бўлиб чиқишига ишонч кўзи билан қарар, бунга ҳеч шубҳа қилмас эди. Шунинг учун ҳам отасига жуда садоқатли ва меҳри баланд бўлган.

Отаси шаҳзода Хуррам подшоҳ бобоси Жаҳонгиршоҳнинг адолатсизлигига қарши исён кўтарган. Ўшанда иккинчи бобоси (онасининг отаси) бош вазир Асафхон Кашмир саёҳатига олиб бориш бахонаси билан шаҳзода Хуррамнинг болаларини гаровга олиб кетиш мақсадида келган. Жаҳоноро бобосининг ёмон ниятда келганини дарров фахмлаб отасисиз ҳеч қачон бормаслигини айтган ва бобосининг совғаларига қайрилиб ҳам қарамаган.

Жаҳоноро ёшлигиданоқ онасининг содик ёрдамчиси бўлган. Укалари Доро Шукух, Шоҳ Шужо, Аврангзеб ва Муродбахшларга кўп ғамхўрлик қилар, айникса, Аврангзеб-

га нисбатан алоҳида меҳр кўзи билан қарар эди.

Отаси Шоҳ Жаҳон тахтга чиққанда Жаҳоноро ўн тўрт ёшда эди. Отасининг фармонига биноан онаси Мумтоз Маҳалга йилига бир миллион, Жаҳонорога эса олти юз минг рупий миқдорда маош тайинланган бўлиб, отаси севимли кизини дуру жавохирларга кўмиб ташлаган. Онасининг вафотидан кейин эса отасининг барча бойликлари Жаҳоноронинг ихтиёрига берилган. Подшоҳ отаси ҳарбий юришларга кетганда у онаси Мумтоз Маҳал Бегим билан биргаликда салтанатдаги ишларнинг боришини назорат қилар, саройга келган меҳмонлар ва расмий вакилларнинг аёлларини кутиб олар, уларнинг кўнгил очишлари учун турли тадбирлар белгилар эди. Уларни рисоладагидек совғасаломлар билан сийлаб кузатиб қўйиш вазифаси ҳам унинг зиммасида бўлган. Бу ишларни ҳал этишда у ўзининг ниҳоятда тадбиркор ва уддабуронлигини намойиш қилар эди.

Онаси вафот этганда Жаҳоноро ўн етти ёшда бўлиб, ўшанда каттиқ изтиробга тушган подшоҳ отаси саккиз кунгача туз тотмай, ҳузурига ҳам ҳеч кимни йўлатмай аза тутган вақтда бошига оғир мусибат тушган отасининг ҳузурига Жаҳоноро биринчи бўлиб киради ва уни юпатиб, кўнглига таскин берган ва бирон нарса тамадди қилишга кўндиради.

Бундан буён Жаҳоноро салтанат ишларини бошқаришда отасининг яқин ҳамроҳи

ва ишончли маслаҳатгўйига айланиб қолган эди. Унинг маъмурий ишларни ҳал этишдаги адолатли тадбирлари туфайли сарой аъёнлари орасида обрў-эътибори ва мавқеи жуда кўтарилиб кетган. Мамлакатда ободончилик, меъморчилик ва хайрия ишлари учун маблағларни аямай сарфлар, шу билан бирга ўзи ҳам ижодий иш билан машғул бўлгани ва «Рисолаи Соҳибия» (*Дўстлик ҳақида рисола*) номли асар ёзиб қолдиргани маълум.

Отасининг соғлиги бир оз ёмонлашиб қолганда шахзода укалари ўртасида тахт таллашиш натижасида чиққан кескин низоларда ҳам Жаҳоноро уларга одилона ҳакамлик қилишга, мамлакатни уларга тенг бўлиб бериш чораларини кўради, лекин қайсар ва тақаббур Аврангзеб бу маслаҳатларга кўнишни истамади.

Укаларининг тахт таллашиши орқасида рўй берган фожиалардан қаттиқ изтиробга тушган Жаҳоноро бу дунё ишларидан ҳафсаласи пир бўлиб, отасининг хибсида ўтган кунларида унинг хизматида ва унга таскин бериш билан машғул бўлди. Умрининг қолган қисмини камтарона ҳаёт кечириш билан ўтказиб, 1681 йилда бу бевафо дунё билан видолашди.

Бобурийлар тарихини ёритишга бағишланган манбалар

Бобурийлар тарихини ёритишга бағишланган манбалар жуда кўп ва турли-туман. Улар орасида араб, форс ва туркий тилларда ёзилган адабиётлар муҳим манба сифатида ҳалигача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

1. БОБУР ВА ҲУМОЮН ҲАҚИДА

1.1. «**Тузуки Бобурий**». «Тузуки Бобурий» ёки «Бобурнома» шоҳ Бобур томонидан туркий тилида ёзилган тарихий асар бўлиб, унинг айрим жойлари таҳрир жараёнида тушириб қолдирилган. Шунга қарамай, Марказий Осиё ва Ҳиндистон тарихини ўрганишда биз учун жуда муҳим тарихий манба бўлиб хизмат қилади. Бобурийлар ҳукмронлиги давомида бу асар тўрт марта форс тилига таржима қилинган. Ҳумоюн даврида дастлаб Шайх Зайн томонидан, кейин эса Поянда Ҳасан томонидан, учинчи марта Акбар ҳукмронлиги даврида Абдураҳим хониҳон томонидан, ва ниҳоят тўртинчи бор Шоҳ Жаҳоннинг буйруғига биноан Абу Толиб Турбатий томонидан (ўша даврда форс тили сарой тили бўлгани боис) форс тилига ўгирилган. Кейинроқ эса бир неча Европа тилларига, шу жумладан, инглиз ва француз тилларига ҳам таржима қилинган. Улар орасида инглиз шарқшунос олимаси А.С. Бевериж хонимнинг асл туркий матндан қилган

таржимаси энг яхши таржима намунаси деб хисобланади.

«Бобурнома» (дастлабки номи “Вакоъеъ”) барча хозирги замон тарихчилари томонидан кадрланади ва мақталиб тилга олинади. Инглиз тарихчиси Эльфингстоун бу асарни «Осиё тарихини ҳаққоний ёритган асар», деб баҳолаган. Иккинчи инглиз тадқиқотчиси С. Лейн Поулнинг таъбирича: «Агар бирон тарихий ҳужжатни бошқа гувоҳликларсиз ҳам ҳаққоний деб қабул қилиш мумкин бўлса, бундай ҳужжат Бобурнинг ёдномаларидир».

«Бобурнома» Бобур ҳаёти ва ул зот ҳукмдорлик қилган мамлакатлар тарихи тафсилотларини ўрганиш учун ишончли манбадир. У адабий ва тарихий қимматга эга бўлган асарлар ичида энг юкори ўринни эгаллайдиган асарлардан хисобланади. Унда Бобурнинг ҳаёт тафсилотлари ҳақидаги ҳикоянигина ўқиб қолмай, унинг феъл-атвори, шахсий фазилатлари, билим доираси, қобилияти, камчиликлари ва унинг интилишлари ҳақида ҳам маълумот топиш мумкин. Асарнинг тили равон ва ҳикоя усули жуда таъсирчан бўлиб, ўтган воқеалар ва атрофмуҳитда бўлиб ўтган сиёсий ва табиий жараёнлар тасвири жуда ҳаққоний тасвирланган. Ҳақиқатни тан олиб айтиш керакки, у ўзи кўрган ва атрофда бўлиб ўтган воқеалар ҳамда манзараларни тасвирлашда воқелик ва унинг моҳиятига холисона ёндашади. Ўзининг муваффақиятсизликлари ва заиф

томонлари, яъни ичкилик ва чекишга берилганлигини ҳам очик-ойдин ҳикоя қилган.

Муаллиф бирон воқеа ҳақида ўз хулосаларининг шаклланишида атроф-муҳитда бўлаётган воқеа ёки айрим шахсларнинг хатти-ҳаракатлари ва фикрлари қай тарзда таъсир кўрсатгани ҳақида ҳам ошкора ёзади, дўстлари ва рақиблари хусусида беғараз фикр юритади. Рақиблари Давлатхон Лўдий, Иброҳим Лўдий, Рона Синга Сингх ва бошқалар ҳақида билдирилган фикр ва мулоҳазалари бунинг ёрқин далилидир. Ўзи кўрган манзаралар, жумладан, ўлкаларнинг иклими, қир-адирлар, дарёлар, ўрмонлар, ҳайвонот олами ва ўсимликлар дунёси, табиат гўзалликлари ҳам муаллифнинг эътиборидан четда қолмаган. Бу асардан Бобурнинг таъби, диди, табиатга ошиқлиги, вазиятни ва кишиларни тўғри баҳолай олиш қобилияти, диний имон-эътиқоди, кўшинни бошқариш ва уруш олиб бориш услуби, жанг қилиш маҳорати, айбдорларни жазолаш чоралари ҳақида ҳам муфассал маълумот олиш мумкин.

Асарда Ҳиндистон мамлакатининг тасвири ҳам яхши берилган. Бу ўлканинг географик шароити, иқлими, дарёлари, у ердаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий вазият, турли вилоятлар ва уларнинг ҳукмдорлари, аҳолининг кийиниши, урф-одатлари, истеъмол моллари, овқатланиши ва яшаш шароитлари ҳақида кенг фикр юритган. Ҳиндистон ва ҳиндлар билан бўлган биринчи учрашув унда яхши таассурот қолдирмаганди. Ҳин-

дистон таърифлари хиндлар учун оғирроқ ботадиган тарзда берилган бўлса ҳам у аини ҳақиқат эди. Бу асар илмий-тарихий манба сифатида қимматга эга бўлишидан ташқари, ўтмишда яратилган адабий ва тарихий асарлар ичида энг ўқишли ва саргузаштларга бой асардир.

1.2. «**Тарихи Рашидий**». Бу асар Бобурнинг холаваччаси Мирзо Муҳаммад Ҳайдар Дўғлат томонидан форс тилида ёзилган бўлиб, унда Бобур ва унинг тахт вориси Ҳумоюн ҳукмронлик қилган даврдаги воқеалар тафсилоти ҳикоя қилинади. Мирзо Ҳайдар эрта ёшданок Бобур хизматига кирган бўлиб, унинг атрофида бўлиб ўтган жуда кўп воқеаларнинг гувоҳи бўлган. У Бобурнинг ҳаёти давомидаги курашларни ўз кўзи билан кўрган, Ҳумоюннинг Шершоҳ Сур билан бўлган жангларининг гувоҳи бўлган, Ҳумоюн кўшинида унга қарши Билграм (Кануж)даги жангда қатнашган, Кашмирнинг бир қисмини эгаллаб, ўша ерда ҳукмдорлик ҳам қилган ва ниҳоят, шу ерда вафот этган. «Тарихи Рашидий» асарини у 1546 йилда яқунлаган. Асар матни 2 қисмдан иборат. Унинг биринчи қисмида темурийлар 1347 йилдан 1553 йилгача ҳукмдорлик қилган (200 йилдан ортиқроқ давр) давр давомидаги фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади. Асарнинг иккинчи қисмида эса муаллифнинг 1541 йилгача бўлган ҳаёт йўли тафсилотлари берилган. Бу қисмда Бобуршоҳнинг иккинчи ўғли Мирзо Комроннинг Қандаҳорни босиб оли-

ши, унинг Ҳиндистонга, акаси Ҳумоюнга ёрдамга келиши, Ҳумоюннинг Шершоҳ Сур билан Билграмда бўлган жангдаги мағлубияти, ўзининг бу жангдан чиқиб қочиши, Лоҳурда Ҳумоюн билан учрашуви ва унинг Кашмирга ҳужуми тафсилотлари баён этилади.

1.3. «**Ҳабибус-сияр**». Бу асар таниқли тарихнавис Хондамир томонидан форс тилида ёзилган. Хондамир 1475 йилда Ҳиротда туғилган. У таниқли тарихнавис олим бўлиб, ҳаёти давомида тарихий мавзудаги асарларни кўплаб яратган. 1528 йилда у Ҳиндистонга келиб Бобур саройига хизматга киради. Бобур вафотидан сўнг уни Ҳумоюн ўз паноҳига олди. Ҳумоюн Гужаратга юриш қилганда Хондамир унга ҳамроҳлик қилган эди. Гужаратдан қайтишда у бетоб бўлиб, 1534 йилда Гувалёрда вафот этди. «Ҳабибус-сияр»да асосан Бобурнинг ҳукмронлиги даври лавҳалари ва айниқса, унинг 1529 йилда афғон хонларига қарши олиб борган жанглари тафсилоти муфассал ёритиб берилган. Ҳумоюннинг дастлабки ўн йил давомидаги ҳукмдорлик фаолияти ҳам шу асарда муфассал ёритиб берилган. Хондамир ўша давр воқеаларининг бевосита иштирокчиси ва гувоҳи бўлганлиги учун унинг ҳикояларини ҳаққоний деб қараш мумкин.

1.4. «**Қонуни Ҳумоюн**». Бу асар Ҳумоюннинг буйруғига биноан Хондамир томонидан ёзилган бўлиб, Ҳумоюн тахтга чиққанидан кейинги уч йиллик фаолияти тафсилотига бағишланган. Унда Ҳумоюннинг тахтга ўти-

риш ва тож кийиш тантаналари, унинг дастлабки фаолиятидаги кийинчиликлар, ўша давр ичида чиқарилган фармонлар, Ҳумоюннинг феъл-атвори ва шахсий фазилатлари ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

1.5. «Ҳумоюннома». Бу асар Акбаршоҳнинг илтимосига биноан Бобуршоҳнинг кизи, шахзода Ҳиндолнинг опаси Гулбадан Бегим томонидан форс тилида ёзилган. Асарда муаллиф Бобурнинг феъл-атвори, қариндошларига бўлган муносабати, умрининг охириги йилларида бўлиб ўтган муҳим сиёсий воқеалар, унинг хасталиги ва вафоти тафсилоти ҳамда Ҳумоюннинг 1555 йилгача давом этган ҳукмдорлиги давомида бўлиб ўтган воқеалар баён қилинган. Бу асар Бобур ва Ҳумоюннинг шахсий ҳаёти, Ҳумоюннинг ўз укаларига бўлган муносабатлари ва ҳар иккала ҳукмдорнинг оиладаги муносабатлари ва уларнинг ҳаётидаги айрим лавҳаларга тааллуқли бўлган муҳим маълумотларни ўз ичига олган.

«Ҳумоюннома» асосан ҳар иккала ҳукмдорнинг кўпроқ ички оилавий муносабатларига бағишланган бўлиб, маиший лавҳаларга бойдир. Бундан ташқари, у Гулбадан Бегим кексайиб қолган пайтда ёзилгани учун, асосан, муаллифнинг хотирасида сақланиб қолган воқеаларгина баён қилинган. Шунга қарамай, бу асардан Ҳумоюн ҳукмронлиги даврига оид айрим маълумотларни олиш мумкин. Бундан ташқари, бу асар тили жуда таъсирчан, шунинг учун ҳам уни муҳим

адабий манба деб қараш мумкин. Ҳозирда унинг асл кўлёмаси Британия музейида сақланмоқда.

1.6. «Тазкират-ул-воқеот». Бу асарни Акбаршоҳнинг буйруғига биноан бир неча йил давомида Ҳумоюннинг шахсий хизматида бўлган Жавҳар Офтобачи исмли киши ёзган. Муаллиф Ҳумоюннинг ҳарбий юришларида ҳам, кейинчалик сургунда бўлган пайтларида ҳам унга ҳамроҳлик қилган. Шунинг учун ҳам Офтобачи Ҳумоюннинг ҳам оддий инсон сифатидаги, ҳам шоҳ сифатидаги фазилатларини кўриш ва кузатиш имкониятига эга бўлган.

Шоҳга яқин кишилардан бўлгани, унинг ҳаётидаги воқеалар тафсилотидан яхши хабардор бўлгани учун ҳам, унда асосан Ҳумоюн ҳукмдорлиги давридаги воқеаларни муфассал баён қилган. Асарда Ҳумоюннинг феъл-атвори, унинг ҳукмдорлиги давридаги воқеалар, шоҳнинг муваффақиятсизликлари, Акбарнинг дунёга келиши ва болалик йиллари ишончли тарзда ҳикоя қилинган. Шуни эсда тутиш лозимки, Жавҳар Офтобачи бу асарни кексайиб қолган даврида ёдида қолган хотиралар асосида ёзган. Шунинг учун ҳам у воқеаларни хронологик тартибда ҳикоя қила олмаган ва айрим воқеалар бўлган вақтни нотўғри кўрсатган. Айрим жойларнинг жўғрофий тафсилотини баён қилишда ҳам асарда баъзи ноаниқликларга йўл қўйилган. Шунга қарамай, бу асар Ҳумоюн ва унинг ҳукмронлик даврини ўрганишда яхши манба

бўлиб хизмат қилади. Асар кўлёмасининг бири Ҳиндистондаги Патна шаҳрининг Худобахш кутубхонасида, иккинчиси эса Удайпур шаҳридаги Сарасвати Бхаван кутубхонасида сақланмоқда.

Булардан ташқари, Бобур ва Ҳумоюннинг ҳукмдорлиги даврини акс эттирувчи қатор манбалар борки, улар орасида Эрон шоҳи Шох Таҳмосп томонидан ёзилган «Тазкироти Таҳмосп», Боязид Биатнинг хотиралари ва «Тарихи Ҳумоюн», Абулфазл Алломийнинг «Акбарнома», Хўжа Низомиддин Аҳмаднинг «Табакоти Акбарий» каби асарлари алоҳида аҳамият касб этади. Бу асарлар Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида форс тилида ёзилган.

2. АКБАРШОҲ ҲАҚИДА

Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврининг энг йирик тадқиқотчиси Абулфазл Алломий эди. У ўз даврининг таниқли олими сўфий Шайх Муборакнинг ўғли бўлган. Унинг укаси Файзий номи билан танилган Шайх Абулфайз эди. Абулфазл Акбарнинг яқин дўсти бўлиб, у ҳам ўз даврининг машҳур уламоларидан бўлиб танилди. Отаси каби у ҳам диний эътиқодга холислик билан ёндашар ва бу ҳол Акбарнинг диний қарашлари шаклланишида ҳам сезиларли таъсир кўрсатган эди. 1598 йилда Акбаршоҳ Деккон қалъасини олиш режаси билан Абулфазлни лашкарбоши си-

фатида тайинлаб у ерга юборади ва бу жангда у ўзининг ҳарбий маҳоратини намоиш қилади.

Пойтахтда шахзода Салим исён кўтаргач, Акбар Абулфазлни бу ерга чорлади. Йўлда шахзода Салимнинг буйруғига биноан юборилган саркарда Вир Сингх Бандела ҳужум қилиб, уни ўлдиради.

Абулфазл форс тилида бир неча асарлар яратган ва санскрит тилида ёзилган асарларни ҳам форс тилига таржима қилган. У яратган асарлар орасида «Акбарнома», «Ойини Акбарий», «Руқаоти Абулфазл» ва «Иншои Абулфазл» кабилар тарихан жуда қимматли асарлар сифатида шуҳрат қозонган.

2.1. «**Акбарнома**». Бу асар уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида Амир Темури давридан бошлаб Ҳумоюнгача бўлган бобурийлар тарихи баён қилинган. Иккинчи ва учинчи қисмлар Акбаршоҳнинг 1602 йилгача бўлган ҳукмронлиги тарихини ҳикоя қилади. «Акбарнома»ни тайёрлашда муаллиф форс тилида яратилган «Тузуки Бобурий», «Ҳумоюннома», «Тазкират ул-воқеот», «Тазкироти Ҳумоюн ва Акбар» ва «Тарихи Рашидий» каби машҳур асарлардан унумли фойдаланган. Асарнинг бошланишида катта сўзбоши берилиб, унда тарихни билишнинг аҳамияти ва тарихни яратиш санъати ҳақида қимматли мулоҳазалар баён қилинган. «Акбарнома»да воқеаларни таърифлашдан олдин, ўша воқеани келтириб чиқарган сабаблар чуқур таҳлил этилган.

Муаллиф Бобуршоҳ ҳукмронлиги даврини тасвирлаб берар экан, унинг феъл-атвори, шахси, жанг қилиш услуби, унинг олимона қарашлари, ҳамда шоҳнинг ўз дўстларига, қариндошларига, маъмурий ва ҳарбий амалдорларга бўлган муносабатини тўла таърифлаб беради. Абулфазл шу тарзда «Тузуки Бобурий»да тушириб қолдирган ўринларини тўлғазишга уринади. Ҳумоюн ҳукмронлиги даври эса мукаммал ёритиб берилган. Айниқса, Ҳумоюннинг укалари ва қариндошларига бўлган муносабатлари, Шершоҳ Сурга қарши олиб борилган жанглар, ундаги мағлубиятлар ҳамда Ҳиндистонни яна қайтадан эгаллаб олиш тафсилотлари кенгрок ҳикоя қилинади.

Албатта, муаллиф бобурийлар сулоласи тарафида бўлгани учун Шершоҳ Сурни фитначиликда айблаб, Ҳумоюннинг мағлубиятини омадсизликка йўяди. Шундай қилиб, «Акбарнома» Ҳумоюн тарихини тўла ёритиб беради. Акбарнинг тарихига келсак, ўзи ҳали ҳаёт пайтида унинг тарихи тугал ёзилиши мумкин эмас эди.

Абулфазл Акбарнинг юришларини, унинг сиёсати ва уларни келтириб чиқарган сабабларни тўла тасвирлаган. Акбарнинг яқин дўсти бўлгани учун унинг ички дунёсини, иштиёқини ва уларга алоқадор бўлган ҳолатларни яхши ёритиб берган. Воқеаларнинг барчаси тушунарли ва таъсирчан тилда баён қилинган. Бобурийлар тарихини ўрганишда «Акбарнома» энг зарур манбалардан бири

сифатида хизмат қилади. Асарнинг тили ра-
вон, бироқ узундан-узоқ жумлалардан ибор-
рат, шунинг учун бўлса керак, анча таъсир-
чан. Лекин тарихий саналар бошқа асарлар-
дагига караганда анча ишончли кўрсатилган.

2.2. «**Ойини Акбарий**». Бу асар ҳам уч
кисмдан иборат бўлиб, унда Акбарнинг дав-
латни идора қилиш усуллари, ўша даврда
чиқарилган қонун ва низомлар, ҳамда умум-
мий қоидалар тасвирлаб берилган. Асар-
да сарой хазинаси, пул бирликлари, ҳарам,
курол захираси, сарой отхонаси, сарой ма-
росимлари, шоҳнинг кундалик иш тарти-
би, маъмурий ва ҳарбий амалдорларнинг
фаолияти, уларнинг маошлари, турли мол-
ларнинг нархлари, судлов ишлари, солиқ
маҳкамалари, давлатнинг даромад манба-
лари, сарф-харажат миқдори, Акбарнинг
ахлоқий қарашлари, у яратган «Дини ило-
хий»нинг мақсад ва вазифалари, салтанат-
га четдан қилинган хужумлар, хорижий
саёҳатчилар, мусулмон уламолари, уларнинг
мазҳаблари, турли фан олимлари, уларнинг
«Илми нуҷум» (астрология), фалсафа ва
адабиёт соҳасидаги билимлари ҳақида фикр
юритилади. «Ойини Акбарий» Акбар дав-
ридаги давлат идораси, дин, адабиёт ва тас-
вирий санъат асарлари ҳақида ҳам фойдали
маълумотлар беради ва бизнинг ўша давр ма-
данияти ва маъмурияти ҳақидаги тасавури-
мизни бойитади. Бундан ташқари, Абулфазл
Акбарнинг аждодлари ва ҳаёти тарихини му-
фассал ёритган. Бу асарнинг форсча нусхаси

Бенгалиянинг «Осиё» жамияти нашриётида энг юкори савияда нашр килинган.

2.3. **«Руқаоти Абулфазл».** Мазкур асар 1913 йилда «Навал Кишор пресс» нашриётида, Лакнов шаҳрида тўплам ҳолида нашр килинган бўлиб, унда муаллифнинг ўз отасига, онасига, ака-укаларига, Акбарга, унинг хотинлари ва ўғил-қизларига ёзган хатлари тўпланган. Демак, Акбар ҳукмдорлиги тарихини ўрганишда бу асардан фойдали маълумотлар олиш мумкин.

2.4. **«Иншои Абулфазл».** Бу асар ҳам асосан, хатлар тўплами бўлиб, бу хатларни Абулфазл Акбаршоҳнинг буйруғига биноан турли кишиларга ёзган. Асарнинг биринчи қисмида Акбаршоҳнинг буйруғига кўра турли машҳур кишиларга, хусусан, Эрон шоҳи Шох Аббосга, Турон ҳукмдори Абдуллахон Ўзбекка, Хондеш хони Алихонга, Аҳмаднагар хони Бурхон-ул мулқка, Маккадаги бир неча дин пешволарига, Европанинг машҳур олимларига ҳамда Акбаршоҳ саройи маъмуриятидаги обрўли амалдорларига ёзилган хатлар эди. Асарнинг иккинчи қисми эса Абулфазлнинг Акбаршоҳга, шахзода Дониёл ва Мирзо Шохрух каби бир неча юкори мартабали сарой аъёнларига ёзилган хатларини ўз ичига олган. Бу хатлар Акбаршоҳ салтанати тарихидаги кўп ўринларни тўлароқ ёритиб беришга хизмат қилади.

2.5. **«Табақоти Акбарий».** Бу Асар Хўжа Низомиддин Аҳмад томонидан ёзилган бўлиб, Бенгалиянинг «Осиё» жамияти нашриё-

ти томонидан нашр қилинган. Низомиддин Аҳмад юкори мартабали аслзода оилага мансуб бўлиб, унинг отаси Бобур ва Ҳумоюн саройида эътиборли лавозимларда ишлаган, Низомиддин Аҳмаднинг ўзи эса Акбаршоҳ саройида «Мир Бахши» лавозимида хизмат қилган. Шундан бўлса керак, давлат идораларидаги обрўли кишилар билан алоқалари яхши бўлган. Ўша даврнинг машҳур олимларидан Абдулқодир Бадауний ва Абулфазллар ҳам унинг яқин дўсти бўлган. Ўша давр тарихини яратишда улар Низомиддин Аҳмаднинг яқин маслаҳатчилари эди. Бу асарни яратишда муаллиф «Тарихи Яминий», «Табақоти Носирий», «Тарихи Ферузшоҳи», «Бобурнома», «Воқеоти Муштоқий», «Акбарнома» каби ноёб асарлардан кенг фойдаланган. Шунинг учун ҳам унда келтирилган фикр ва хулосаларга ишонч билан қараш мумкин. «Табақоти Акбарий» мусулмонлар ҳокимиятининг Ҳиндистонда ўрнатилишидан то Акбар ҳукмронлигининг 39-йилгача бўлган даврни акс эттирувчи муҳим тарихий манбадир.

Асар уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида муаллиф Ҳиндистонда мусулмонлар ҳокимиятининг ўрнатилиши ва Дехли султонлари тарихини баён қилади. Иккинчи қисмида эса Ҳиндистонда бобурийлар салтанатининг ўрнатилиши, яъни Бобур давридан то Акбар ҳукмронлигининг 39-йилгача бўлган тарихий воқеалар баён этилади. Учинчи қисмида эса вилоятлар та-

рихи, айникса, Молва ва Гужарат вилоятлари тарихи жуда кизиқарли килиб тасвирлаб берилган. Шунинг учун ҳам «Табакоти Акбарий»га Ҳиндистоннинг ўрта асрлардаги тарихи бўйича муҳим манба, деб қараш керак.

«Табакоти Акбарий»даги тафсилотлар жуда беғаразлик билан берилган. Низомиддин Аҳмад кези келганда Бобурнинг ашаддий рақибларидан бўлмиш Рона Санга Сингхни макташдан ҳам ҳайикмаган. Бундан ташқари Бобур вафотидан сўнг Ҳумоюн ўрнига тахтга чикмоқчи бўлган Махдихўжанинг фитнаси тафсилотларини ҳам очик-ойдин ёзган. Воқеалар хронологик саналар тартибида берилган. Акбар салтанати тарихини ёзишда у ўзи билган воқеалар билангина кифояланиб қолмасдан, ўзидан аввал яратилган тарихий манбаларга асосланиб иш кўрган. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Қосим Ҳиндушоҳ ўзининг «Тарихи Фаришта» асарини ёзишда «Табакоти Акбарий»дан кенг фойдаланган. Ҳозирги инглиз тарихчиларидан Элиот ва Доусонлар Низомиддин Аҳмадни «ҳақиқий тарихчи» деб тан олган.

2.6. «Мунтахаб ут-таворих» ёки «Тарихи Бадауний». Асар муаллифи Абдулқодир Бадауний бўлиб, у бошланғич маълумотни Абулфазл ва Абулфайзий билан биргаликда уларнинг отаси Шайх Муборак Нагаурийдан олган эди. Акбар ҳукмронлиги даврида у машҳур олим бўлиб етишди ва унга «имом» лавозими таклиф қилинди. Бирок

Бадауний кутилганидек, динга бефарк, хо-
лисона қарашдаги киши бўлмасдан балки
сунний мазҳабидаги жаҳолатпараст ула-
мо сифатида шаклланди. У Акбарни диний
бағрикенглиги билан танилган Абулфазл-
дан рашк қиладиган ўтакетган хурофотчи ва
ашаддий мутаассиб рухоний бўлиб чиқди.
Бу эса Акбаршоҳга унчалик ёқмас эди, чун-
ки унинг ўзи ҳам динга нисбатан бағрикенг
ҳукмдор эди. Шунга қарамай, Акбар Бада-
унийни саройда олиб қолиб, тарихий асар-
лар ёзишни, ёзилган асарларни эса форс ти-
лига таржима қилишни тайинлади. Бадауний
араб, форс ва санскрит тилларини мукаммал
эгаллаган олим эди. У санскритда ёзилган
асарлардан «Маҳабҳорат», «Рамаяна» ва
«Ражтарангини» каби асарларни форс тилига
ўгирган. Бундан ташқари, ўзи ҳам бир неча
асарлар яратган бўлиб, улар орасида «Мун-
тахаб ут-таворих» асари энг ноёб тарихий
манба ҳисобланади.

Унинг бу асари уч қисмдан иборат. Би-
ринчи қисмида Сабук тегин ҳукмронлиги
давридан Ҳумоюнгача бўлган давр тари-
хи ёзилган. Иккинчи қисмда эса Акбарнинг
1594 йилгача бўлган ҳукмронлиги даври
баён этилган. Бунда муаллиф Акбар олиб
борган дин сиёсатини каттик танқид остига
олган. У сунний мазҳабининг ашаддий му-
таассиб уламоларидан бўлгани боис Акбар
олиб борган дин сиёсатига қарши бўлган.

Асарнинг бу қисми Акбар вафотидан
сўнг Жаҳонгирнинг тахтга чиқиш воқеалари

баёни билан якунланади. Асарнинг учинчи қисмида ўша даврнинг машхур дин арбоблари, олиму фузалоларининг ҳаёти ва фаолияти баён қилинган.

«Мунтахаб ут-таворих» асарида баён қилинган сиёсий воқеаларнинг аксарияти Хўжа Низомиддин Аҳмаднинг «Табакоти Акбарий» асаридан олинган. Бадауний ўз асарини «Табакоти Акбарий»нинг қисқартирилган нусхаси деб тан олади. Лекин муаллиф кўпгина воқеаларни изоҳлашда улардаги тарихий саналарга яхши эътибор бермаган. Бундан ташқари, у Акбаршоҳнинг дин сиёсатига ғаразли назар билан қарагани боис унинг хулосаларини ҳолисона мулоҳаза деб бўлмайти. Бироқ асарнинг тили жуда жозибали. Бунинг устига муаллиф Акбарнинг дунёқараши ва дин сиёсатини қаттиқ қоралагани учун шоҳнинг давлатни идора қилишдаги айрим кўринмас жиҳатларини аниқроқ тасаввур қилишга ҳаракат қилади. Агар Абулфазлнинг асарлари Акбаршоҳ сиёсатини мактаб кўкларга кўтаришдан иборат бўлса, Бадаунийнинг асари бунинг аксидир. Бу ҳол эса бизга Акбаршоҳ сиёсатини ҳолисона изоҳлашимизга ёрдам беради.

Акбарнинг давлат сиёсатини ва унинг тарихини баён қилишга бағишланган яна бир неча асарлар бор. Улар орасида Иноятуллоҳнинг «Такмили Акбарнома» асари Акбар салтанатининг 1602–1605 йиллардаги тарихини баён қилади.

Мулла Муҳаммад Қосим Ҳиндушоҳнинг

«Тарихи Фаришта» ёки «Гулшани Иброҳими» деб аталган асари эса Ҳиндистонда муслмонлар салтанати ўрнатилишидан тортиб то Жаҳонгиршоҳнинг тахтга чиқишигача бўлган тарихнинг баёнига бағишланган.

Шуниси диққатга сазоворки, бу асарда Ҳиндистоннинг жанубий вилоятлари тарихи ҳам баён қилинган. Бундан ташқари, тарихнавис Абдулҳақнинг «Тарихи Ҳаққи», Шайх Нуруллоҳнинг «Зубдатут-таворих», Оллоҳадад Файзий Сарҳиндийнинг «Тарихи Ҳумоюншоҳи» ва «Акбарнома» асарлари, Яҳё бин Абдуллатифнинг «Мунтахаб ут-таворих» каби асарлари Акбаршоҳ ҳукмрон бўлган давр тарихини синчиклаб ўрганиш имкони беради.

4. ЖАҲОНГИРШОҲ ҲАҚИДА

Акбаршоҳ ҳукмронлиги даврида яратилган қатор асарларда Жаҳонгирнинг ҳаёт ва фаолияти қисман ўз аксини топган. Номлари юқорида зикр этилган муаллифлардан Абулфазлнинг «Акбарнома», Иноятуллоҳнинг «Такмили Акбарнома», Абдулқодир Бадаунийнинг «Мунтахаб-ут-таворих», Хўжа Низомиддин Аҳмаднинг «Табақоти Акбарий», Мулло Муҳаммад Қосим Ҳиндушоҳ (Фаришта)нинг «Тарихи Фаришта» асарлари ана шулар жумласидан. Булардан ташқари, Жаҳонгирнинг ҳукмронлиги даврида ҳам унинг фаолиятини ёритиб берадиган қатор

асарлар яратилган. Улардан муҳимроқлари «Тузуки Жаҳонгири» ва Мўтаמידхоннинг «Иқболнома» асаридир.

4.1. «Тузуки Жаҳонгири». Бу асарда Жаҳонгиршоҳнинг ҳаёт йўли ҳикоя қилинади. Асар дастлаб Жаҳонгиршоҳнинг ўз қўли билан ёзилган бўлиб, унда тахтга чиққан кундан бошлаб то ҳукмронлигининг ўн еттинчи йилигача бўлган давр тарихи баён этилган. Кейинроқ соғлиғи ёмонлашгандан сўнг бу ишни сарой бахшиси Мўтаמידхонга топширган. Бироқ Мутаמידхон Жаҳонгиршоҳнинг ўн тўққиз йиллик ҳукмронлик давринигина баён қила олган, холос. «Тузуки Жаҳонгири»ни ҳаққонийликда «Тузуки Бобурий» билан таққослаб бўлмайди. Чунки Жаҳонгир ўз ҳаётидаги эл билиши мақсадга мувофиқ бўлмаган воқеаларни атайлаб хаспўшлаб кетган. Ўз отасига қарши бош кўтариши, Шаҳзода Хусравнинг ўлими ва буларга сабабчи бўлган воқеалар, ўзининг Нур Жаҳонга уйланиш ҳолатлари, Алиқулихоннинг ўлими каби воқеалар шарҳлаб берилган. Воқеаларни баён қилиш услуби ва асарнинг тили нуктаи назаридан ҳам «Тузуки Бобурий» бу асардан анча устун туради. Шунга карамай «Тузуки Жаҳонгири» ҳам айрим жиҳатларига кўра маълум қимматга эга бўлган асарлар қаторидан жой олиши мумкин.

Кўп ўринларда воқеалар батафсил ва ҳақиқатга яқин ҳолда тасвирланган. Ўзининг хулқ-атворидаги заиф томонларни, жумла-

дан, ичкиликка ружу қўйгани, Нур Жаҳон билан бўлган ишқий можаролар ва бошқалар очик баён қилинган. Бундан ташқари, Жаҳонгир ўзи Ҳиндистонда туғилиб ўсгани ва маҳаллий аҳолининг ҳаёти ва маданиятини яхши билгани учун ҳам уларни ҳаққоний таърифлаган. Ҳинд тарихчиларидан айримларининг фикрига қараганда «Тузуки Бобурий»да Бобур Ҳиндистон ва унинг халқига голиб назари билан қараган, Жаҳонгир эса ана шу халқнинг фарзанди сифатида мулоҳаза юритган.

Жаҳонгир асарда ўзининг тахтга чиқиш маросимларидан тортиб, адолатли идора усулларини ўрнатишга уриниши, катта ўғли шахзода Хусравнинг унга қарши бош кўтариши, ўзининг отасига ва бошқа қариндошларга бўлган муносабатлари, ҳукмронлиги давридаги ҳарбий юришлар, кундалик турмуши, сарой базмлари, ўзининг ражпутларга ва ҳиндларга бўлган муносабатлари, мамлакатда очарчилик ва вабо тарқалиши натижалари, ов саргузаштлари, Кашмирга қилган саёҳатлари, Шерафган (Алиқулихон)нинг ўлими, Нур Жаҳонга уйланиши каби воқеаларни баён қилади. Жаҳонгир табиатни севар эди. Асарда бу ўлканинг иклими, табиат гўзалликлари, паррандалар ва ҳайвонот олами, гуллари ва дарахтларини чиройли тасвирлашга катта ўрин берилган. Жаҳонгир тасвирий санъатни жуда севиш билан бирга бу соҳани яхши билар эди. Шунинг учун ўзининг бу борадаги диди, билими ва шу

санъатни ривожлантириш учун қилган саъй-ҳаракатлари тўла ёритиб берилган.

Шундай қилиб, «Тузуки Жаҳонгири» ўша даврдаги сиёсий воқеаларни, давлатни идора қилиш услубини, Акбар ва Жаҳонгирнинг диний қарашларини, хулқ-атворини, жуда кўп жойларнинг географик тузилишини ёритишда кимматли маълумот берувчи манба бўлиб хизмат қилади.

4.2. «Иқболнома». Бу асар муаллифи Мўтамидхон, асли эронлик бўлиб, бир вақтлар Ҳиндистонга келиб, Жаҳонгиршоҳ хизматида бўлган. Ўз қобилияти туфайли саройда «Мир Бахши» лавозимигача кўтарилди. Отаси Жаҳонгиршоҳдан кейин тахтга чиққан, Шох Жаҳон ҳам Мўтамидхонни ана шу лавозимда олиб қолган.

Мўтамидхон Жаҳонгир топшириғига биноан «Тузуки Жаҳонгири»ни тугатгач, ўзи мустақил тарзда «Иқболнома» асарини ёзишга киришди. Бу асар уч қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида Амир Темур оиласи тарихи баён қилинган. Бобур ва Ҳумоюн ҳукмронлиги даврлари ҳам ўша қисмга киритилган. Асарнинг иккинчи қисмида Акбаршоҳнинг ҳукмронлик фаолияти баён қилинган. Учинчи қисмида эса Жаҳонгирнинг ҳукмронлиги даври баён қилинади.

Мўтамидхон Жаҳонгирнинг яқин кишиларидан бўлгани учун унинг атрофидаги воқеалардан яқиндан хабардор эди. Бундан ташқари, асарда Жаҳонгир шоҳлик даври-

нинг 19-йилидан кейинги фаолияти муфассал ёритиб берилган. Шунинг учун Жаҳонгир ҳаётининг ана шу қисмини ёритишда «Иқболнома» муҳим аҳамиятга эга. Шунини айтиб ўтиш керакки, бу асарда ҳам кўп воқеалар ва уларнинг сабабларини изоҳлашда юзакиликка, ғаразгўйликка йўл қўйилган. Тарихчиларнинг фикрича, Мўтамидхон Жаҳонгир паноҳидан бошпана топган эди, шунинг учун ҳам унинг шахсини таърифлашда бир оз бўрттиришларга йўл қўйган. Жаҳонгир вафотидан кейин Шоҳ Жаҳоннинг пинжигач, Нур Жаҳон Бегимнинг ишларидан нолиб ёзган ўринлар ҳам кўзга ташланади. Шу боис асарни таҳлил қилишда бу ҳолларни эътиборда саклаш мақсадга мувофиқдир. Жаҳонгирнинг шоҳлик фаолиятини ўрганишда ўша даврларда яратилган Муҳаммад Ҳодининг «Татимма воқеоти Жаҳонгири», Хўжа Камгор Ғайратхоннинг «Маассири Жаҳонгири» ва яна бир номаълум муаллифнинг «Интихоби Жаҳонгиршоҳ» каби асарлар яхши манба бўлиб хизмат қилади.

5. ШОҲ ЖАҲОН ҲАҚИДА ЯРАТИЛГАН АСАРЛАР

Шоҳ Жаҳоннинг ҳукмдорлик даври тарихи кўпгина сарой тарихчилари томонидан ёзилган. Шоҳ Жаҳоннинг паноҳида туриб ёзилган бу асарларни ҳолисона шарҳ деб қараш мушкул бўлса ҳам, ҳар қалай, ўша

давр воқеалари саналарини ва тартибини аниқлаб олишда тарихчиларга ёрдам беради. Ўша асарлар орасида қуйидагиларни анча ҳаққоний асарлар каторига қўшиш мумкин.

5.1. «**Подшоҳнома**». Бу асар Муҳаммад Амин Қазвиний томонидан ёзилган. Шох Жаҳон ҳукмронлигининг саккизинчи йилида у Муҳаммад Қазвинийга ўз фаолияти тарихини ёзишни буюради. Бирок Қазвиний шоҳнинг фақат ўн йиллик фаолияти тарихини ёзгач, ишни тўхтатиш ҳақида буйруқ олади. Қазвиний ўз асарини уч қисмга бўлган. Унинг биринчи қисмида Шох Жаҳоннинг болалигидан то тахтга чиққунга қадар бўлган даври ёритиб берилган. Иккинчи қисмида Шох Жаҳоннинг шоҳ сифатидаги ўн йиллик фаолияти баён қилинган. Учинчи қисмида эса ўша даврнинг машҳур олиму уламоларининг рўйхати берилган.

Бу асарда Қазвиний Шох Жаҳонни кўкларга кўтариб макташга уринади. Унинг ўз отасига қарши бош кўтаришига Нур Жаҳонни айбдор деб ҳисоблайди. Асарда Шох Жаҳон даврида бўлиб ўтган воқеалар баёни батафсил ҳикоя қилиб берилган.

5.2. «**Подшоҳнома**». Мазкур асар ўз даврининг машҳур олимларидан бўлган Абдулхамид Лоҳурий томонидан ёзилган. Бобурийлар ҳукмронлик қилган даврдаги олимлар ичида у фақат Абулфазлдан кейинги мавқеда турарди. Абулфазл асарининг тили ва баён қилиш услуби уни лол қолдирган. Муҳаммад Амин Қазвиний Шох Жаҳон тарихини ёзиш-

ни тўхтатиш ҳақида буйруқ олгандан сўнг бу вазифа Абдулҳамид Лоҳурийга топширилган эди. У ҳам ўз асарини «Подшоҳнома» деб атади ва уни икки қисмга бўлиб, биринчи қисмида Амир Темур ва унинг во-рислари тарихини Шох Жаҳоннинг ўн йил-лик ҳукмронлик давригача бўлган воқеа-ларини баён қилиб берди. Бу воқеалар қис-картирилган ҳолда баён қилиниб, Шох Жа-ҳоннинг ўн йиллик фаолияти Қазвиний баён-номасига асосан ёритилган.

Иккинчи қисмида эса Абдулҳамид Шох Жаҳоннинг кейинги ўн йиллик фаолиятини шарҳлаб беради. Унда Шох Жаҳоннинг бир кунлик иш тартиби, сарой дабдабалари, унга ҳадя қилинган совғалар, сарой амалдорла-ри ва уларга мансабларнинг тақсимланиши, олиму уламолар ва шохнинг ўғилларига тўла тасниф берилган. Ўша даврдаги воқеалар батафсил баён қилингани учун бу асар анча салмоқли ҳажмда эди.

«Подшоҳнома» асари ўзидан кейинги та-рихчилар учун ҳам яхшигина кўлланма бў-либ хизмат қилди. «Мунтахаб-ул-лубоб» аса-ри муаллифи Муҳаммад Ҳошим Хавофий-хон ўз асарида Шох Жаҳон салтанати та-рихини таърифлар экан, уни яратишда деяр-ли Абдулҳамид Лоҳурийнинг «Подшоҳно-ма»сига суяниб иш кўрганини алоҳида таъ-кидлайди. Бошқа тарихчилар ҳам бу асарга яхши баҳо берганлар. Шунини таъкидлаш ке-ракки, бу асарни ёзишда муаллиф Абулфазл-нинг баён қилиш усулига таклид қилгану,

лекин унинг тили курук ва ифодасизрок чиккан.

5.3. «Подшоҳнома». Бу асар Муҳаммад Ворис исмли муаллиф томонидан ёзилган. Абдулҳамид Лоҳурий кексайиб қолгач, бу асарни давом эттириш иши унинг шогирди Муҳаммад Ворисга топширилган. У Шоҳ Жаҳон салтанати тарихини тўла ёритиб берди. Унинг дастлабки ўн йиллик тарихи Абдулҳамид Лоҳурийнинг «Подшоҳнома»си асосида битилган бўлса ҳам, кейинги ўн йиллик тарихи мустақил тарзда ёзилган. Давр тарихи муфассал шарҳлаб берилган. Ҳикоя қилиш усули Абдулҳамидникига яқин туради. Воқеалар баёни саналар асосида тартиб билан берилган. Бу асар Шоҳ Жаҳон салтанати тарихини ўрганишда жуда яхши манба бўлиб хизмат қилади.

Шоҳ Жаҳон ҳукмронлиги даври тарихи сарой тарихчиларидан ташқари бошқа олимлар томонидан ҳам ёзилган ва ўша давр тарихини тўла баён қилиб берган бир неча асарлар ҳам бор. Улар орасида тарихнавис Иноятхоннинг «Шоҳжаҳоннома», Муҳаммадшоҳ Камбунинг «Амали Солиҳ», Муҳаммад Содикхоннинг «Шоҳжаҳоннома» асарлари муҳим аҳамиятга эгадир.

6. АВРАНГЗЕБ ВА УНДАН КЕЙИНГИ ШАҲЗОДАЛАР ҲАҚИДА ЯРАТИЛГАН АСАРЛАР (1656–1761)

Ҳукмдорлик фаолиятининг 21-йилидан бошлаб Аврангзеб тарих ёзишни тақиқлаб қўйди. Шундай бўлса ҳам, бунга қадар унинг фаолияти ҳақида бир неча асарлар битилган бўлиб, уларнинг айримлари ўша тақиқдан кейин ҳам яширин ҳолда ёзилаверган. Шундай асарлардан бири «Оламгирнома»дир. У Мирзо Муҳаммад Қосим исмли шахс томонидан ёзилган. Бу асар тарих ёзиш тақиқланишидан аввалроқ ёзиб қўйилган бўлиб, саройда қўлма-қўл бўлиб ўқилган. Асар Аврангзеб ҳукмронлиги даврининг дастлабки ўн йилида бўлиб ўтган воқеаларни баён қилади. Ундаги воқеалар ҳаққоний ёритиб берилган.

Иккинчи яна бир муҳим асар Муҳаммад Соқи Мустаидхоннинг «Маассири Оламгири» асари бўлиб, Аврангзебнинг ҳукмдорлик фаолиятини тўла камраб олган. Яна бир муҳим асар Оқилхон Розийнинг «Зафарномаи Оламгири»да Аврангзеб шоҳлик фаолиятининг 1661 йилгача бўлган даври акс эттирилган.

6.1. Аврангзеб фаолиятини тўлароқ ёритиб берадиган асар Муҳаммад Ҳошим Хавофийхоннинг «Мунтахаб-ул-лубоб» ёки «Тарихи Хавофийхон» асаридир. Бу асарда Бобурнинг Ҳиндистонга юришидан бошлаб то охирги бобурий шаҳзодалардан бўлмиш

Муҳаммадшоҳнинг 15 йиллик фаолиятигача бўлган давр тарихи баён қилинади.

Хавофийхон Аврангзеб саройи маъмуриятида муҳим лавозимларда ишлаб «Девони Низом-ул-мулк» даражасигача кўтарилди. У Ҳайдаробод вилоятининг биринчи ҳокими бўлган. Бу асарни Аврангзеб ҳукмронлиги даврида ёза бошлаган, бироқ бу ҳол ҳаммадан сир сақланган эди. Кейинроқ асарнинг тўла матни Муҳаммадшоҳга тақдим этилган.

Хавофийхон Аврангзеб фаолиятини муфассал баён қилиб берган. Унинг ёзиш услуби кўп мактовларга сазовор бўлган, чунки тарихни рўйирост баён қилганини алоҳида таъкидлаб ёзган эди. Лекин асарда атайлаб тарихга ғаразгўйлик билан ёндашиш ҳоллари ҳам учрайди. Унда ҳинд шоҳи Шиважининг динга холисона сиёсати макталса ҳам, у Афзалхоннинг қотили сифатида қораланади. Ўзининг пири бўлмиш «Низом-ул-мулк» эса ҳаддан ташқари мактаб кўрсатилган. У ўзи эронлик мусулмонлардан бўлгани учун саройда шоҳга қарши бош кўтарган туроний гуруҳидаги мусулмон амалдорларни қоралаб кўрсатади. Шоҳ Фаррухсиярнинг қатл этилишида эса шоҳнинг ўзини айбдор ҳисоблайди. Буларнинг ҳаммаси, албатта, ҳақиқатга унчалик тўғри келмайди. Шунга қарамай, бу асар бобурийлар салтанати тарихини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

6.2. Аврангзебнинг ҳинд амалдорларидан бўлмиш Бхимсен ҳам «Нусхаи Дилку-

шо» деб аталган асар ёзган. Унинг қўлёзмаси Британия музейида сақланади.

6.3. Хонлар саройида кўп йиллар муншйлик қилган патналик хинд тарихчиси Сужан Рай Хаттирийнинг «Хулосат-ут-таворих» асари ҳам Аврангзебнинг вафотигача бўлган тарихини муфассал баён этади.

МУНДАРИЖА

| | |
|---------------------------------------|-----|
| <i>Муқаддима</i> | 3 |
| Бобурий шаҳзодалар шажараси | 8 |
| Захириддин Муҳаммад Бобур | 12 |
| Бобуршоҳ оиласи | 18 |
| Ҳумоюншоҳ | 23 |
| Акбаршоҳ | 29 |
| Жаҳонгиршоҳ | 45 |
| Шоҳ Жаҳон | 60 |
| Аврангзеб Оламгир | 68 |
| Бобурийлар саройидаги маликалар | 79 |
| Хонзода Бегим | 82 |
| Гулбадан Бегим | 84 |
| Нур Жаҳон Бегим | 88 |
| Мумтоз Маҳал Бегим | 99 |
| Жаҳоноро Бегим | 111 |

ҒОҒУРЖОН САТИМОВ

БОБУРИЙЗОДАЛАР

Тарихий-маърифий рисола

«Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент – 2016

Мухаррирлар: *Р. Бойтўра, Р. Нафасов*
Бадий муҳаррир *Ф. Башарова*
Техник муҳаррир *Р. Бобохонова*
Саҳифаловчи *А. Нисанбаева*
Мусаххилар: *Ш. Хуррамова, С. Аллаева*